Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сонли Фармонида суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганлигини текширишнинг фуқароларга қулай вазосдаллаштирилган тартибинияратиш мақсадида суд ҳужжатларини қайта кўриш жараёнларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тегишли вазифалар белгиланди. Ушбу чора-тадбирларнинг амалий натижасида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бир қаторда “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун билан жорий этилган суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартибига кўра:

туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида, ўз навбатида, судлов ҳайъатлари томонидан

кўрилган ишларни Раёсатда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қадимги рим ҳуқуқидан мавжуд бўлган *appellatio est iniquitatis sententiae querela* (лот.): апелляция - ноқонуний қарорни шикоят қилиш [4] институти бугунги кунда ҳам англо-саксон, ҳам континенталь ҳуқуқ тизимларидаги барча давлатларда мавжуд бўлиб, бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Масалан, Буюк Британия фуқаролик процессуал қонунчилигида апелляция ҳар қандай суд ҳужжати устидан шикоят қилишнинг ягона усули ҳисобланади [5].

Е.Смагина апелляцияни “ишни мазмунан иккинчи инстанцияда кўриш ва биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган, қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорининг асосли ва қонунийлигини текширишга қаратилган шикоят қилиш усулидир”, деб таърифлаган [6]. Кўпчилик юридик адабиётларда апелляция деганда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган қарорини мазмунан янгидан кўриш йўли билан текширишга мўлжалланган процессуал ҳуқуқнинг босқичи тушунилади. Миллий қонунчилигимизда апелляция инстанцияси суди қонуний кучга кирмаган биринчи инстанция судининг суд ҳужжатини қонуний ва асослилигини, иш учун аҳамиятли бўлган юридик ва фактик ҳолатларини тўлиқ ҳажмда қайта кўриш орқали баҳо беришга ҳамда мавжуд суд хатоларини бартараф этишга ваколатли бўлган ишни қайта кўриш босқичидир.

Гарчи процессуал қонунчиликда суднинг ҳал қилув қарори устидан тўлиқ ёки қисман шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекс (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 276-моддасига кўра, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт. Мазкур норма қонунчиликда бўшлиқларнинг мавжудлигидан, шу билан бирга назарияда мавжуд бўлган “тўлиқ бўлмаган апелляция шикояти” каби тушунчаларнинг ҳақиқий аҳамиятидан бошқа ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўриш мумкин. Яъни, тараф суд ҳужжатидан тўлиқ норози бўлса-да, унинг давлат божи тўланмайдиган қисмига нисбатан, жумладан ундирилган давлат божи ёки ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш қисмига нисбатан апелляция шикояти бериб, судга олдиндан тўланиши шарт бўлган давлат божи тўловини четлаб ўтиши мумкин. Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятида келтирилган важлар билан чегараланиб қолмасдан суд ҳужжатининг қонунийлиги ва асослилигини тўлиқ ўрганиб чиқиши лозим. Яна бир мисол: даъвогар судга мурожаат қилиб жавобгардан 1 млрд. сўм асосий қарз ва 500 млн. сўм пеняни ундиришни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантириб, даъвогар фойдасига жавобгардан 1 млрд сўм асосий қарз ва 100 млн. сўм пеня ундирилган. Даъвогар суд томонидан камайтирилган пеняга нисбатан апелляция шикояти берган тақдирда, юқоридаги нормага мувофиқ апелляция инстанцияси судида ҳал қилув қарори тўлиқ бекор қилиниб, даъво талаби асосиз бўлганлиги сабабли тўлиқ рад этилиши ҳам мумкин.

ИПКнинг 274-моддасига мувофиқ апелляция инстанцияси суди ишни суд мажлисида ИПКнинг 34-бобида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи инстанция судида кўриш қоидалари бўйича кўради. Ушбу мазмундаги норма континенталь ҳуқуқ тизимидаги кўплаб давлатларда мавжуд бўлиб, айрим адабиётларда “иккинчи – биринчи инстанция” функцияси сифатида ёритилади.

Замонавий “кассация” лот. “*cassatio*” яъни “бекор қилиш, йўқ қилиш” Франция Республикасида пайдо бўлган ва ўша ерда шаклланган. Кассация - биринчи ва апелляция инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини (қарори) қабул қилишда моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини иш материаллари бўйича текшириш, мавжуд суд хатоларини бартараф этишнинг тартибини белгиловчи ҳамда процессуал қонунчиликнинг ишни тўғри ҳал этиш ва қуйи инстанция судларининг фаолиятини назорат қилишни таъминлашга қаратилган нормалари тизимидан иборатдир [7]. Континенталь ҳуқуқ тизимидаги суд

хужжатларини қайта кўриш босқичи сифатида кассация инстанцияси мавжуд бўлган кўпгина давлатларда (Бельгия, Франция, Греция, Италия,) апелляция инстанциясидан фарқли равишда кассация инстанциясида фақатгина моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланилганлиги текширилиб, янги далиллар ва янги фактларга баҳо берилишига йўл қўйилмайди.

Аммо, миллий қонунчилигимиздаги суд хужжатларини кассация инстанцияси судида қайта кўрилиши билан боғлиқ киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, “апелляция” ва “кассация”нинг айрим хусусиятларидан ташқари мазмунан фарқ қилмаслигини кўрсатмоқда. Жумладан, апелляция ва кассация инстанция судида ишни кўриш чегараларини белгилаб берган ИПКнинг 276 ҳамда 299-моддаларига кўра, суд ишни апелляция ва кассация тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Ҳар иккала (апелляция ва кассация) инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт. Апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишни кўриш чегараси борасида турли хил қарашлар мавжуд. Масалан, фуқаролик процессида кассация инстанциясида иш юритишни тадқиқ қилган Д.Ковтков, апелляция ва кассация инстанцияси судида иш юритишда ишни кўриш чегарасида албатта фарқ бўлиши лозимлиги ғоясини илгари сураркан, кассация инстанцияси суд хужжатининг қонунийлигини текшириш билан чегараланиши лозимлигини (яъни янги фактларни аниқлашга ҳақли эмаслигини) таъкидлайди [8]. В.Шерстюк фикрига кўра, арбитраж процессуал қонунчилиги суд хужжатини кассация инстанция судида қайта кўришда моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлиги текширганда чекловлар бўлмаслиги кераклигини, кассация шикоятда кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар қуйи инстанция судларининг хатолари кассация инстанцияси суди томонидан ўтказиб юборилмаслиги лозим [9]. Европа давлатлари процессуал қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, апелляция ва кассация ёки тафтиш инстанцияларининг қуйи суд хужжатларини қайта кўришда ваколатлари бир бирига яқин бўлса-да, ишни кўриш чегарасида муайян фарқлар мавжуд. Фикримизча, апелляция ва кассация инстанцияси судида ишни кўриш чегарасида фарқ бўлиши лозим. Чунки, апелляция ва кассация инстанцияси судининг чегарасида фарқнинг бўлмаслиги, билвосита ушбу инстанция судларининг ваколатларида (ИПКнинг 278, 301-моддалари) фарқ қолмаслигига сабаб бўлади.

Қонунчиликка киритилган ўзгартиришлардан кейин ушбу инстанциялар орасидаги фарқни фақатгина биринчи инстанцияси судининг қонуний кучга кириши билан ажратилган. Бироқ процессуал қонунчиликда умумий норма сифатида апелляция шикояти (протести) биринчи инстанция суди томонидан шикоят қилинаётган (протест келтириляётган) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкинлиги белгиланган бўлса-да, апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати, шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин. Бунда ўтказиб юборилган муддат, ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан ошмаган бўлиши керак. Мазкур ҳолатда фактик жиҳатдан суд хужжати қонуний кучга кирганидан кейин, яъни унинг юзасидан ижро варақаси берилганидан кейин ҳам суд хужжати апелляция инстанцияси судида кўрилиши мумкинлигини англатади ва бундай ҳолатда апелляция инстанцияси, кассация инстанцияси билан деярли фарқланмайди.

Шу ўринда, суд хужжати қайта кўриляётганда унинг ижросини тўхтатиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Чунки, ноқонуний суд хужжатининг ижро қилиниши тарафлар ўртасидаги низодан ташқари, янги низоли ҳолатларни келтириб чиқариши, айрим ҳолларда эса тадбиркорлик фаолиятини бутунлай тугатилишига сабаб бўлиши мумкин. Айнан шу боис, ИПКда қонуний кучга кирган суд хужжати устидан судга шикоят

қилинганда ва/ёки қонуний кучга кирган қарорни қайта кўришда суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш институти мавжуд. Процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартиришлардан кейин қонуний кучга кирган суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш масаласи апелляция ва кассация инстанцияси судларида икки хил ҳал этилиши белгиланди. Жумладан, ИПКнинг 271-моддасида апелляция шикоят (протести) уни бериш муддати ўтказиб юборилган ҳолда берилганда ва ушбу муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилганда, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ижросини ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра тўхтатиб туришга ҳақли эканлиги қайд этилган бўлса, ИПКнинг 294-моддасига кўра ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, кассация инстанцияси суди (судья) биринчи инстанция судида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туриши белгиланган. Фикримизча, қонуний кучга кирган суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб турилиши масаласи ҳар иккала инстанция судида бир хил ҳал этилиши, яъни тўхтатиб туриши масаласи судга ҳавола қилинмасдан қатъий императив норма сифатида белгиланиши лозим. Бу билан, биринчидан бир хил ҳолатга нисбатан икки хил ёндашувларнинг олди олинади, иккинчидан процессуал қонунчилик ҳужжатлари унификация қилинади. Яъни амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 389³-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, апелляция шикоят (протести) уни бериш муддати ўтказиб юборилган ҳолда берилган ва мазкур муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилган тақдирда, апелляция инстанцияси суди (судьяси) биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ижросини апелляция инстанциясида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туради, бундан дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорлари мустасно. Процессуал кодексларнинг апелляция ва кассация инстанциялари судларининг ваколатларига оид моддаларга киритилаётган ўзгартиришларга кўра, билдирилган талаб бўйича суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинмаганлиги, суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинмаган шахсларнинг йўқлигида кўрилганлиги, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масала ҳал қилинганлиги аниқланганда, апелляция ёки кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўради. Ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўришга ўтиш ҳақида ажрим чиқарилиб, унда бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар кўрсатилади. Қонунчиликдаги бу каби янгиликлар суд ҳужжатларининг барқарорлигини таъминлаш баробарида, ишда иштирок этувчи шахсларнинг овозагарлигини олдини олишга хизмат қилади. Зеро, олдинги таҳрирда ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун судга юбориш сифатидаги асос мавжуд бўлган.

Таъкидлаш жоизки, суд ҳужжатларини тафтиш тартибида қайта кўриш бўйича иш юритиш ИПКда илгари мавжуд бўлмаган янги суд инстанцияси. Суд ҳужжатини унинг қайси суд томонидан қабул қилинганлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Вилоят ва унга тенглаштирилган судларда жорий қилинган тафтиш инстанцияси шу судларда апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган суд ҳужжатларини қонунийлигини қайта кўриб чиқса, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари, ушбу судларнинг тафтиш инстанциясининг суд ҳужжатлари ва ушбу судлар томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган суд ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган суд ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўрилиб чиқилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари, шунингдек тафтиш тартибида қабул қилинган суд ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва/ёки Бош прокурори томонидан келтирилган протестга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатида кўриб чиқилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қонунчиликка киритилган ўзгартиришлардан кейин суд ҳужжатларининг апелляция ва кассация инстанцияси судларида қайта кўрилганидан кейин шу суднинг ўзида тафтиш тартибида қайта кўрилиши борасида айрим мутахассислар бир қатор салбий фикрлар билдиришиб, бирта томнинг остида жойлашган судьялар бир бирларини қарорларини бекор қилишига шубҳа билан қарашмоқда. Суднинг асосий вазифаси одил судловни амалга ошириш орқали фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш экан, назаримизда бундай шубҳа ва гумонларга ўрин йўқ. Бироқ, судлар томонидан ишни апелляция ва кассация тартибида ёки тафтиш тартибида қайта кўришда “консилиум” “маслаҳат ва муҳокамалар” қилиниши инobatга олинса, апелляция ва кассация инстанция судлари томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари тафтиш тартибида қайта кўрилганда аксарият ҳолларда ўзгаришсиз қолишини прогноз (тахмин) қилиш мумкин. Шу боис, ишни вилоят судларида икки маротаба қайта кўриш масаласини такроран ўрганиб чиқиш, имкон борича айнан бир суд томонидан ишни икки маротаба қайта кўриб чиқилишини олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирларни белгилаш, зарурат бўлганда минтақавий тафтиш судларини ташкил этиш лозим. Зеро, Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судлари ташкил этилиши белгиланган бўлса-да, ушбу масала ўз якунига етказилмаган.

Апелляция ва кассация инстанцияси судларидан фарqli равишда суд ишни тафтиш тартибида кўриш чоғида қуйи инстанция судлари томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлиги ҳолатларини иш материаллари бўйича текширади. Шу билан бирга, ҳар қандай ишларни тафтиш инстанциясида қайта кўрилиши мумкин бўлиб, қонунчиликда бу борада ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Аммо, бир қатор давлатлар қонунчилигида ишни қайта кўришда муайян чекловлар мавжуд. Масалан, Германия, Австрия ва Франция процессуал қонунчилигига мувофиқ апелляция суд иш юритувида тарафлар ўз адвокатлари орқали иштирок этиши керак.[10] Албатта бу каби талабларнинг жорий этилганлиги, адвокатларнинг одил судловдаги ўрни ва аҳамиятини ортишига хизмат қилиши билан бир қаторда, суд ҳужжатини қайта кўриш жараёнида профессионал ҳуқуқий хизмат орқали қонуний ва асослантирилган суд ҳужжатларини қабул қилинишига ҳам замин яратади. Европа Вазирлар кенгаши қўмитасининг 1995 йил 7 февралдаги “Аъзо давлатларга фуқаролик ва тижорат ишлари бўйича мурожаат қилиш тизимлари ва тартибларини яратиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан” 95-сонли Тавсиясида эса учинчи босқич судлари фақатгина учинчи марта қайта кўришга лойиқ бўлган, масалан, ҳуқуқни қўллаш ва талқин қилишда ягона амалиётни ривожлантириш учун зарур бўлган ишлар ёки жамият аҳамиятидаги ишлар қайта кўрилиши мумкинлиги кўрсатилган [11].

Суд ҳужжатларининг қайта кўрилиши ва унинг оқибатлари ҳақида сўз юритилганда, **res judicata** (лотинча “ҳал этилган иш”, “иш бўйича қарор қабул қилинган”) доктринасига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу доктринага кўра айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги низолар судда қайта кўриб чиқилмайди. Суд ҳужжатларининг оқибатларини ўрганган Т.Цепкова ва М. Борисовалар “*res judicata*” доктринасини икки хил маънода тушуниш ва ишлатиш лозимлигига эътибор қаратиб, тор маънода “*res judicata*” суд томонидан мазмунан ҳал этилган ва қонуний кучга кирган

якуний суд ҳужжати англатишини, кенг маънода “*res judicata*” бу ҳуқуқий аниқлик принципи тамойилидан келиб чиққан суд тамойили бўлиб, қуйидаги оқибатларни ўз ичига олишини таъкидлашади: бир хил низони қайта кўриб чиқилишига йўл қўйилмаслиги (эксклюзивлик); қарор устидан одатдаги тартибда шикоят қилиш тартиби тақиқланиши ва қатъий белгиланган (инкор этиб бўлмайдиган) асослар мавжуд бўлгандагина қайта кўриб чиқишга йўл қўйилиши ва суд қарорининг ижро этилиши (бажарилиши) [12]. Д.Исраилова, Ш.Назаровларнинг фикрига кўра, умумий ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда суд қарорлари устидан шикоят қилиш ва қайта кўриш тартиби қонунчиликда белгиланган бўлишига қарамасдан, биринчи инстанция суди қарори якуний ҳисобланади. Ушбу давлатларнинг қонунчилик тизими ва ҳуқуқни қўллаш сиёсати суд қарорларига нисбатан шикоятларни камайтиришга қаратилган. Континенталь ҳуқуқ тизимидаги давлатларда эса, биринчи инстанция судининг қарори қайта кўриш босқичларидан ўтгандан сўнггина якуний ҳисобланади [13]. ИПКнинг 324⁹-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори якуний ҳисобланади ва унинг устидан шикоят қилинмайди (протест келтирилмайди). Мазкур нормадан келиб чиқиб, Ўзбекистонда “*res judicata*” доктринаси тўла-тўқис Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори қабул қилинишида ифодаланади деб тўхтамга келиш мумкин. Фикримизча, қонунчиликда “*res judicata*” доктринаси кўламини кенгайтириш орқали муайян тоифадаги ишларнинг шикоят қилиниши босқичларини қисқартириш ва шу орқали суд ҳимоясида бўлиш тамойили самародорлигини кучайтириш лозим. Европа давлатлари қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, барча давлатларда апелляция бериш ҳуқуқи тан олинади, бироқ бу ҳуқуқ бир қатор шартлар ва таомиллар, жумладан, шикоят тақдим этиш муддати, асоси ва қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асоси, даъво миқдори ва бошқалар билан чекланган. Масалан, баъзи давлатларда даъво миқдори катта бўлмаган ишлар бўйича суд қарорлари қайта кўриб чиқилмайди. Масалан, умумий ҳуқуқ тизимидаги давлатларда биринчи инстанция суди қарорлари устидан шикоят қилиш одатий ҳол эмас, балки истисно сифатида қабул қилинган. Хусусан, Англияда суд ҳужжати устидан берилган шикоят суд қарори қайта кўриб чиқилишини англатмайди, балки юқори инстанция томонидан қарорни қайта кўриш қанчалик мақсадга мувофиқлигини ўрганишга асос бўлади.

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш лозимки барча ҳуқуқ тизимларида суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ва уларни қайта кўриш тартиб таомиллари фарқ қилсада, уларни мақсади муштарак бўлиб, у ҳам бўлса қуйи суд хатоларини тузатиш, ягона суд амалиётини шакллантириш, адолатсиз суд қарори оқибатларини бартараф этиш орқали жамиятда одил судловга бўлган ишончни таъминлашга қаратилган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 3 июлдаги “Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида” 11-сонли Қарори // URL: <https://lex.uz/docs/4902524>.
2. Президент: Адолат – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдевори. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди // URL: <https://president.uz/uz/4054>
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди статистик маълумотлари.
4. Подвальный И.О. Апелляция и кассация в арбитражном процессе Российской Федерации: диссертация канд. юрид. наук. СПб, 2001. С. 18.
5. Бибило В.Н. Судебные системы зарубежных государств: учебное пособие. – Минск: БГУ, 2012.
6. Смагина Е.С. Теоретические аспекты апелляционного производства по обжалованию решений и определений мировых судей в Российском гражданском процессе: Дис. канд. юрид.наук. Ростов - на Дону: 2005 – С 60;
7. URL: <https://ru.wikisource.org/wiki>
8. Ковтков Д., «Кассационное производство в гражданском процессе» Дис. Канд.юрид.

наук. 2015 г.

9. Шерстюк В.М. Принцип диспозитивности в арбитражном судопроизводстве // Законодательство. 1999. № 3. С. 73.

10. Проверка судебных постановлений в гражданском процессе стран ЕС и СНГ / Под ред. Е.А.Борисовой. - М.: Норма, 2007. - 624 с.

11. Зукерман А. "Zuckerman on Civil Procedure: Principles of Practice" Sweet and Maxwell, 2006.

12. Цепкова Т.М., Борисов М.С. Соотношение законной силы судебного решения и принципа *res judicata* в свете постановлений европейского суда по правам человека // Российская юстиция. 2010. № 8. С. 52–55.

13. Исраилова Д., Назаров Ш.. Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текширишнинг янги тартиби "Одил судлов" ҳуқуқий, илмий-амалий журнал. 2023 й., 11-сон.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич

Тошкент давлат юридик университети Бизнес ҳуқуқи
кафедраси профессори, юридик фанлари доктори

РАҚАМЛИ СУД ИШ ЮРИТУВИ ЖАРАЁНИГА ЎТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РУЗИНАЗАРОВ Ш.Н.
Рақамли суд иш юритуви жараёнига ўтишнинг замонавий тенденциялари // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2024) Б. 28-39.

 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-2-4>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада илк маротаба рақамли процессуал суд иш юритуви жараёнига ўтишга оид илмий доктрина тушунчаси ва моҳияти тизимли ўрганилган. Низоларни онлайн ҳал этишнинг рақамли процессуал хусусиятлари ёритилган. Рақамли суд ишларини юриштида ахборот-коммуникация технологиялар татбиқ этишнинг асослари ва рақамлашган тартиб-таомиллар тавсифлаб берилган. Шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш масалалари таҳлил этилган. Суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш асослари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган. Тадқиқот натижасига кўра, рақамли процессуал суд иш юритуви жараёнига ўтишга оид муоммоли-мақсадли масалалар бўйича муаллифлик ёндашувлари ва илмий концептуал нуқтаи-назарлар асослаб берилган.

Калит сўзлар: рақамли процессуал ҳуқуқий доктрина, рақамли одил судлов, рақамли процессуал ҳуқуқий хусусиятлар, рақамлаштиришнинг процессуал шакли, рақамли суд қонунчилиги, рақамли суд иш юритуви, низоларни онлайн ҳал қилиш, рақамли суд платформаси.

MODERN TRENDS IN THE TRANSITION TO DIGITAL JUSTICE

ANNOTATION

This article is the first to systematically explore the concept and essence of the scientific doctrine of the transition to digital procedural justice. Digital procedural features of online dispute resolution are covered. The basics of introducing information and communication technologies and digital procedures in the conduct of digital court cases are described. Issues of expanding the types of interactive electronic services provided to citizens and business entities, and ensuring online monitoring of the process of considering each appeal are also analyzed. The basics of expanding the possibility of participating in court hearings remotely, including through mobile devices and other forms of electronic interaction, as well as issues of ensuring information and cyber security of information systems, databases and other court software products are considered. Based on the results of the study, the author's approaches and scientific conceptual points of view on problem-target issues related to the transition to digital procedural justice are substantiated.

Keywords: digital procedural legal doctrine, digital justice, digital procedural legal features, procedural form of digitalization, legislation on digital court, digital justice, online dispute resolution, digital court platform.

РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич

Профессор Ташкентского государственного
юридического университета, доктор юридических наук

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ПЕРЕХОДА К ЦИФРОВОМУ СУДОПРОИЗВОДСТВУ

АННОТАЦИЯ

В данной статье впервые системно исследуется понятие и сущность научной доктрины перехода к цифровой процессуальной судопроизводства. Освещены цифровые процессуальные особенности разрешения споров в режиме онлайн. Описаны основы внедрения информационно-коммуникационных технологий и цифровые процедуры при ведении цифровых судебных дел. Также проанализированы вопросы расширения видов интерактивных электронных услуг, предоставляемых гражданам и субъектам предпринимательства, обеспечения онлайн-мониторинга процесса рассмотрения каждого обращения. Рассмотрены основы расширения возможности участия в судебных заседаниях дистанционно, в том числе посредством мобильных устройств и других форм электронного взаимодействия, а также вопросы обеспечения информационной и кибербезопасности информационных систем, баз данных и других программных продуктов суда. По результатам исследования обоснованы авторские подходы и научные концептуальные точки зрения по проблемно-целевым вопросам, связанным с переходом на цифровой процессуальный судопроизводство.

Ключевые слова: цифровая процессуальная правовая доктрина, цифровое правосудие, цифровые процессуальные правовые особенности, процессуальная форма цифровизации, законодательство о цифровом суде, цифрового судопроизводства, разрешение споров в режиме онлайн, платформа цифрового суда.

Дунёда судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини цивилистик процессул-ҳуқуқий доктрина нуқтаи назаридан ўрганиш фойтда муҳим аҳамият касб этади. Рақамли процессуал жараёнга ўтишнинг замонавий

ривожланиш тенденцияларини айниқса, унинг назарий ва қонунчилик асосларини кузатиш, баҳолаш, рақамли глобллашув жараёнларига оид илмий доктринани шакллантиришнинг истиқболларини аниқ белгилаб олишни зарурият қилиб қўймоқда. Рақамли процессуал-ҳуқуқий воқеаликнинг объектив ривожланиш қонуниятларини ва эҳтиёжларини инобатга олиб замонавий илмий доктринани ишлаб чиқиш мақсадида жаҳонда рўй бераётган суд иш юритувининг вертуаллаштириш тенденцияларини, мавжуд процессуал-ҳуқуқий модели ёндашувларни, халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашнинг мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини рўёбга чиқариш, илмий тадқиқот ишларини олиб боришга оид янги концептуал ва амалий мазмун касб этадиган фундаментал тадқиқотларнинг сифат жихатидан самарадорлигига эришишимиз зарур. Инглиз тилида *digitalization* иккита маъноси бўлиб биринчи таржимаси – ахборотни рақамли шаклга ўтказиш, иккинчиси, - рақамли жараёнга ўтиш (“рақамлаштириш”)ни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича ишлаганлар тараққиётдан орқада қоляпти. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли. Ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, мазкур Конституциянинг 31-моддасига мувофиқ, “Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади. Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тuzатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмайд қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқ доктринасида низоларни онлайн ва рақамли платформалар орқали ҳал қилишнинг процессуал шакллари ва хусусиятлари тадқиқ этилмоқда ва ривожланмоқда [1]. Шу боис, унинг нафақат назарий-методологик балки қонунчилик асосларини процессуал ҳуқуқи фани ривожланиши тенденцияларини инобатга олиб тизимли тадқиқ этиш, ҳуқуқни қўллаш ва ўқув услубий жихатларини ёритиб бериш устувор йўналишлардан бири дейишга тўлиқ асослар мавжуд. Дунё миқёсида низоларни ҳал қилишнинг асосий тури - бу албатта низоларни онлайн ҳал қилишдир. Мамлакатимизда рақамлаштиришнинг жадал суръатлар билан ривожлантирилиши, халқаро рейтинг ва индексларда ўзининг муносиб ўрнини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган саъйи – ҳаракатлар соҳада ижобий кўрсаткичларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда низоларни онлайн ҳал этиш усуллари инглиз ҳуқуқи амалиётида бир неча атамалар билан ифодаланади, бу эса ўз навбатида турли хил тушунмовчиликларга сабаб бўлади, айниқса низоларни муқобил ҳал қилишнинг мазкур йўналишидан хабардор бўлмаганлар унинг моҳиятини тўғри талқин қилмаслиги ёки изоҳдамаслиги

мумкин. Хусусан, илмий манбаларда қуйидаги атама, тушунча ва категориялар кенг фойдаланилади: Биринчидан, “Низоларни Интернет-ҳал этиш — (ингл. *Internet Dispute Resolution (iDR)*”); иккинчидан, “Низоларни электрон ҳал этиш — (ингл. *Electronic Dispute Resolution (eDR)*”; учинчидан, “Низоларни электрон муқобил ҳал қилиш — (ингл. *Electronic ADR (eADR)*” тўртинчидан, “Низоларни онлайн муқобил ҳал қилиш — (ингл. *Online ADR (oADR)*” кабилар шулар жумласидандир.

Сўнги йилларда нисбатан кенг тарқалган атама - бу “низоларни онлайн ҳал этиш” (ингл. *Online dispute resolution (ODR)*)дир. Бироқ, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши низоларни онлайн ҳал этишнинг мустақил йўналиш (фан)га айланишига олиб келадими ёки низоларни муқобил ҳал қилишнинг одатий (офлайн) таомиллари учун восита сифатидагина сақланиб қоладими - бу ҳақида турлича ёндашувлар ва қарашлар мавжуд. Шунингдек, ҳуқуқий доктринада низоларни онлайн ҳал этишга нисбатан фанлараро соҳа сифатида қараш ҳам устунлик қилмоқда. Низоларни онлайн ҳал этиш технологиялари суд орқали низоларни ҳал қилиш жараёнларига ҳам, низоларни муқобил ҳал қилиш жараёнларига ҳам татбиқ этилиши мумкин. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, *legaltech* атамасини инглиз тилидан таржима қилганда-юридик/ҳуқуқий технологияни англатади. Энг аввало, *legaltech* юристларнинг тор мутахассислиги касбий воситаси сифатида қаралади. Ушбу нуқтаи назар юрист-амалиётчилар томонидан кенг маънода талқин қилинади [2]. Кўрсатилган ҳолатда *legaltech* шундай шаклдаги воситада намоён бўлиб суд амалиётини танлаш электрон сервиси [3], шартномаларни тузиш [4], давлат божи калькулятори, неустойка [5], менинг арбитрим сервиси [6], ҳамда юристлар учун айрим махсус платформалардан [7] иборатдир. П.Поланский фикрича, Интернетнинг оддий амалиётини шаклланишининг бошланиши миллий ҳуқуқий тизимдан холи бўлган ҳолда яхлит ҳолда умуман олганда Интернетда, хусусан эса халқаро электрон савдода фойдаланиши мумкин.Низоларни тартибга солишнинг онлайн механизмларининг яна бир аргументи анъанавий *law merchant* каби унга онлайн-ўхшашликдир [8].

Дарҳақиқат, низоларни онлайн ҳал этиш (ингл. *Online dispute resolution, ODR*) — низо(можаро)ларни Интернет-технологияларни қўллаган ҳолда ҳал қилиш усуллари мажмуидир. Ғарб давлатларида аксарият юристлар томонидан ODR низоларни муқобил ҳал қилиш (ADR) усуллариининг онлайн муқобили сифатида эътироф қилишади. Низоларни онлайн ҳал этиш (ODR) - музокаралар, медиация, ҳакамлик судини ёхуд мазкур учта ёндашувларни ўз ичига олади. Инновацион технологиялар, хусусан Интернет-технологияларнинг жорий этилиши мазкур анъанавий таомилларнинг имкониятларини анча кенгайтиришга ёрдам беради. ODR кенг қамровдаги муаммоларни – шахслар, жумладан истеъмолчилар ўртасидаги низо (C2C) лардан тортиб давлатлар ўртасидаги низоларгача - ҳал қилиш учун қўлланилиши мумкин. Шу ўринда, электрон тижорат соҳасидаги низоларни ҳал қилишда ҳам ODRнинг аҳамияти каттадир. Низоларни онлайн ҳал этиш нисбатан АҚШда кўпроқ тарқалган.

Замонавий одил судлов интернет-судда суд ишларини юритиш нуқтаи назаридан ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни энг самарали ҳимоялашнинг ҳозирги реал усули сифатида илмий доктринал асосларнинг тасдиқлари мавжуд бўлганда зарурий тартиб-тамойилларни босқичма-босқич рақамли форматга ўтказиш бўлиб ҳисобланади. Дунёда илк маротаба рақамли иқтисодиёт бўйича Халқаро суд БААнинг Дубай шаҳрида ташкил қилиниб ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Унинг ваколатига мураккаблашган замонавий технологиялар: блокчейн, сунъий интеллект, *big data* хатто, учувчисиз учар аппарат билан боғлиқ миллий ва трнсмилий низолар устидан назорат қилиш киради. 2022 йилда суд биринчи жараённи ўтказди шундан, биттаси масалан, сотувчидан сотиб олувчига криптовалюта ни ўтказиш хавфсизлиги масаласига тааллуқли бўлди [9]. Суд жараёни иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини реализация қилиш интернет-суднинг махсус электрон платформалари орқали амалга оширилиб тўлиқ рақамли технологияларни қўллашни тақазо этади. Айниқса, блокчейн технологияларда

сақланган электрон маълумотлар ҳақиқийлиги презумпцияси уни шаффофлиги, хавфсизлиги, ўзгартиш киритишнинг муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади шунингдек, рақамли ҳуқуқни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш шакли жихатидан дунёда эришилган энг катта натижа бўлиб ҳисобланади [10, Б. 28-31].

1. Низоларни онлайн ҳал этишнинг рақамли процессуал хусусиятлари деганда рақамли суд иш юритуви ва низоларни муқобил ҳал қилиш жараёнида рақамли восита ва усулларни қўллашда намоён бўладиган ҳуқуқий ва технологик шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялар ўзаро таъсирининг маҳсули сифатида намоён бўладиган ўзига хос хусусиятга эга бўлган рақамлашган тартиб-таомиллар йиғиндиси тушунилади. Низоларни онлайн ҳал этиш Интернетда турли шахслар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келган ҳамда ушбу тарафлар учун анъанавий усуллар самара бермаган низоларга ечим топиш усули сифатида вужудга келган. Америкалик олимлар Кац ва Рифкин низоларни ҳал этиш жараёнига татбиқ этиладиган ахборот-коммуникация технологияларини “тўртинчи тараф” деб атаган эдилар: низонинг икки (ва ундан ортиқ) иштирокчиси ва учинчи холис тараф (медиатор) га қўшимча равишда технологиялар жараённинг тўртинчи иштирокчиси сифатида намоён бўлади. “Тўртинчи тараф” низони ҳал этиш жараёни самарадорлигини оширишга ва қийматини камайтиришга хизмат қиладиган кўплаб вазифаларни ҳал қилиш учун қўлланиши мумкин, масалан, маълумотларни тартибга келтириш, учрашув белгилаш, кун тартибини назорат қилиш, электрон почталарга автоматик хабар юбориш, мақбул кўрилмаган маълумотларни блоклаш ва ҳоказо. Низоларни онлайн ҳал қилиш ўз ичига муайян процессуал ҳуқуқий механизм ва рақамли технологияларни, унинг ёрдамида низоларни ҳал қилиш, нейтрал учинчи томон ҳамда унинг иштирокисиз синхрон ёки асинхрон жараёнларни қамраб олади. Низоларни онлайн ҳал қилиш энг кўп тарқалган усул ва платформаларига арбитраж, медиация, ҳуқуқий баҳо бериш, музокара ва бошқаларнинг йиғиндисидан иборат [10]. Адабиётларда таъкидланганидек, интернет-суд деганда махсус ваколатга эга бўлган тартиб- таомиллари тўлиқ электрон шаклда ҳамда сунъий интеллект технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган давлат суди тушунилади. Бундай интернет-суд ўзига хос хусусиятга эга: мурожаат интернет-суд электрон саҳифаси орқали, яъни махсус платформаларда орқали унга бир ёки бир неча электрон жойлашган майдонлар орқали кириш ундан фойдаланувчиларга қулайлик вужудга келади; электрон одил судловни амалга ошириш учун томонларнинг розилиги бўлиши; муайян низони кўриб чиқиб ҳал қилиш учун интернет-суднинг ваколоти бўлиши; муайян ҳаракатларни судья-инсон судья-роботга яъни, сунъий интеллект технологияларига алмаштириш имконияти; низоларни ҳал қилиш жараёнида янги нафақат ҳуқуқий балки технологик принципларнинг намоён бўлиши; шаффофлик, очиқлик ва бошқалар; ҳар қандай пайтда ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишга йўл қўйилиши; асинхрон суд муҳокамасининг имконияти бўлиши ва х.з. Албатта, бу уларнинг мураккаб табиати билан боғлиқ хусусиятлар тугал бўлмасдан ҳали олимлар томонидан тўлиқ аниқланмаган [10]. Тизимли таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, низоларни онлайн ҳал этишнинг тартиб-таомиллари кўйидагиларда намоён бўлади.Энг аввало, низоларни онлайн ҳал этишнинг тартиб-таомилларини икки тоифага бўлиш мумкин: биринчиси, онлайн суд тартиб-таомиллари - масалан, интернет-арбитраж нисбатан соддароқ тижорат низоларини ҳал қилишда қўлланилади; иккинчиси эса низоларни онлайн муқобил ҳал қилиш тартиб-таомиллари - автоматлаштирилган музокаралар ва шу каби музокараларга кўмаклашиш кабилар шулар жумласидандир.

Ҳуқуқий адабиётларда тўғри таъкидланганидек,электрон одил судлов деганда қонунда назарда тутилган процессул ҳаракатлар усул ва шаклларини ахборот технологиялар фойдаланишга асосланган шу жумладан суд, жисмоний шахслар ва юридик шахслар ўзаро ўзаро электрон (рақамли кўринишда) ҳаракатларни судлар фаолиятида амалга ошириши тушунилади [10]. Сўнгги йилларда илмий манбаларда нафақат электрон одил судлов балки рақамли одил судлов тушунчалари кенг қўлланилмоқда. Рақамли одил судлов категориясининг моҳияти электрон одил судлов тушунчаларидан

бир мунча тор ва кенг маъноларда фарқлансада, бизнинг назаримизда ҳуқуқий атамашуносликнинг ривожланиш тенденцияси нуқтаи назаридан рақамли одил судлов категориясининг кенг маънода талқин қилиниши билан узвий боғлиқ десак, муболаға бўлмайди. Фикримизча, келгусида миллий суд қонунчилигида рақамли суд билан боғлиқ асосий тушунчаларнинг моҳиятини ифодалаш уни ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўғри тушуниш имкониятини яратади. Низоларни онлайн ҳал этишнинг рақамли процессуал хусусиятлари суд ҳокимиятини рақамлаштиришда яққол намоён бўлади. Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг вазифалари сирасига қўйидагилар кирди: *Биринчидан*, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш; *иккинчидан*, судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш; *учинчидан*, махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш; *тўртинчидан*, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш; *бешинчидан*, суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сон Фармонида 1-иловага мувофиқ тасдиқланган 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияга кўра, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш; низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш; суд ишлари бўйича айрим тоифадаги низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш; суд ишларини кўришда ягона суд амалиётини таъминлаш учун зарур чораларни кўриш; Олий суд Пленуми қарорларига шарҳларни тайёрлаш амалиётини йўлга қўйиш; суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш ишларини янада жадаллаштириш; судлар фаолиятига фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, суд ҳужжатларини автоматик тайёрлаш ва суд қарорларини таҳлил қилиш йўналишида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича чоралар кўриш билан боғлиқ вазифалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармонида 1-илова сифатида тасдиқланган «ЎЗБЕКИСТОН – 2030» стратегиясида судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларини камида 2 баробарга ошириш, судга қадар босқичда низоларни ҳал қилиш самарадорлигини 50 фоизга ошириш, судга қадар ҳал этилиши мумкин бўлган низолар юзасидан судларга келиб тушадиган ишлар сонини 50 фоизга камайтириш каби чоралар назарда тутилганлиги ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон қарорига 1-иловаси билан тасдиқланган «Ўзбекистон - 2030» стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2023 йилга мўлжалланган Амалий тадбирлар режасининг 86-мақсадида суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очиқликни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида суд раисларининг суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга доир фаолияти тўғрисида

ОАВ орқали брифингларда ахборот тақдим этишларини жорий қилиш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёни онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратишга оид аниқ вазибалар белгиланганлиги судлар фаолиятининг очиқлиги ва рақамлаштиришнинг кўлами тобора кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.

Судлар фаолиятини ахборот технологиялари билан таъминлаш масаласи ғоятда муҳим тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади [11]. Ҳуқуқий манбаларда қайд этилганидек, ижтимоий муносабатларни «платформалаштириш»нинг умумий тенденциялар шу жумладан одил судлов соҳасида ўз ичига одил судлов платформаси, одил судловни платформалаштириш, платформахуқуқи, судьянинг электрон ёрдамчиситишунчаларини ҳам қамраб олади. Қулай ва жозибадор шаклдаги махсус технологик платформаларни яратиш ҳисобидан низоларни ҳал қилиш жараёнига замонавий техник воситаларни самарали татбиқ этиш ҳам ана шундай умумий тенденциялар бўлиб ҳисобланади. Турли хилдаги рақамли платформалар суд тизими ва низоларни муқобил ҳал қилиш билан интеграциялашган бўлиб одатдаги форматга нисбатан эришилган кўрсаткичларга кўра ўзининг самарадорлигини кўрсатди [10, Б.26]. Ҳозирги пайтда хорижий ҳуқуқий тартиботларда низо иштирокчиларининг қаерда жойлашганидан қатъий назар низои техник ҳал қилиш имкониятини берувчи онлайн технологиялар қўлланмоқда [12]. Низои узоқ жойдан кўриб чиқишда Skype ва Zoom имкониятларидан фойдаланилмоқда. Бундай мажлисларни ўтказиш бўйича Қўлланмаларда иш бўйича барча иштирокчилар суд эшитуви ўтказиш куни алоқага чиқиш вақти хабардор бўлиши, уни бошқа ҳеч ким эшитмаслиги, тинчлик сақланиши, (зарурият бўлган ҳолларда видеоқурилма ёрдамида жиҳозланган хона ва тегишли тартибда судья кийимлари бўлишига ишонч ҳосил қилиши лозим [13]. Ҳозирги пайтда видеоконференц алоқа тизими Буюк Британия [14], Венгрия [15], АҚШ [16], Нидерландия [17], Бельгия [18], Италия [19], Ирландия [20], Австралия [21], Бирлашган Араб Амирлиги [22], Сингапур [23], Қозоғистон [18] ва бошқа давлатлар судларида фойдаланилади. Конференц-алоқа деганда учта ва ундан ортиқ абонентга бир вақтда телефон орқали мулоқот қилиш имконини берувчи хизмат тушунилади [24]. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди (ҳозирги Олий суд) 2014 йил 28 ноябрь, 270-сон “Иқтисодий судлар томонидан видеоконференцалоқа режимида суд мажлисларини ўтказишда процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленум қарори ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Рақамлаштириш жараёни суд иш юритуви иштирокчилари учун ҳам суд учун ҳам ҳали кўплаб процессуал жумбоқлар мавжудлигидан далолат беради. Рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида судлар томонидан ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг барча босқичларида уни оқилона қўллашни талаб этилади. Мамлакатимизда миллий қонунчилик ривожланиш тенденцияси нуқтаи назаридан давлат судлари ва муқобил усулларда низоларни онлайн тартибда ҳал қилишнинг тартиби ва асослари бир хилда эмас. Бу энг аввало рақамли суд иш юритувининг қонунчилик асосларини яратишга боғлиқ бўлса, иккинчидан, уни амалиётда татбиқ этишга учинчидан, унинг барча иштирокчиларининг рақамли трансформациялашуви билан боғлиқ амалий иш кўникмасига эга бўлишни тақозо этади. Ҳозирча суд ишларини юритишни рақамлаштиришнинг муайян ҳуқуқий ва технологик элементлари татбиқ этилаёпти, холос. Аслида бу жараён суд иш юритуви рақамли трансформациялашувнинг барча босқичларида шу жумладан, иш юритишни қўзғатишдан бошланиб, суд муҳокамаси, рақамли қарорлар қабул қилиш, иш юритишни тугатиш суд қарорини ижро этишда ҳам яққол намоён бўлади. Айниқса, онлайн даъво аризаси тобора оммалашиб бормоқда, процессуал муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги масофавий алоқа тизими шаклланиб бормоқда. Бироқ, шу нарса аниқки, суд иш юритувини рақамлаштиришнинг жадал ривожланишига қарамай рақамли процессуал муносабатларни тартибга солувчи нормалар нафақат тугал мазмун касб этмаётганлиги балки тизимлашган мазмунга эга

бўлмаганлиги сабабли бу борадаги халқаро ва энг яхши хорижий давлатлар тажрибасини мақсадли экспериментал тасдиқлари асосида ўрганишни талаб этмоқда. Ҳозирги процессуал ҳуқуқий реаллик шароитида жуда кўплаб муаммолар мавжудки, уларни процессуал ҳуқуқий доктрина эришган ютуқлар айниқса, рақамли технологик билимлар соҳасини мукамал эгаллаган процессуалист ва моддий ҳуқуқ соҳаси олимларининг салоҳиятли корпуси ва рақамли технология соҳасининг рақамли суд дастурий таъминотини яратишга ихтисослашган етук мутахассислари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган тадқиқотлар натижасида шунингдек, ҳуқуқий эксперимент тасдиқлари ва суд социологияси фани ютуқларига таяниб асослантилган ҳулосага келиш лозим. Энг аввало, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда инсон ҳуқуқларини шу жумладан, суд орқали ҳимоя қилишда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг концептуал масалаларни тизимли ва фундаментал тадқиқ этиш зарур. Айниқса, суд иш юритувини рақамлаштиришнинг экспериментал тасдиқларга эга бўлган замонавий тенденцияларини инобатга олган ҳолда тизимлашган ва унификациялаштирилган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш мақсадида, бу борада мукамал процессуал илмий доктринани ишлаб чиқиш зарур. Процессуал жараёнда онлайн мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда рақамли технологик тизимлардан фойдаланиш орқали суд мажлисларида иштирок этишда видео конференция ва веб-конференция тизимларидан фойдаланилмоқда, Айниқса, электрон ҳужжат айланишининг айрим масалалари, шунингдек, замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда суд мажлисларини ўтказиш коммуникацияларни самарали қўллашга тўлиқ эришишни тақазо этмоқда. Шу билан бирга рақамли одил судловни амалга оширишда электрон далиллар ва исботлаш жараёнидаги идентификациялашнинг тўлиқ ечими мавжуд эмас, тегишлилик масаласи, (хусусан, фуқаролик, маъмурий ишлар ва иқтисодий низолар), сунъий интеллектни қўллаш ҳам мунозарали масалалардан бўлиб ҳисобланади. Миллий процессуал ҳуқуқи фани доктринаси нуқтаи назардан рақамли суд ишларини юритишни янги ноёб ва ўзига хос ҳодиса сифатида ҳуқуқий тартибга солиш айниқса, вертуал маконда суд ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш жуда мураккаб илмий тадқиқот йўналишлардан бўлиб ҳисобланади десак, асло муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, ҳали ушбу соҳа бўйича мақбул методологик ёндашувлар ва мамлакатимизда ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланмаган шароитда бундай мавзунини тадқиқ этиш бир томондан моддий ва процессуал ҳуқуқи намоёндалари учун янги ва истиқболли, иккинчи томондан эса устивор тадқиқот йўналиши бўлиб ҳисобланади. Энг баҳсли ва мураккаб томони шундаки, анъанавий суд иш юритиш жараёнларини рақамли алгоритимли процессуал тартиб-тамойилга асосланган майдондаги муҳитга кўчиришнинг тайёр ва тугал андозаси йўқ. Шу боис уни яратиш миллий процессуал юриспруденциянинг ҳозирча оқилона ва тугал ечими бўлмаган нисбатан янги ўрганиш объектидир. Бинобарин, янги рақамли процессуал ҳуқуқий воқеаликдан келиб чиқсак, қайд этилган илмий-амалий муаммолар назарий ва концептуал мазмунга эга бўлиб, комплекс процессуал ҳуқуқи фани доктринаси олдида бир қатор мақсадли муаммолар, қонунчиликда бўшлиқлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида яқин келажакда ва истиқболда ечимини кутаётган масалалар мавжудлигидан далолат беради. Шунингдек, суд иш юритувининг рақамлаштирилиши суд статистикасини юритишнинг янги рақамли методик талабларни ишлаб чиқиш ва уни оқилона юритишни тақазо этади.

Рақамли процессуал суд иш юритуви жараёнига ўтишга оид халқаро, хорижий ва миллий ҳуқуқий ва технологик тенденцияларни таҳлил қилиб уни такомиллаштириш бўйича қўйидаги концептуал жихатидан асослантилган ҳулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Рақамли процессуал суд иш юритуви жараёнига ўтиш объектив воқеалик бўлиб тадрижий жараёндир. Суд ишларининг сони тобора ортиб бораётганлиги ва одил судловни амалга оширишда рақамлаштиришнинг муайян афзалликларга эга эканлиги судлар фаолиятини нафақат осонлаштираяпти балки унинг самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда. Суд ишлари юритишни рақамлаштириш янги илмий

доктрина бўлиб унинг назарий-методологик ва қонунчилик асосларини устивор тадқиқот объекти сифатида ўрганиш ғоятда муҳим истиқболли вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Янги процессуал рақамли реаллик шароитида одил судлов муаммоларини тадқиқ этишнинг асосий мақсади низоларни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳал қилишнинг мумтоз процессуал миллий доктринасини ишлаб чиқишни тақозо этади. Миллий мумтоз рақамли процессуал ҳуқуқий доктринага ва оқилона процессуал модулли ёндашувга асос солиниши, одил судлов фаолиятида ишларнинг сифатини ошириш ва уни тезкорлик ва процессуал тежамкорлик асосида кўриб чиқиш учун хизмат қилади.

2. Низоларни рақамли платформада ҳал қилишнинг хусусиятларини тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода рақамли суд иш юритувиغا ўтишнинг барча жиҳатларини қамраб олади. Тор маънода эса - бу қонунчиликда назарда тутилган рақамли активларни электрон платформаларда (масалан, рақамли дастурлашган таъминотлар, веб-сайтлар ёки мобил иловалар)ни оқилона ишлатиш, улардан катта ҳажмдаги маълумот олиш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришларни амалга ошириш ва низоли ҳолат бўйича муайян ҳуқуқий ечимларни аниқлашнинг технологик хусусиятлари билан боғлиқ мураккаб жараён дир. Низоларни рақамли платформаларда ҳал қилиш деганда ушбу мақсадларга мўлжалланган рақамли дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда процессуал тартиб-таомиллар мажмуи тушунилади. Низоларни ҳал қилишнинг бундай фаолият тури *биринчидан*, инсон омили билан боғлиқ бўлиши, *иккинчидан* эса инсон омили билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Ҳар иккала процессуал-ҳуқуқий ҳолатда ҳам махсус дастурлаштирилган рақамли суд ва платформаларда низоларни муқобил ҳал қилиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб шаклланган процессуал ҳуқуқий доктринада ҳам миллий қонунчилик ва суд амалиётида ҳам яхлит, мукамал процессуал ҳуқуқий экспериментал тасдиқлари мавжуд бўлган андозавий ечимлар ҳанузгача мавжуд эмас. Шу боис, миллий процессуал ҳуқуқий доктрина нуқтаи назаридан бу борада комплекс аҳамиятга молик илмий тадқиқот йўналишларини белгилаб олиш энг муҳими, рақамли суд иш юритувиغا ўтиш борасида шу жумладан, суд сунъий интелектга оид тамомила янги ва истиқболли соҳанинг назарий-методологик ва фундаментал асосларини яратиш ва уни ривожлантириш устивор тадқиқот йўналишлардан бўлиб ҳисобланади.

3. Судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг процессуал шакли деганда глобал интернет тармоғи орқали ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган суд ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича суднинг процессуал фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган махсус дастурий таъминотларда амалга ошириладиган электрон суд жараёнлари эътироф этилади. Шу билан бирга, суд ишларини юритишни рақамлаштириш тизимига ўтиш мураккаб рақамли ахборот технологик жараён бўлиб ўз ичига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва улардан фойдаланиш шаклларини қамраб оладиган мустақил ва ўзаро таъсир қилувчи дастурий таъминотларга мувофиқ бўлган таркибий элементлар мажмуидир.

4. Суднинг сунъий интеллект деганда рақамли суд фаолияти билан боғлиқ алгоритмлик технологик дастурий таъминот асосланган ечимлар мажмуи тушунилади, бу эса инсоннинг когнитив функцияларига тақлид қилиш ва аниқ техник ва процессуал -ҳуқуқий вазифаларни бажаришда, ҳеч бўлмаганда, инсон интеллектуал фаолияти натижалари билан таққосланадиган, низонинг моҳияти бўйича оқилона қарорлар қабул қилиш имконини беради, деган хулосага келиш мумкин. Хусусан, халқаро, минтақавий ҳужжатларнинг мақбул нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, хорижий давлатларнинг энг яхши тажрибаларини ҳар томонлама ўрганиш ва самарали экспериментал тасдиқлар асосида кам ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган шу жумладан, суд буйруқларини бериш ва низоли ишлар суммаси кам миқдорни ташкил этадиган (минимал ва максимал миқдорини белгилаган ҳолда) низоли ишларни ҳал қилишда сунъий интелектдан оқилона фойдаланишнинг қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш зарур. Бундан ташқари, давлат ва нодавлат судлари ва уларнинг давлат органлари, шу

жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотлар билан муносабатлари соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш мақсадга мувофиқ. Энг муҳими, рақамли технологиялар онлайн суд муҳокамаси жараёнида гувоҳлар, жабрланувчилар, гумонланувчилар, адвокатлар ва судьялар низоларни рақамли дастурий таъминотга мувофиқ конфликтларни адолатли ва қонуний ҳал қилиш жараёнида иштирокини таъминлаш учун суд муҳокамасининг шаффофлиги, тезкорлиги, тежамкорлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

5. Процессуал ҳуқуқий доктринада рақамли процессуал суд иш юритуви жараёнига ўтиш янги ҳодиса бўлиб ҳали бу борада тугал мазмун касб этадиган концепциявий ёндашувлар мавжуд эмас. Қолаверса, судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг устивор вазифаларидан келиб чиқиб судья ва суд ходимларининг рақамли ахборот технологияларини қўллаш бўйича амалий кўникмаларини эгаллашнинг самарадорлигини ошириш зарур. Шу боис, глобал виртуал ҳуқуқий маконда интернет-технологиялар ривожланишининг объектив ривожланиш тенденциясини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг даврий муддатларга мўлжалланган рақамли суд иш юритувига ўтиш шу жумладан, суд сунъий интеллектини жорий этиш мақсадида суд рақамли ҳуқуқий таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг натижадорлигига эришиш зарур. Шунингдек, истиқболда суд иш юритувининг шаклланган тармоқ ихтисослигини ва турдош процессуал ҳуқуқ фани соҳаларини инобатга олиб махсус суд ишларини юритувини рақамлаштириш, низоли ишларни муқобил усуларини қўллашда рақамли технологиялардан фойдаланиш ва рақамли активларга оид низоларни ҳал қилишнинг процессул хусусиятлари бўйича ўқув ва амалий адабиётларини яратиш зарурати вужудга келмоқда. Шунингдек, “Низоларни онлайн ҳал қилишни тартибга солиш” ҳақида махсус электрон ўқув қўлланма тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, низоларни рақамли платформаларда ҳал қилишнинг ҳар томонлама синовдан ўтган дастурий таъминотларнинг энг аввало суд сунъий интеллектининг ҳуқуқий режимига оид норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш объектив заруриятдир.

6. Халқаро ва хорижий давлатларнинг энг яхши тажрибаларини инобатга олиб Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) доирасида Интернетда низоларни онлайн ҳал қилиш Намунавий процессуал қоидалари ва Рақамли технологик дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш зарур. Ўхшаш минтақавий тажриба Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари доирасида низоларни онлайн ҳал қилишнинг Намунавий процессуал қоидалари ишлаб чиқилган [25].

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий доктринада низоларни онлайн ҳал қилишнинг рақамли процессуал хусусиятларини устувор тадқиқот объекти сифатида фундаментал тадқиқэтиб ўрганиш, низоларни онлайн ҳал қилиш соҳасида рақамли технологияларидан самарали ва тўғри фойдаланиш ўз навбатида, низоли ишларни сифатли, самарали ва ўз вақтида ҳал қилишга, шунингдек, тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Иншакова А, Тымчук Ю. Цифровые технологии альтернативных методов разрешения споров: зарубежная практика и перспективы применения в России / Право и современном мире №1(46)/2018/chromeextension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/http://pravo.mgimo.ru/sites/default/files/pdf/003_0.pdf.

2. Ereemeev S.G., Mayorov A.V., Minchenkov E.N. (2019) Legal concept of the Legaltech direction: prospects of development. Leningradskiy juridicheskiy zhurnal=Leningrad Law Journal, no. 2, pp. 9–18 (in Russ.).

3. Gubin E.P. (2021) Economic activity, economic rights and their protection in the context of the relationship between law and economics. Predprinimatelskoe pravo=Entrepreneurial Law, no. 31, pp. 3–10 (in Russ.).

4. Gvozdetsky D.S. (2020) Legal Tech and departmental rulemaking. Obrazovanie. Nauka

. Personal=Education . Science . Personnel, no . 4, pp . 33–35 (in Russ .).

5. Kazachkova Z .M ., Ilyushina M .N . et al . (2021) Legal support for national projects of development until 2030 . Moscow: Prospect, 208 p . (in Russ.).

6. Katsuya Endo S . (2021) Ad Tech & the Future of Legal Ethics . Alabama Law Review, no . 1, pp . 107–157.

7. Kharitonova Yu .S ., Savina V .S . (2020) Artificial Intelligence technology and Law . Vestnik Permskogo gosudarstvennogo universiteta=Bulletin of Perm State University, no . 49, pp . 524–549 (in Russ).

8. Polanski P. P. Towards a supranational Internet law. Journal of International Commercial Law and Technology, Vol.1, Issue 1, 2006. Доступно здесь: // URL: <https://media.neliti.com/media/publications/28672-EN-towards-a-supranational-internet-law.pdf> (дата обращения: 01.02.2023).

9. Первый Международный суд по цифровой экономике в Дубае: как он работает // URL: <https://pravo.ru/news/244994/>

10. Русакова, Екатерина Петровна. Воздействие цифровизации на гражданское судопроизводство в России и за рубежом: опыт Китая, Индии, Сингапура, Европейского Союза, США, ЮАР и некоторых других стран: автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук: специальность 12.00.15 / Русакова Екатерина Петровна ; [Рос. ун-т дружбы народов]. - Москва, 2022. -45 с. // // URL: <https://www.prlib.ru/item/1866618>.

11. Информационные технологии в правосудии: состояние и перспективы. Россия и мир. Аналитический доклад. Коллектив авторов: Кашанин А.В. (Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики»), Козырева А.Б. (Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина), Курносова Н.А. (Центр развития современного права), Малов Д.В. (Центр развития современного права). Отв. редактор: Кашанин А.В.

12. Reformer thoughts – delivering digital courts // Reform, 2018. // URL: <https://reform.uk/research/reformer-thoughts-delivering-digital-courts>

13. Making Remote Hearings Work. // URL: <https://www.stjohnschambers.co.uk/wp-content/uploads/2020/04/Making-remote-hearings-work-CSQC-2.pdf>.

14. HMCTS telephone and video hearings during corona virus outbreak // GOV.UK. // URL: <https://www.gov.uk/guidance/hmcts-telephone-and-video-hearings-during-coronavirus-outbreak>.

15. Hungarian Court uses remote hearings during the state of emergency // Hungarian Gazette, 2020. // URL: <https://magyarkozlony.hu/dokumentumok/a96e25d459b04cdd5d900c75fa4dbe0c1492f682/megtekintes>.

16. Споры через Skype и Zoom: как работают суды при коронавирусе // Право.ru, 2020. // URL: <https://pravo.ru/story/220052/>.

17. Werkwijze van de Rechtspraak na 6 april. // URL: <https://www.rechtspraak.nl/Organisatie-en-contact/Organisatie/Raad-voor-de-rechtspraak/Nieuws/Paginas/Werkwijze-van-de-Rechtspraak-na-6-april.aspx>.

18. Суды мира во время пандемии COVID-19. Справка // РАПСИ, 2020. // URL: http://rapsinews.ru/incident_publication/20200413/305702705.html.

19. Videocollegamento per la Settima sezione della Cassazione. // URL: <https://www.gnewsonline.it/da-remoto-ver-so-il-futuro-la-cassazione-in-movimento/>.

20. Statement of the Chief Justice and the Presidents of each Court Jurisdiction – 31st March 2020. // URL: <https://beta.courts.ie/news/statement-chief-justice-and-presidents-each-court-jurisdiction-31st-march-2020>.

21. Variations to procedures in the Supreme court. // URL: <https://nswbar.asn.au/the-bar-association/publications/inbrief/view/08b347d11316f1372f3414b4c40b9afd>.

22. COVID 19: DIFC Courts update // Dubai international financial centre courts. // URL: <https://www.difccourts.ae/2020/03/17/covid-19-difc-courts-update/>.

23. Guide on the use of video conferencing and tele phone conferencing. // URL: <https://>

www.judiciary.gov.sg/docs/default-source/attending-court-docs/supreme_court_guide_video_conferencing_telephone_conferencing.pdf

24. Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари (рўйхат рақами 3275, 30.06.2020 йил) // URL: <https://lex.uz/docs/4962057>

25. Мереминская Элина Типовые процессуальные правила разрешения коммерческих споров онлайн в рамках сотрудничества АТЭС // URL: <https://journal.arbitration.ru/ru/analytics/tipovye-protssualnye-pravila-razresheniya-kommercheskikh-sporov-onlayn-v-ramkakh-sotrudnichestva-a/>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

OBLOKULOV Munis Musinovich
Sudyalar oliy maktabi tinglovchisi

MANSABDOR SHAXSLARINING QARORLARI, HARAKATLARI (HARAKATSIZLIGI) YUZASIDAN KELIB CHIQADIGAN NIZOLARNI MA'MURIY SUDLARDA KO'RIB CHIQISHNING ISHLARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): OBLOKULOV M.M. Mansabdor shaxslarining qarorlari, harakatlari (harakatsizligi) yuzasidan kelib chiqadigan nizolarni ma'muriy sudlarda ko'rib chiqishning ishlarning o'ziga xos jihatlari // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2024) В. 40-47.

 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-2-5>

ANNOTASIYA

Ma'lumki mansabdor shaxslarning qarorlari va harakatlari (harakatsizligi) bilan bog'liq nizolarni ko'rib chiqish bevosita ma'muriy sudlarning o'ziga xos vakolati hisoblanadi. Maqolada mansabdor shaxslarning qarorlari va harakatlari (harakatsizligi) yuzasidan kelib chiqadigan nizolarni hal etishda ma'muriy sudlarning o'rni va ahamiyati atroflicha tahlil qilingan bo'lib, ushbu toifadagi ishlarni ko'rib chiqishda ma'muriy sudlarning faoliyatiga ta'sir ko'rsatuvchi huquqiy va amaliy muammolar hamda ularni hal etish bilan bog'liq ilmiy qarashlar tahlil etilgan. Maqolada ushbu nizolarni ma'muriy sudlarda ko'rib chiqishning o'ziga xos jihatlari, jumladan, ish yuritish tartiblari, ishning xususiyatlarini hisobga olgan holda dalillarni baholash mezonlari, qarorlar ustidan shikoyat qilish tartiblari hamda sud qarorlarining ijrosi masalalari batafsil yoritilgan. Shuningdek, qonunchilik va amaliyotni takomillashtirish bo'yicha takliflar keltirilgan. Maqola ma'muriy sudlarning faoliyatini yanada takomillashtirishga, fuqarolar va tashkilotlarning huquq va manfaatlarini samarali himoya qilishga xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: sud, mansabdor, shaxs, nizo, qonun, kodeks, ish yuritish, harakat, harakatsizlik

ОБЛОКУЛОВ Мунис Мусинович
Слушатель Высшей школы судей

ОСОБЕННОСТИ РАССМОТРЕНИЯ СПОРОВ, ВОЗНИКАЮЩИХ В СВЯЗИ С РЕШЕНИЯМИ, ДЕЙСТВИЯМИ (БЕЗДЕЙСТВИЕМ) ДОЛЖНОСТНЫХ ЛИЦ В АДМИНИСТРАТИВНЫХ СУДАХ

АННОТАЦИЯ

Как известно, рассмотрение споров, связанных с решениями и действиями (бездействием) должностных лиц, является непосредственной прерогативой административных судов. В статье подробно анализируется роль и значение

административных судов в разрешении споров, возникающих в связи с решениями и действиями (бездействием) должностных лиц, рассматриваются правовые и практические проблемы, влияющие на деятельность административных судов при рассмотрении данной категории дел, а также научные взгляды, связанные с их решением. В статье подробно освещаются особенности рассмотрения данных споров в административных судах, включая порядок ведения производства, критерии оценки доказательств с учетом особенностей дела, порядок обжалования решений и исполнения судебных актов. Также вносятся предложения по совершенствованию законодательства и практики. Статья служит дальнейшему совершенствованию деятельности административных судов, эффективной защите прав и интересов граждан и организаций.

Ключевые слова: суд, должностное лицо, спор, закон, кодекс, судопроизводство, действие, бездействие.

OBLOKULOV Munis

Student of the Supreme School of Judges

PECULIARITIES OF CONSIDERATION OF DISPUTES ARISING FROM DECISIONS, ACTIONS (INACTION) OF OFFICIALS IN ADMINISTRATIVE COURTS

ANNOTATION

It is well known that the consideration of disputes related to decisions and actions (inaction) of officials is directly within the competence of administrative courts. The article provides a detailed analysis of the role and importance of administrative courts in resolving disputes arising from decisions and actions (inaction) of officials. It examines the legal and practical issues affecting the activities of administrative courts in considering this category of cases, as well as scientific perspectives related to their resolution. The article thoroughly covers the peculiarities of considering such disputes in administrative courts, including procedural rules, criteria for evaluating evidence taking into account the specifics of the case, procedures for appealing decisions, and the enforcement of court rulings. Additionally, the article offers proposals for improving legislation and practice. It serves to further enhance the activities of administrative courts and effectively protect the rights and interests of citizens and organizations.

Keywords: court, official, dispute, law, code, proceedings, action, inaction.

Ma'muriy sudlar faoliyati tashkil etilganidan so'ng eng muhim masalalardan biri ma'muriy sudlar tomonidan hal etiladigan ishlarning boshqa sudlar tomonidan hal etiladigan ishardan farqli va tutashgan jihatlarini aniqlab olish bo'ldi. Bunda nizoning mohiyati hamda oqibatlari, sabablari, uni tartibga soluvchi huquqiy asoslarni aniqlashtirish eng muhim ahamiyatli masala sanaladi. Yuridik fanlari doktori, professor J.Nematovning qarashlariga ko'ra ma'muriy sud sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar ma'muriy adliyaning isloh qilinishida eng muhim qadam sifatida e'tirof etiladi[1]. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi akademiyasi professori Erkin Hojiev, Oliy sud katta maslahatchisi Shahnoza Ahatova, Sudyalar oliy maktabi "Ma'muriy huquq" kafedrasi dotsenti Dilmurod Ortiqov, Davlat va huquq instituti katta ilmiy xodimlari Yaroslav Kvitkov va Ravshan Nazarovlar ham O'zbekistonda Ma'muriy sudlar sohasida qator tahliliy hamda ilmiy izlanishlar olib borganlar. Dilmurod Artikov o'z ilmiy ishlarida idoraviy normativ-huquqiy hujjatni haqiqiy emas deb topishning huquqiy asosi, ma'muriy

nizolarni hal etish borasidagi milliy qonunchiligimizdagi muammolar va ularni hal etish borasidagi takliflar ilmiy-nazariy qarashlar asosida tadqiq etgan[2]. Undan tashqari, ma'muriy sudlarga kelib tushgan arizalarni qabul qilish, ishni boshlash bilan bog'liq masalalarda ham ayrim muammolarning mavjudligi aniqlangan. Ushbu masala nafaqat O'zbekistonda ma'muriy sudlarning rivojlanish bosqichida, balki rivojlangan xorijiy davlatlarda ham mavjud bo'lgan sanaladi. Jumladan, Ronald Marquardt and Edward M. Wheat[3]lar Ma'muriy sud sudyalari tomonidan ishlarni taalluqliligi bo'yicha sudga qabul qilish bilan bog'liq muammolar AQSH sudyalari orasida ham mavjud bo'lganligini ta'kidlashganini ko'rish mumkin. Demak, ayni paytda O'zbekistonda mavjud muammolar bu bosqichdagi barcha davlatlarda bo'lganligini inobatga olish kerak.

Ichihashi, Katsuya, and Y. Matsuura[4] larning fikriga ko'ra davlat organlari bilan bog'liq bo'lgan nizolarni sudga berishdan oldin murosaga kelish yo'li bilan Mahalla fuqarolar yig'inlarida hal qilinganligi, Mahallaning ushbu tartibga solish va nizolarni hal etish vazifalari yozma oilaviy yoki fuqarolik kodekslariga asoslanmaganligi, xulq-atvor davlat qonunlariga emas, balki shariat yoki odat deb nomlanuvchi mahalliy an'anaviy qonunlarga asoslanishi, mahallaning tartibga solish yoki nizolarni hal etish ishlaridan norozi bo'lgan yoki qabul qilishni istamagan har qanday tomon davlatning qonun hujjatlariga muvofiq sudga murojaat qilishi mumkinligi, lekin bunday sudlarning sezilarli darajada kam ekanligi keltirib o'tilgan edi. 2021-yil 28-iyulda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi "Sudlar to'g'risida"gi qonunning 2-moddasida ham O'zbekiston Respublikasida O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudi, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi, harbiy sudlar, Qoraqalpog'iston Respublikasi sudi, viloyatlar va Toshkent shahar sudlari, Qoraqalpog'iston Respublikasi ma'muriy sudi, viloyatlar va Toshkent shahar ma'muriy sudlari, fuqarolik ishlari bo'yicha tumanlararo, tuman, shahar sudlari, jinoyat ishlari bo'yicha tuman, shahar sudlari, tumanlararo, tuman, shahar iqtisodiy sudlari, tumanlararo ma'muriy sudlardan iborat ekanligi belgilab qo'yildi[5].

Respublikada faoliyat yurituvchi mustaqil sud o'zining amalga oshirayotgan sud nazorati faoliyati raqobat regulyatorining javobgarligini ta'minlashning asosiy mexanizmi hisoblanishi azaldan ma'lum. Aynan O'zbekiston Respublikasida ma'muriy sud faoliyatining yo'lga qo'yilishi bilan mazkur mexanizming tashkil-huquqiy jihatlari yaratildi[6]. Ushbu jarayonda ayniqsa, ma'muriy organlarning qarorlarini haqiqiy emas deb topish to'g'risidagi, shu bilan birga mansabdor shaxslarning harakatlari, harakatsizliklari yuzasida nizolarning, investitsiyaviy nizolarning, raqobat bilan bog'liq bo'lgan nizolarni hal etishda ma'muriy organlarning, ro'yxatdan o'tkazish, ruxsat berish, litsenziyalash, davlat xizmatlarini ko'rsatish, investitsiya va raqobat to'g'risidagi qarorlari yuzasidan nizolashish to'g'risidagi ishlar ma'muriy sudlarning uch instansiyasida: 1-instansiya, apellatsiya instansiyasi va kassatsiya instansiyasida ko'rib chiqilishi eng muhim bosqichlardan biri bo'ldi, so'zsiz[7].

Ma'muriy sudlarga taalluqli bo'lgan nizolarni umumiy jihatlari, xususiyatlari va har birining tahliliga o'tishdan oldin, shuni aytish kerakki, yuqorida sanalgan ishlarning akariyat qismi ochiq holda ko'rib chiqilmasligi ish hujjatlari bilan har doim ham tanishish imkonini beravermaydi. Ammo, hozirgi kunda sud hujjatlarining elektron tarzda elektron tizimga joylashtirib borilishini ko'rishimiz mumkin. Jumladan, barcha sudlar tomonidan qabul qilinga qarorlar hozirgi kunda Oliy Sudning rasmiy ochiq dostupdagi sayti **public.sud.uz** saytiga joylab boriladi[8]. Mazkur tartib esa sudlar tomonidan chiqarilgan sud hujjatlarining matni bilan ommaning doimiy tarzda xabardor qilib borilishini ta'minlaydi. Nafaqat xabardor bo'lib borish mumkin, balki, sudlar tomonidan moddiy va protsessual qonunchilik normalarining qo'llanishini tahlil qilib borish imkoniyati ham mavjudligini alohida ta'kidlash kerak. Bu esa Ma'muriy sud ishlarini yuritish to'g'risidagi kodeks (keyingi o'rinlarda – MSiyTK)ning 13-moddasida nazarda tutilgan "Sud muhokamasining oshkoraligi"[9] prinsipining amalga oshirilishiing yaqqol namu-

nasidir. Lekin, qonunchilikda qaysi nizolarni yopiq sud majlisida ko'rilishi belgilab qo'yilgan bo'lib,[10] ammo qabul qilingan sud hujjatlari va ularning mazmuni barcha sud majlislarida ochiq e'lon qilinishi kerakligi ham belgilab qo'yilgan. Bu esa har doim ham amalga oshirilavermaydi. Huquqshunos sifatida yopiq sud majlisida ko'rilgan ishlarning tavsilotlari ham sud organlari tomonidan bayon qilinishi, dalillar hamda yuridik faktlar bilan bog'liq bo'lgan asoslar ommaga taqdim etilishi ochiqlik prinsipining amaldagi isboti bo'lar edi.

Yana bir jihatga e'tibor berish kerak: MSIYtK da adolat prinsipi berilmagan. Aslida, har bir sud protsessining tub asosi "adolat" prinsipiga qurilgan bo'lishi kerak. Lekin amaldagi MSIYtK da bu prinsipi ko'zga tashlanmaydi. Biroq boshqa mavjud prinsiplar sudyalarning faoliyatida juda yaxshi qo'llanilishini inobatga olish zarur. Ma'muriy sudlarda huquqning prinsiplari haqida so'z ketganida Bedner, A., & Wiratraman, H.P.Larning ta'biri bilan aytganda umumiy tamoyillarining ahamiyati sezilarli[11]. Biz ushbu umumiy tamoyillarning amalda qay darajada qo'llanilishini, umumiy tamoyillarning talqini yillar davomida yanada izchil bo'lib borganligini va buni qanday tushuntirishimiz mumkinligini amaliy misollar yordamida ko'rib chiqamiz. Shuningdek, xulosamiz shundan iboratki, izchil talqin qilish sharoitida ijobiy o'zgarishlarga qaramay, ma'muriy sudlardagi vaziyat fuqarolik va jinoiy sudlarga qaraganda yaxshiroq bo'lsa ham, ma'muriy sudlardan ko'zlangan asosiy maqsadga erishish, huquq ustuvorligini ta'minlash masalasida hali kamchiliklar mavjud. Bu kamchiliklarning eng dolzarbi moddiy huquq normalarini ma'muriy sudlarda qo'llanilishi bilan bog'liq muammo va kamchiliklar sanaladi. Undan tashqari, Ma'muriy sud jarayoni odatda xususiy ishlarga asoslangan sud jarayoni bo'lib, unda taraflarning mavjudligi jamoatchilik muhokamasining konstitutsiyaviy prinsipiga asoslangan sud muhokamasi (sud jarayoni) kabi muhim emas[12]. Lekin bu degani, ma'muriy sudlarda prinsiplar qo'llanilmaydi degani emas, lekin prinsiplarning qo'llanilishi ma'muriy-huquqiy munosabatga qaraganda torroq doirani qamrab oladi.

Davlat boshqaruvida eng keng tarqalgan huquqlarni ta'minlashning usullaridan biri bu sud tartibida huquqlarni ta'minlash. Biz esa ma'muriy sudlarda qanday nizolar ko'riladi va uning boshqa sudlarda ko'riladigan nizolardan farqini ko'rib chiqamiz. O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy sud ishlarini yuritish to'g'risidagi kodeksning 26-moddasida ma'muriy sudga taalluqli ishlar keltirilgan[13]. Unga ko'ra, Ma'muriy sudga fuqarolar va yuridik shaxslarning buzilgan yoki nizolashilayotgan huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish to'g'risidagi, ma'muriy va boshqa ommaviy huquqiy munosabatlardan kelib chiqadigan ishlar taalluqli ekanlogi alohida belgilab qo'yilgan. Bunda shuni tushunish kerakki, ma'muriy sud tomonidan ko'rib chiqiladigan nizolarning deyarli barchasida bir tomonda ishtirokchi sifatida davlat ishtiroki bo'lishini taqazo etadi.

Mazkur normada yana shunday qism borligini ham unutmaslik kerak: harbiy sudlarga taalluqli ishlarning ma'muriy sudlar tomonidan ko'rilishi mumkin emas. O'zbekiston Respublikasining "Sudlar to'g'risida"gi qonunining 45-moddasiga[14] ko'ra O'zbekiston Respublikasining harbiy sudlari tomonidan O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligining, Davlat xavfsizlik xizmatining, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti davlat xavfsizlik xizmatining, Milliy gvardiyasining, Favqulodda vaziyatlar vazirligining, Ichki ishlar vazirligi qo'shinlarining va qonunchilikka muvofiq tashkil etiladigan boshqa harbiy tuzilmalarning harbiy xizmatchilari, shuningdek o'quv yig'inlarida bo'lgan vaqtda harbiy xizmatga majburlar tomonidan sodir etilgan jinoyatlar to'g'risidagi ishlari ko'rib chiqilishi mustahkamlab qo'yilgan. Shuningdek, harbiy sudlar harbiy qismlar, qo'shilmalar va birlashmalarning, harbiy boshqaruv organlarining qo'mondonligiga nisbatan harbiy xizmatchilarning da'volari bo'yicha fuqarolik ishlarini hamda harbiy boshqaruv organlari qarorlari, harbiy mansabdor shaxslarning harbiy xizmatchilarning huquq va erkinliklarini buzuvchi xatti-harakatlari (harakatsizligi) ustidan shikoyatlarni; alohida holatlar tufayli sudlar faoliyat ko'rsatmayotgan joylarda barcha fuqarolik va jinoyat ishlarini; qonun bi-

lan o'z vakolatiga kiritilgan ma'muriy huquqbuzarliklar to'g'risidagi ishlarni; davlat sirlariga taalluqli ishlarni ham ko'rib chiqishi va tegishli sud hujjatini qabul qilish orqali masalani qonuniy hal qilishi belgilangan. Bundan kelib chiqadiki, ma'muriy sudlarga mohiyatan taalluqli bo'lgan ishlar ham agar Sudlar to'g'risidagi qonunning ushbu moddasida ifodalangan xususiyatlarga ega bo'lsa, Harbiy sudlar tomonidan ko'rilar ekan.

O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy sud ishlarini yuritish to'g'risidagi kodeksining 27-moddasida ma'muriy sudda ko'riladigan nizolar sanalgan[15].

Birinchisi, idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar yuzasidan nizolashish to'g'risidagi ishlar. Fuqarolar yoki yuridik shaxslarning huquqlari va qonun bilan qo'riqlanadigan manfaatlariga daxldor bo'lgan, vazirliklar, davlat qo'mitalari va idoralar tomonidan qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarni (bundan buyon matnda idoraviy normativ-huquqiy hujjat deb yuritiladi) haqiqiy emas deb topish to'g'risidagi ishlar ushbu Kodeksda nazarda tutilgan umumiy qoidalar bo'yicha, mazkur bobda belgilangan xususiyatlarni inobatga olgan holda ko'riladi.

Mazkur turdagi ishga o'xshash ish yana O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudida ko'riladi. Konstitutsiyaviy sudda ko'riladigan nizolar bilan mazkur turdagi nizolarning o'xshashligi nimada ekan. Konstitutsiyaviy sudda O'zbekiston Respublikasida barcha turdagi normativ-huquqiy hujjatlarni konstitutsiyaga muvofiqligini tekshiradi faqat bundan idoraviy normativ-huquqiy hujjat mustasno. Idoraviy normativ huquqiy hujjat nima uni boshqa normativ-huquqiy hujjatlardan nima farqi bor. "Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida" 2565-sonli Adliya Vazirining buyrug'i mavjud[16]. Mazkur buyrug'da idoraviy normativ-huquqiy hujjat tushunchasi berilgan. **Idoraviy normativ-huquqiy hujjat** — vazirlik, davlat qo'mitasi va idora tomonidan belgilangan tarzda qabul qilingan, umum majburiy davlat ko'rsatmalari sifatida huquqiy normalarni belgilashga, o'zgartirishga yoki bekor qilishga qaratilgan rasmiy hujjat. Mazkur turdagi ishni ko'rishda boshqa ishlarni ko'rishdan farqi shuki, mazkur turdagi ish hayatda ko'riladi va javobgarning majburiy ishtirokida ko'riladi.

Demak Vazirlik, davlat qo'mitasi va idora tomonidan qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarni haqiqiy emas deb topish ma'muriy sudga taalluqli. Qolgan barcha turdagi normativ-huquqiy hujjatlarni Konstitutsiyaviy sud haqiqiy emas deb topishi mumkin. Yana bir farqli jihati shundaki, konstitutsiyaviy sud faqat konstitutsiyaga zid yoki zid emasligini tekshiradi. Ma'muriy sud esa idoraviy normativ-huquqiy hujjatni yuqori turuvchi barcha normativ-huquqiy hujjatga zid yoki zid emasligini tekshiradi.

Ikkinchisi, mahalliy davlat hokimiyati organlarining, davlat boshqaruvi organlarining, ma'muriy-huquqiy faoliyatni amalga oshirishga vakolatli bo'lgan boshqa organlarning (bundan buyon matnda ma'muriy organlar deb yuritiladi), fuqarolar o'zini o'zi boshqarish organlarining va ular mansabdor shaxslarining qonunchilikka mos kelmaydigan hamda fuqarolar yoki yuridik shaxslarning huquqlarini va qonun bilan qo'riqlanadigan manfaatlarini buzadigan qarorlari, harakatlari (harakatsizligi) yuzasidan nizolashish to'g'risidagi ishlar.

Mazkur turdagi ishlar ma'muriy sudda ko'riladigan eng ko'p uchraydigan ishlardir. Mazkur turdagi nizoni aniqlashda muhim xususiyati shundaki javobgar hamisha ma'muriy-huquqiy faoliyatni amalga oshirishga vakolatli bo'lgan organ yoki uning mansabdor shaxsi bo'lishi lozim. Bunda ma'muriy organning qarori yoki harakati (harakatsizligi) ustidan betrilgan nizolar ko'riladi. Bu turdagi ishlarga misol. Mahalliy davlat hokimiyati organlarining normativ tusda bo'lmagan qarorlari ustidan beriladigan ishlar, davlat soliq organlarining harakati ustidan beriladigan nizolar va boshqalar. Mazkur ishni ma'muriy sudlar tomonidan eng ko'p ko'riladigan ish turi desak ham mubolag'a bo'lmaydi. Aynan mavzuimiz doirasida ham ushbu toifadagi ishlarning sudda ko'rishni o'ziga xos jihatlarini alohida boshqa boblarda tahlil qilishimizni eslatish zarur. Statistic ma'lumotlar shuni aytmoqdaki, bugunga kelib ma'muriy sudlar

tomonidan umumiy tartibda ko'rib chiqilgan ishlarning umumiy soni qariyb 100 mingdan oshganini va ushbu raqamlarning deyarli 50 foiziga yaqin qismini ayan MSIYtK ning 27-moddasi 1-qism, 2-bandida nazarda tutilgan nizolar tashkil etishini qayd qilish kerak[17].

Uchinchi, saylov komissiyalarining xatti-harakatlari (qarorlari) yuzasidan nizolashish to'g'risidagi ishlar. O'zbekiston Respublikasi Saylov kodeksining 30-moddasida[18] saylovchilarning ro'yxatlarida kamchiliklar aniqlangan taqdirda sudga shikoyat qilinish mumkinligi aytilgan. Nomzod ko'rsatgan siyosiy partiyalar organlari, nomzodlar, ishonchli vakillar, kuzatuvchilar va saylovchilar saylov komissiyalarining qarorlari ustidan ushbu qarorlar qabul qilinishidan keyin besh kun ichida sudga shikoyat qilishi mumkin.

To'rtinchi, Notarial harakatni amalga oshirish, fuqarolik holati dalolatnomalarini yozishni ro'yxatga olish rad etilganligi yoki notariusning yoxud fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organi mansabdor shaxsining harakatlari (harakatsizligi) yuzasidan nizolashish to'g'risidagi ishlar. Mazkur turdagi ishlarda asosan javobgar sifatida notarius xodimlari va fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish xodimlari bo'lishi mumkin. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirining 2547-sonli buyrug'i mavjud[19]. Mazkur buyruqda FHDYO qanday faoliyatlarni amalga oshirishi berilgan. Unga ko'ra tug'ilishni qayd etadi, otalikni belgilaydi, farzandlikka olishni rasmiylashtiradi, nikoh tuzilganligini qayd etadi, nikohdan ajralganligini qayd etadi, o'limni qayd etadi, Familya, ism otasining ismini o'zgartirgan holatda mazkur o'zgarishni qayd etadi. Takroriy guvohnoma va boshqa ma'lumotlarni beradi.

Yuqoridagi mazkur harakatlarni bajarishni rad etgan holatda ma'muriy sudga shikoyat qilish mumkin. O'zbekiston Respublikasi "notariat to'g'risida"gi qonunda[20] notarius qanday faoliyatlar amalga oshirishi mumkinligi keltirilgan. Mazkur faoliyatlardan birini bajarishni rad etgan taqdirda ma'muriy sudga murojaat qilish mumkin.

Beshinchi, Davlat ro'yxatidan o'tkazishni rad etish yoxud belgilangan muddatda davlat ro'yxatidan o'tkazishdan bo'yin tovlash ustidan shikoyat qilish to'g'risidagi ishlar. Mazkur turdagi ishlar asosan ko'chmas mulkka bo'lgan huquqni davlat ro'yxatidan o'tkazish, tadbirkorlik subyektlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish kabi ishlar kiradi. Kuchmas mulkka bo'lgan huquqni davlat ro'yxatidan o'tkazishda javobgar sifatida davlat kadastr agentligining tegishli boshqarmasi ishtirok etadi. "Ko'chmas mulk obyektlariga bo'lgan huquqlarni davlat ro'yxatidan o'tkazish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori[21] mavjud. Mazkur qarorda ko'chmas mulkka bo'lgan huquqni davlat ro'yxatidan o'tkazish tartibi keltirilgan. Mazkur qarorda berilgan tartib buzilgan taqdirda jismoniy yoki yuridik shaxs ma'muriy sudga murojaat qilishi mumkin.

Oltinchi, investitsiyaviy nizolar bo'yicha ishlar. Investitsiyaviy nizolar jumlasiga investorlar bilan ma'muriy organlar, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari o'rtasidagi ular mansabdor shaxslarining investitsiya shartnomasi shartlariga rioya qilinishi bilan bog'liq qarorlariga, harakatlariga (harakatsizligiga) doir ishlar kiradi. Investitsiyaviy nizolar bo'yicha ishlar iqtisodiy sudda ham ko'riladi. Lekin ma'muriy suddagi nizolardan farqi shundaki, iqtisodiy suddagi nizolarda asosan shartnomani haqiqiy emas deb topish, investitsiyaviy shartnomani bajarish bilan bog'liq nizolar ko'riladi. Ma'muriy sudda esa investitsiyaviy nizolar qachon ko'riladi. Qachonki, investitsiyaviy shartnoma tarafi bo'lib ma'muriy organ ishtirok etgan bo'lsa va u shartnoma shartlarini bajarmagan taqdirda investor ma'muriy organni yoki uning mansabdor shaxsini ma'muriy sudga berishi mumkin.

Yettinchi, Raqobatga oid ishlar. Yuridik shaxslar, shu jumladan chet el yuridik shaxslari, xo'jalik boshqaruvi organlari, yakka tartibdagi tadbirkorlar hamda monopoliyaga qarshi organ o'rtasida tovar va moliya bozorlarida raqobat sohasidagi munosabatlardan kelib chiqadigan nizolar raqobatga oid ishlar jumlasiga kiradi. Bunda asosan tadbirkorlik subyektlari monopoliyaga qarshi kurashish organi ustidan ma'muriy sudga murojaat qilishi mumkin.

Sakkizinchisi, ma'muriy va boshqa ommaviy huquqiy munosabatlardan kelib chiqadigan talablar bo'yicha undirish so'zsiz tartibda amalga oshiriladigan ijro hujjati yoki boshqa hujjat ustidan shikoyat qilish to'g'risidagi ishlarni hal qiladi. Mazkur toifadagi ish ma'muriy sudlar vakolatiga eng so'nggi bo'lib qo'shilgan ishlar toifasi sanaladi. 2023-yil 26-apreldagi O'zbekiston Respublikasining 833-son "Davlat organlari bilan munosabatlarda fuqarolar va tadbirkorlik subyektlari huquqlarining samarali himoya qilinishini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha choralar ko'rilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida" Qonuniga ko'ra endilikda ma'muriy sudlar zararni undirish bilan bog'liq ishlarni ham ko'rib chiqadi.

Sud fuqarolar va yuridik shaxslarning buzilgan yoki nizolashilayotgan huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish to'g'risidagi ma'muriy va boshqa ommaviy huquqiy munosabatlardan yuzaga keladigan, qonun bilan o'zining vakolatiga kiritilgan boshqa ishlarni ham hal qiladi. Arizachi ushbu moddada ko'rsatilgan ariza (shikoyat) bilan bir qatorda ushbu talablarga sababiy bog'lanishda bo'lgan zararlarning o'rnini qoplash to'g'risidagi talabni ham taqdim etishga haqli ekanligi ham qonunchilik bilan belgilab qo'yilgan. Shuni yodda tutish kerakki, ko'rsatilgan talablardan alohida tarzda bildirilgan zararlarning o'rnini qoplash to'g'risidagi talab taalluqliligiga ko'ra fuqarolik ishlari bo'yicha sudda yoki iqtisodiy sudda ko'rib chiqilishi lozim sanaladi. Bunday talablar ma'muriy sudlar tomonidan ko'rib chiqilmaydi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, amaldagi qonunchiligimizning belgilashi bilan, Ma'muriy sud ishlarini yuritish to'g'risidagi kodeksning 27-moddasida ifodalangan 8 ta toifadagi ishlarning qariyb yettitasida mansabdor shaxslarning harakatlari (harakatsizligi) bilan bog'liq holatlar sudda ko'rib chiqilishi mumkin bo'lgan asosni keltirib chiqara oladi. Bundan faqatgina "Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarini haqiqiy emas deb topish" to'g'risidagi ishlarda nizo asosi va premeti bevosita qaror bilan bog'liq bo'lishi kerak sanaladi.

Iqtiboslar/Сноски/References

1. Nematov, N. (2020). WOULD THE NEW ADMINISTRATIVE COURT SYSTEM BE MILESTONE TO CHANGE POST-SOVIET ADMINISTRATIVE LAW IN UZBEKISTAN?. *Review of law sciences*, (4), 16-20. doi: 10.24412/2181-1148-2020-4-16-20
2. Дилмурод Артиков (2020). Проблемы рассмотрения дел об оспаривании ведомственных нормативных правовых актов судом. *Общество и инновации*, 1 (1/S), 304-312. doi: 10.47689/2181-1415-vol1-iss1/s-pp304-312
3. Marquardt, Ronald, and Edward M. Wheat. "THE DEVELOPING CONCEPT OF AN ADMINISTRATIVE COURT." *Administrative Law Review*, vol. 33, no. 3, 1981, pp. 301-22. JSTOR, <http://www.jstor.org/stable/40709174>. Accessed 16 Oct. 2023.
4. Ichihashi, Katsuya, and Y. Matsuura. "Law and Legal Assistance in Uzbekistan." *The Role of Law in Development Past, Present and Future, Nagoya: Nagoya University CALE Books 2* (2005): 41-9.
5. "Sudlar to'g'risida"gi qonun <https://lex.uz/docs/-5534923>
6. OECD (2016), Independence of Competition Authorities - from Designs to Practice, [https://one.oecd.org/document/DAF/COMP/GF\(2016\)5/en/pdf](https://one.oecd.org/document/DAF/COMP/GF(2016)5/en/pdf). Accessed 16 Oct. 2023
7. OECD (2022), An introduction to competition law and policy in Uzbekistan, <https://www.oecd.org/daf/competition/an-introduction-to-competition-law-and-policy-in-uzbekistan.pdf>. Accessed 16 Oct. 2023
8. <https://public.sud.uz/report/choose-administrative>
9. Ma'muriy sud ishlarini yuritish to'g'risidagi kodeks. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 26.01.2018-y., 02/18/MPK/0627-son// Onlayn havola: <https://lex.uz/docs/-3527353#-3528682>

10. Davlat sirini yoki qonun bilan qo'riqlanadigan boshqa sirni saqlash zarur bo'lgan taqdirda, ishni yopiq sud majlisida eshitishga yo'l qo'yiladi. Ishni yopiq majlisda videokonferensaloqa rejimida eshitishga yo'l qo'yilmaydi, bunday majlisning audio- va videoyozuvi esa amalga oshirilmaydi.

11. Bedner, A., & Wiratraman, H. (2019). The Administrative Courts: The Quest for Consistency. In M. Crouch (Ed.), *The Politics of Court Reform: Judicial Change and Legal Culture in Indonesia* (pp. 133-148). Cambridge: Cambridge University Press. doi:10.1017/9781108636131.006

12. Hoffman, István, and István Balázs. "Administrative Law in the Time of a Permanently Transforming Regulatory Environment= Prawo administracyjne w czasach stale zmieniającego się środowiska regulacyjnego." *Studia Iuridica Lublinsia* 31.1 (2022): 43-62.

13. O'zbekiston Respublikasi "Ma'muriy sud ishlarini yuritish to'g'risida"gi kodeks <https://lex.uz/docs/-3527353>.

14. "Sudlar to'g'risida"gi qonun <https://lex.uz/docs/-5534923>

15. O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy sud ishlarini yuritish to'g'risida kodeks <https://lex.uz/docs/-3527353>.

16. "Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida" 2565-sonli Adliya Vazirining buyrug'i <https://lex.uz/docs/-2349913?ONDATE=28.06.2022%2000>.

17. <https://public.sud.uz/report/choose-administrative>

18. Saylov kodeksi <https://lex.uz/docs/-4386848>.

19. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining buyrug'i, 31.12.2013 yilda ro'yxatdan o'tgan, Fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlarida ish yuritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida ro'yxat raqami 2547. <https://lex.uz/docs/-2308332>.

19. O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 26.12.1996 yildagi 343-I-son Notariat to'g'risida. <https://lex.uz/ru/docs/-54458>.

21. "Ko'chmas mulk obyektlariga bo'lgan huquqlarni davlat ro'yxatidan o'tkazish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori <https://lex.uz/docs/-4135063>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

JUMAYEV Shohjahon Begimqul o'g'li

Yuristlar malakasini oshirish markazi katta o'qituvchisi,
O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi
tayanch doktoranti (PhD)

E-mail: Shohjahon7474@gmail.com

QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR TEKSHIRUVI MAQSADI, PREDMETI, VOSITALARI HAMDA AHAMIYATI

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): JUMAYEV Sh.B. Qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshiruv maqsadi, predmeti, vositalari hamda ularning ahamiyati // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2024) B. 48-53.



2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-2-6>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshruvlari, ularning o'ziga xos jihatlari hamda ushbu tekshiruvlarning maqsadi, predmeti, subyeksi, obyeksi hamda prokuror nazorati hujjatlari, ularga javob berish va ularning natijalari haqida so'z borgan. O'tkazilgan prokuror tekshiruvlariga doir rasmiy statistik ma'lumotlar keltirib o'tilgan. Bir qator huquqshunos olimlarning fikrlari bilan ilmiy munozaraga kirishilgan hamda ayrim tushunchalarga mualliflik ta'riflari ishlab chiqilgan. Qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshruvlarining predmeti, vositalari hamda ahamiyati ilmiy-nazariy qarashlar orqali ochib berilgan. Bir qator xorijiy davlatlarning tajribasi milliy qonunchiligimiz bilan qiyosiy tahlil qilingan hamda takliflar ilgari surilgan.

Kalit so'zlar: prokuror tekshiruv, tekshiruv predmeti, tekshiruv subyeksi, tekshiruv obyeksi, tekshiruv vositalari, protest, taqdimnoma.

DJUMAYEV Shokhjakhon

Senior Lecturer of the Lawyers' Training Center under the
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan,

E-mail: Shohjahon7474@gmail.com

THE PURPOSE, SUBJECT, MEANS AND SIGNIFICANCE OF PROSECUTORIAL VERIFICATION ON LAW ENFORCEMENT

ANNOTATION

In this article, it is highlighted about prosecutor's verifications on the implementation of the laws, their specifics and the purpose, subject, subject, object and documents of the prosecutor's control, their response and their results. Official statistics on the prosecutor's verifications carried out were cited. A scientific discussion has been initiated with the opinions of a number of legal scholars, and author's definitions of certain concepts have been developed. Comparative-legal analysis of the subject, means and significance of prosecutor's verifications on the implementation of laws. The experience of a number of foreign countries has been comparative

analyzed with our national legislation and proposals have been put forward.

Keywords: prosecutor's verifications, volume of verifications, subject of verifications, object of verifications, means of verifications, protest, submission.

ЖУМАЕВ Шохжахон

Старший преподаватель Центра повышения квалификации юристов при
Министерстве юстиции Республики Узбекистан
E-mail: Shohjahon7474@gmail.com

ЦЕЛЬ, ПРЕДМЕТ, СРЕДСТВА И ЗНАЧЕНИЕ ПРОКУРОРСКОЙ ПРОВЕРКИ ИСПОЛНЕНИЯ ЗАКОНОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются прокурорские проверки исполнения законов, их специфика, а также цель, предмет, субъект, объект этих проверок и документы прокурорского надзора, ответы на них и их результаты. Приведена официальная статистика проведенных прокурорских проверок. Мнения ряда ученых-юристов вошли в научную дискуссию, а также были выработаны авторские определения некоторых понятий. Проведен сравнительно-правовой анализ предмета, средств и значения прокурорских проверок исполнения законов. Был проведен сравнительный анализ опыта ряда зарубежных стран с нашим национальным законодательством и выдвинуты предложения.

Ключевые слова: прокурорская проверка, предмет проверки, субъект проверки, объект проверки, средства проверки, протест, представление.

So'nggi yillarda prokuratura sohasini tubdan isloh etish, bu borada ochiqlik va adolatga asoslangan, fuqarolar va jamiyat manfaatiga xizmat qiladigan, xalqparvar qarorlar qabul qilish, o'z nazariy va amaliy maktabiga, fidoyi va professional xodimlar korpusiga ega bo'lgan tizimni shakllantirish bo'yicha ulkan ishlar amalga oshirilmoqda.

El-yurtimizning Konstitutsiyamizda mustahkamlangan huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilishda, qonuniylikni ta'minlash, jinoyatchilikning oldini olishda prokuratura organlarining ahamiyati tobora ortib bormoqda [1].

O'zbekiston Respublikasining "Prokuratura to'g'risida"gi Qonuni 21-moddasi aynan qonunlar ijrosi bo'yicha prokuror tekshiruvlariga bag'ishlangan bo'lib, unga asosan, qonunlar ijrosini tekshirish qonunlarning buzilayotganligi to'g'risidagi arizalar va boshqa ma'lumotlar asosida, shuningdek qonuniylik prokuror tomonidan choralar ko'rilishini talab qiladigan holatda ekanligidan kelib chiqqan holda qonunda belgilangan tartibda o'tkaziladi.

Huquqshunos olim B.X.Po'latov ta'kidlaganidek, nazorat predmetining yadrosi sifatida qonunlarning ijrosi namoyon bo'ladi. Bunday yondashuv, prokuraturaning nazorat organi sifatidagi o'ziga xos maqomini hamda uning bosh vazifalaridan bo'lmish qonunlarning aniq va bir xilda bajarilishini ta'minlash yuzasidan qonunda belgilangan huquqiy kuchini real aks ettiradi [2].

Shu nuqtai nazardan, qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshiruvining predmeti "Prokuratura to'g'risida"gi Qonunning 20-moddasida aks etgan nazorat predmetiga mutanosib keladi. Unga muvofiq, vazirliklar, idoralar, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari, jamoat birlashmalari, korxonalar, muassasalar, tashkilotlar hamda vazirliklar va idoralarning harbiy qismlari, harbiy tuzilmalari, hokimlar va boshqa mansabdor shaxslar tomonidan qonunlarning ijro etilishi, shuningdek ular tomonidan qabul qilinayotgan hujjatlarning O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va qonunlariga muvofiqligi nazorat predmeti hisoblanadi.

Huquqshunos olim O.M.Madaliyev ta'kidlaganidek, prokuror nazoratining subyekti — bu qonunda o'rnatilgan tartib va asosda, o'zining vakolati doirasida nazorat vakolatlari va o'ziga

yuklatilgan vazifani amalga oshiruvchi prokuratura organining mansabdor shaxsidir [3].

Ushbu fikrga qo'shimcha ravishda ta'kidlash mumkinki, prokuror nazoratining subyekti faqatgina prokuratura organlarining mansabdor shaxslarigina emas, balki tegishli tartibda qonunlar ijrosi yuzasidan prokuror tekshiruvlarini o'tkazishda qatnashuvchi prokuratura organlarining xodimlari, misol uchun, tegishli tuman prokurorining katta yordamchisi, yordamchisi ham bo'lishi mumkin, deb hisoblaymiz.

Yuqoridagi fikrga mutanosib tarzda aytish mumkinki, **qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshiruvining subyekti** sifatida ham tekshirishlarni amalga oshiradigan tegishli prokuratura organlarining xodimlari tushunilishi mumkin.

Prokuror nazoratining obyekt prokuratoraning vakolati yoyilgan, ya'ni qonunlar ijrosi ustidan prokuror nazorati faoliyati qaratilgan hokimiyat organlari, korxonalar, muassasa va tashkilotlar, xo'jalik yurituvchi subyektlardan iborat bo'ladi. Bu yerda vakolati yoyilgan deyilganda, muayyan prokuratura organining vakolat doirasi tushuniladi. Masalan, tuman prokuratorasi o'z hududidagi obyektlarni tekshirishi, nazorat qilishi kerak. Umumiy asosda prokuror nazoratining obyekt vazirliklar, idoralar, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari, jamoat birlashmalari, korxonalar, muassasalar, tashkilotlar hamda vazirliklar, idoralarning harbiy qismlari, harbiy tuzilmalari, hokimlar va mansabdor shaxslarning yig'indisi bilan belgilanadi.

Yuqoridagidan kelib chiqib mualliflik ta'rifi sifatida keltirishimiz mumkinki, **qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshiruvining obyekt** deganda tekshirish qaratilgan vazirliklar, idoralar, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari, jamoat birlashmalari, korxonalar, muassasalar, tashkilotlar hamda vazirliklar va idoralarning harbiy qismlari, harbiy tuzilmalari, hokimlar va boshqa mansabdor shaxslar tushuniladi.

Qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshiruvining vositalari deganda prokuror nazoratidan tub ko'zlangan maqsad, ya'ni qonunlarning aniq va bir xilda ijro etilishiga ko'maklashuvchi, qonunbuzilish holatlarini aniqlash, oldini olish, ularga imkon bergan sabab va shart-sharoitlarni bartaraf etishga xizmat qiladigan prokuror nazorati hujjatlari tushuniladi. O'zbekiston Respublikasining amaldagi "Prokuratura to'g'risida"gi Qonuni 37-moddasiga ko'ra, 5 ta prokuror nazorat hujjatlari mavjud. Bular protest, qaror, taqdimnoma, ariza va ogohlantiruv. "Prokuror nazorati hujjatlarini tayyorlash jarayonida ulardan har birining o'ziga xos bo'lgan xususiyatlarini farqlab olish zarur. Protest – *keltiriladi*, qaror - *chiqariladi*, taqdimnoma va ariza – *kiritiladi*, ogohlantiruv – *e'lon qilinadi*" [2]. Bu hujjatlar qonun talabiga ko'ra prokuror yoki uning o'rinbosari tomonidan imzolandi.

Prokuror nazorati hujjatlari aniq shaxslarga hamda muayyan faktlarga qaratilgan bo'ladi. Nazorat hujjatlari bevosita aniq qonun buzilishlarini, ularni kelib chiqish sabab va shart-sharoitlarini bartaraf etishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak. Hujjatlarda keltirilgan ma'lumotlar nafaqat o'rnatilgan qonuniy tartibda bo'lishi, balki ularni tegishli tartibda to'g'ri rasmiylashtirish qonuniylikni mustahkamlashni, shaxs huquq va erkinliklari himoyasini ta'minlaydi.

Qonunlar ijrosi ustidan nazorat hujjatlarining har bir turi uchun ularni qo'llashning o'ziga xos shart-sharoitlari mavjud. Misol uchun: protest keltirishda muassasa, tashkilot yoki mansabdor shaxs tomonidan huquqiy hujjatni qabul qilish yoki chiqarish jarayonida aniq qonun buzilishiga yo'l qo'yilganligiga, taqdimnomani kiritish chog'ida unda qonun buzilishi, uning kelib chiqishi va bunga imkoniyat yaratib berayotgan shart-sharoitlar o'rtasidagi bog'liqlikning aniq ifoda qilinishiga hamda prokuror takliflarining yetarlicha aniq ifodalanishiga e'tibor berish zarur. Ma'muriy yoki intizomiy ish qo'zg'atish haqidagi qarorda sodir qilingan qonunga zid harakatlar, uni sodir qilgan shaxs aniq ko'rsatilib, bu va boshqa harakatlar mazkur qarorni chiqarishga asos bo'lganligi qayd qilinadi.

Huquqshunos olim B.X.Po'latov ta'kidlaganidek, har bir nazorat hujjatida buzilgan normativ-huquqiy hujjatning nomi va talablari, qonun buzilishining kelib chiqish sabablari va bunga imkoniyat yaratib berayotgan shart-sharoitlar, shunga yo'l qo'ygan shaxslar va ularning javobgarlik masalasi aniq aks ettirilishi – ushbu hujjatlarning huquqiy va mantiqiy asosini tashkil etadi.

V.G.Bessarabov fikricha, prokuror nazorati akti deganda huquqbuzarliklarni aniqlash, bartaraf etish va oldini olishga qaratilgan, prokurorning qonun hujjatlarida nazarda tutilgan shakllarda qo'llaniladigan qonun buzilishlariga javob berishning normativ jihatdan belgilangan huquqiy vositasi tushuniladi [4].

Fikrimizcha, prokuror nazorati hujjatlari faqatgina "qonun buzilishlariga javob berishning" emas, balki qonunbuzilish holatlarini oldini olishning ham samarali huquqiy vositasi sanaladi. Boisi, prokuror nazorati hujjati hisoblangan ogohlantiruv "Prokuratura to'g'risida"gi Qonunning 42-moddasiga asosan, huquqbuzarlikning oldini olish maqsadida mansabdor shaxslar va fuqarolar qonunning buzilishiga yo'l qo'ymasligi haqida yozma ravishda e'lon qilinadi.

A. V. Boretskiy va V. V. Dolejanlar esa o'z ilmiy qarashlarida prokuror nazorati aktlarini prokurorning harakatlari deb biladi hamda prokurorlarning o'z vakolatlarini, shu jumladan "umumiy nazorat"ni amalga oshirish bilan bog'liq hujjatlari sifatida e'tirof etadi [5].

Bu borada xorij tajribasiga ham nazar soladigan bo'lsak, Rossiya Federatsiyasining "Prokuratura to'g'risida"gi Qonuni 3-bo'lim, 1-bobida prokuror nazorati hujjatlari sifatida protest, taqdimnoma, qaror hamda ogohlantiruv qayd etilgan [6].

Shu kabi, *Turmaniston Respublikasining* "Prokuratura to'g'risida"gi Qonuni 3-bo'lim, 2-bobi, 29-moddasida 6 ta prokuror nazorati hujjatlari qayd etib o'tilgan. Bular:

- ❖ Protest;
- ❖ Taqdimnoma;
- ❖ Talabnoma;
- ❖ Ogohlantiruv;
- ❖ Qaror;
- ❖ Sudga da'vo arizasi [7].

Shuningdek, *Tojikiston Respublikasining* "Prokuratura organlari to'g'risida"gi Konstitutsiyaviy qonunida protest, taqdimnoma, qaror, buyruq prokuror nazorati hujjatlari sifatida sanab o'tilgan [8].

Qozog'iston Respublikasining "Prokuratura to'g'risida"gi Qonuni 18-moddasiga muvofiq, prokuratura organlari faoliyatiga daxldor hujjatlar quyidagilar sanaladi:


1) prokuror nazorati aktlari: protest, qaror, buyruq, bayonot, sanksiya, ko'rsatma, taqdimnoma, ariza, ogohlantirish, qonunni tushuntirish;

2) prokuratura faoliyatini tashkil yetish va faoliyatini tartibga soluvchi hujjatlar: buyruq, ko'rsatmalar, topshiriqlar, qoidalar, yo'riqnomalar [9].

Umuman olganda, har bir prokuror nazorati hujjatida buzilgan normativ-huquqiy hujjatning nomi hamda talablari, qonun buzilishining kelib chiqish sabablari va bunga imkoniyat yaratib berayotgan shart-sharoitlar, shunga yo'l qo'ygan shaxslar va ularning javobgarlik masalasi aniq aks ettirilishi ushbu hujjatlarning huquqiy va mantiqiy asosini tashkil etadi.

Prokuror nazorati hujjatlari sifatli rasmiylashtirilishi hamda uning matni O'zbekiston Respublikasining "Normativ-huquqiy hujjatlar to'g'risida"gi Qonuni talablariga mos holda tayyorlangan bo'lishi talab etiladi [10].


Amaliyotdan ham ma'lumki, jamiyatda huquqbuzarliklarni aniqlash hamda bartaraf etishda sifatli prokuror tekshiruvlari va uning natijasida qo'llanilgan prokuror nazorati hujjatlarining ahamiyati juda katta. Birgina misol, Qashqadaryo viloyati prokurori B.Sayipovning 2023-yil davomida viloyatda qonun ustuvorligini ta'minlash, qonuniylikni mustahkamlash, fuqarolarning huquq va erkinliklarini, jamiyat va davlatning qonun bilan qo'riqlanadigan manfaatlarini himoya qilish, jinoyatchilik va huquqbuzarliklarni oldini olish hamda profilaktika qilish borasida viloyat prokuraturasi organlari tomonidan amalga oshirilgan ishlar yuzasidan axborotiga ko'ra, bu davrda 2,5 mingdan ortiq *prokuror tekshirishlari* amalga oshirilgan bo'lib, unda 25 mingga yaqin qonunbuzilish holatlari aniqlangan hamda 16 mingdan ortiq prokuror nazorati hujjatlarini qo'llash orqali bartaraf etilib, 28 ming nafar shaxslarning buzilgan huquqlari tiklangan [11].



Shu kabi, Sirdaryo viloyati prokuraturasi hay'at yig'ilishida keltirilgan ma'lumotlarga ko'ra, 2023-yil davomida viloyat prokuraturasi organlari tomonidan jami 7 864 ta *prokuror nazorati hujjatlari* qo'llanildi, natijada 12 444 nafar fuqarolarning buzilgan huquqlari tiklandi.

Prokuratura aralashuvi bilan 2 027 ta hujjatlar qonunga moslashtirildi, qonun talablarini buzgan 2 995 nafar mansabdor shaxslar intizomiy, ma'muriy va moddiy javobgarlikka tortildi, qo'pol qonunbuzilishlar yuzasidan 339 ta jinoyat ishlari qo'zg'atildi.

Prokuror tekshirishlari va jinoyat ishlari tergovida undirilgan jami zarar miqdori 100 mlrd. so'mni tashkil qildi [12].



Yuqoridagilardan xulosa qilib aytish mumkinki, qonunlar ijrosi ustidan sifatli prokuror tekshiruvlarini o'tkazish uchun, avvalambor, tekshiruvning maqsadi, predmeti, subyekti hamda obyektini to'g'ri aniqlab olish va qonunbuzilish holatlarini aniqlash, bartaraf etish maqsadida prokuror nazorati hujjatlarini o'z vaqtida hamda o'z o'rnida qo'llash muhim ahamiyat kasb etadi. Qayd etib o'tilgan har bir tushunchaga "Prokuratura to'g'risida"gi Qonunning o'zida ilmiy-nazariy ta'riflar bilan aniqlik kiritib o'tilsa, Taraqqiyot strategiyasida belgilangan "*prokuratura faoliyatining mustahkam huquqiy asoslarini yaratish*" vazifasi ham muayyan darajada bajarilgan bo'lar edi.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 08.01.2024-yildagi prokuratura organlari xodimlari hamda faxriylariga tabrik nutqi // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/6961>;
2. Po'latov B.X. Qonunlar ijrosi ustidan prokuror nazoratini tashkil qilish va prokuror nazoratining namunaviy hujjatlar to'plami// Amaliy-uslubiy qo'llanma. – Toshkent, 2013. – 15-bet // URL: <https://proacademy.uz/postfiles/books/u-/tp/index.html>;
3. O.M.Madaliyev. Prokuror nazorati. Darslik. Umumiy qism. Toshkent – “ILM ZIYO”. – 2012.M – B. 314 // URL: <https://elibrary.namdu.uz>;
4. Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор: Учебник. – М.: Проспект, 2006. – С. 206 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-sootnoshenie-aktov-prokurorskogo-nadzora-i-aktov-prokurorskogo-reagirovaniya/viewer>;
5. Борецкий А.В., Долежан В.В. Акты прокуратуры по общему надзору: Учеб. пособие, 1983.
6. Rossiya Federatsiyasining 1992-yil 17-yanvardagi “Prokuratura idoralari to'g'risida”gi Qonuni // URL: https://www.wto.org/english/thewto_e/acc_e/rus_e/wtaccrus58_leg_83.pdf;
7. Turkmaniston Respublikasining 2015-yil 2-dekabrda “Prokuratura to'g'risida”gi Qonuni // URL: [https://turkmenistan.gov.tm/ru/post/25369/zakon-turkmenistana-%3Cbr%3Eo-prokurature-turkmenistana-\(novaya-redaktsiya\)](https://turkmenistan.gov.tm/ru/post/25369/zakon-turkmenistana-%3Cbr%3Eo-prokurature-turkmenistana-(novaya-redaktsiya));
8. Tojikiston Respublikasining 2005-yil 15-iyuldagi “Prokuratura to'g'risida”gi Qonuni // URL: <https://www.prokuratura.tj/legislation-rus/49-the-constitutional-law-of-the-republic-of-tajikistan.html>;
9. Иманов И.А. Система и эффективность актов прокурорского надзора в противодействии коррупции в Республике Казахстан // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2015. №4 (34). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-i-effektivnost-aktov-prokurorskogo-nadzora-v-protivodeystvii-korrupsii-v-respublike-kazahstan> (дата обращения: 09.04.2024).
10. Prokuror nazorati. Darslik. To'ldirilgan va qayta ishlangan nashr. Mualliflar jamoasi. - Toshkent: Yuridik adabiyotlar Publish, 2023-y. - 232 bet // URL: <https://e-library.namdu.uz>.
11. URL: <https://t.me/uzbprokuratura>;
12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Расмий веб-сайт // URL: <https://www.prokuratura.uz/#/>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

ESHNAZAROV Murodqosim Xamzayevich
O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza
qilish akademiyasi mustaqil izlanuvchisi (PhD)
E-mail: murodqosim.e@gmail.com

JINOYAT PROTSESSIDA EKSPERT XULOSASIDAN FOYDALANISH: ANGLO-SAKSON HUQUQ OILASI DAVLATLARI MISOLIDA

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ESHNAZAROV M.X. Jinoyat protsessida ekspert xulosasidan foydalanish: anglo-sakson huquq oilasi davlatlari misolida// Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2024) В. 54-62.

 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-2-7>

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada anglo-sakson huquq oilasiga mansub bo'lgan davlatlar, xususan, Amerika Qo'shma Shtatlari, Buyuk Britaniya, Avstraliya va Irlandiya jinoyat protsessida ekspert xulosasiga oid normalar milliy qonunchiligimiz bilan qiyosiylangan holda tadqiq qilingan. Xususan, anglo-sakson huquq oilasiga mansub bo'lgan davlatlarda ekspert xulosasining dalilii ahamiyati, uning isbot qilishda tutgan o'rni, ekspert xulosasini baholash mezonlari hamda ekspert xulosasiga qo'shilmagan holda qaror qabul qilishning huquqiy oqibatlari kabi masalalar qonunchilik normalari va xorijiy olimlarning ilmiy qarashlari misolida o'rganilgan. Amalga oshirilgan tadqiqot natijalariga ko'ra ilmiy-nazariy xulosalar chiqarilib, milliy qonunchiligimizni takomillashtirishga qaratilgan takliflar, xususan O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 187-moddasini ekspert xulosasidagi sud tomonidan nomaqbul deb topilgan dalillarga asoslangan xulosalar ham nomaqbul hisoblanishi va bunday xulosalardan dalil sifatida foydalanish taqiqlanishini nazarda tutuvchi yangi norma bilan to'ldirish taklif etilgan.

Kalit so'zlar: ekspert, ekspert xulosasi, ekspertiza, anglo-sakson huquq oilasi, dalil, isbot qilish.

ЭШНАЗАРОВ Муродқосим Хамзаевич

Независимый соискатель (PhD)

Правоохранительной академии Республики Узбекистан

E-mail: murodqosim.e@gmail.com

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЭКСПЕРТНОГО ЗАКЛЮЧЕНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ: НА
ПРИМЕРЕ ГОСУДАРСТВ АНГЛОСАКСОНСКОЙ ПРАВОВОЙ СЕМЬИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются нормы экспертного заключения в Уголовно-процессуальном законодательстве стран англосаксонской правовой семьи, в частности, США, Великобритании, Австралии и Ирландии, в сравнении с аналогичными нормами в нашем национальном законодательстве. В частности, в государствах англосаксонской правовой семьи такие вопросы, как доказательная значимость экспертного заключения, его роль в доказывании, критерии оценки экспертного заключения и правовые последствия принятия решения без включения в экспертное заключение, изучались на примере норм законодательства и научных воззрений зарубежных ученых. По результатам проведенного исследования были сделаны научно-теоретические выводы, предложены предложения, направленные на совершенствование национального законодательства, в частности, дополнить статью 187 УПК Республики Узбекистан новой нормой, предусматривающей, что выводы, основанные на доказательствах, признанных судом недопустимыми в экспертном заключении, также считаются недопустимыми и запрещается использовать такие выводы в качестве доказательств.

Ключевые слова: эксперт, экспертное заключение, экспертиза, англосаксонская правовая семья, доказательство, доказывать.

ESHNAZAROV Murodkosim

Independent researcher (PhD) of the Law Enforcement

Academy of the Republic of Uzbekistan

E-mail: murodqosim.e@gmail.com

USE OF EXPERT REPORT IN CRIMINAL PROCEDURES: ON THE EXAMPLE OF COMMON LAW COUNTRIES

ANNOTATION

This article examines the norms of expert report in the criminal procedural legislation of common law countries, particularly the USA, Great Britain, Australia, and Ireland, in comparison with similar norms in our national legislation. Specifically, within common law countries, issues such as the evidentiary value of an expert report, its role in proof, criteria for evaluating an expert report, and the legal consequences of making a decision without inclusion in an expert report were studied using examples of legal norms and scientific views from foreign scholars. Based on the results of the study, scientific and theoretical conclusions were drawn, and proposals were made aimed at improving national legislation. In particular, it is suggested to supplement Article 187 of the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan with a new provision, stating that conclusions based on evidence deemed inadmissible by the court in the expert report are also considered inadmissible, and it is prohibited to use such conclusions as evidence.

Keywords: expert, expert report, examination, common law, evidence, proof.

Anglo-sakson huquq oilasiga mansub davlatlarning ekspert xulosasini baholashga oid qonunchiligini tahlil qilishdan oldin, mazkur institutning tub mohiyatini anglash maqsadida ushbu mamlakatlarda ekspert xulosasi tushunchasini talqin qilish bilan bog'liq normalarni ko'rib chiqish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Buyuk Britaniya jinoyat-protsessual qonunchiligida, aniqrog'i 1988-yilgi Jinoiy adliya to'g'risidagi Aktga ko'ra ekspert xulosasi – "expert report" sifatida muayyan malakaga ega bo'lgan shaxlarning asosiy yoki doimiy faoliyati doirasida mazkur malakadan foydalanib guvohlik berishga qaratilgan yozma hisoboti tushuniladi [1]. Mazkur ta'rifda ekspertning yetarli

malakaga ega ekanligiga ko'proq urg'u berilmoqda hamda bunday hisobot yoki xulosaning og'zaki yoki yozma shaklda bo'lishi cheklab qo'yilmagan.

Bundan farqli ravishda, Amerika Qo'shma Shtatlari jinoyat-protsessual qonunchiligida, aniqrog'i bir qator shtatlar qonunlarida ekspert xulosalarining yozma shaklda bo'lishi aniq belgilanmagan bo'lsa-da, ekspert xulosasiga yozma xususiyatlarga oid talablar qo'yilgan. Xususan, Alabama kodeksi (The Code of Alabama) 12-21-300-moddasiga ko'ra, ekspert xulosasi (certificate of analysis) quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

- muassasaga dalillar (materiallar) kelib tushgan sana va vaqt;
- namunalarni yetkazib bergan va qabul qilgan shaxslar to'g'risidagi ma'lumotlar;
- ekspertiza o'tkazilgan muassasa to'g'risidagi ma'lumotlar;
- dalillarning (materiallarning) qisqacha tavsifi;
- o'rganish yoki tahlil turi;
- ularni amalga oshirgan shaxslar to'g'risidagi ma'lumotlar;
- ularni o'tkazish sanasi va natijalari.

Xulosa imzolangan bo'lishi hamda uni bergan shaxsning bila turib yolg'on yoki noto'g'ri ma'lumot berganligi uchun ogohlantirilganligini o'z ichiga olishi lozim [2].

Xuddi shu kabi qoidalar Pensilvaniya, Virjiniya, Alyaska va boshqa shtatlar qonunchiligida ham o'z aksini topgan [3; 4; 5].

Fikrimizcha, mazkur qoidalar milliy qonunchiligimizda belgilangan ekspert xulosasining tuzilishi bilan bog'liq normalarga juda ham yaqin hisoblanadi. Shu bilan birga, AQSh va O'zbekiston qonunchiligidagi ekspertning xulosa berishdan oldin yolg'on xulosa berganlik uchun javobgarlik haqida ogohlantirilganligi to'g'risidagi normalar ham bir-birini takrorlaydi.

Anglo-sakson huquq oilasiga mansub davlatlarda ekspert xulosasi tushunchasi ikki xil termin: "expert report" (ekspert xulosasi yoki ekspert hisoboti) va "expert testimony" (ekspert ko'rsatmalari) orqali ifodalanadi. Bunda, birinchi termin ko'proq yozma xulosalarga nisbatan qo'llanilsa, ikkinchi termin esa faqat og'zaki xulosalarni o'z ichiga oladi.

Shuningdek, AQSh qonunchiligidagi bahs-munozaralarga sabab bo'lgan masalalardan biri – bu ekspert xulosasining rasmiy xususiyati bilan bog'liq. Ayrim qarashlarda ekspert xulosasini xuddi guvoh ko'rsatmalar sifatida tushunish va baholash lozimligi ta'kidlansa, qarama-qarshi taraf vakillari ekspert xulosasini rasmiy hujjat sifatida e'tirof etishadi.

Mazkur masalaga oid asosiy muammo shundaki, Amerika qonunchiligida *hearsay* instituti (guvohlikning to'g'ridan to'g'ri manbadan emas, balki ikkilamchi manbadan olinishi) mavjud bo'lib, unga ko'ra suddan tashqarida olingan yoxud sud majlisida hozir bo'lmagan shaxslardan olingan dalillar nomaqbul deb hisoblanadi. Faqatgina rasmiy hujjatlarga mazkur qoidadan istisno qilingan.

Shu sababli, yuqorida keltirilgan birinchi yondashuvga ko'ra, sudda ekspert xulosasini bergan ekspert hozir bo'lmagan taqdirda mazkur xulosa maqbul emas deb topilishi lozim. Ikkinchi yondashuvga ko'ra esa, ekspert xulosasi mazkur qoidadan istisnodir. AQSh vs. Oates sud pretsedentiga ko'ra, tergov davomida jinoyat ishiga kiritish maqsadida ayblanuvchiga qarshi to'plangan ma'lumotlar bevosita dalil sifatida qabul qilinishi mumkin emas [6].

Mazkur normada shu kabi dalillarning nomaqbul bo'lishi emas, balki ular tekshirilmasdan va baholanmasdan turib, ya'ni to'g'ridan-to'g'ri dalil kuchiga ega bo'la olmasligi nazarda tutilgan.

AQSh Konstitutsiyasiga oltinchi tuzatishga muvofiq, shaxs sud muhokamasidan tashqarida olingan ekspert xulosasiga asosan aybli deb topilishi mumkin emas [7]. Shu sababdan, AQSh Oliy sudi ekspert xulosalari sud majlisida og'zaki holda eshitilishi, agar bunga rioya qilinmasa uning yozma xulosasidan dalil sifatida foydalanish mumkin emasligi to'g'risida tushuntirish beradi [8].

Qisqacha xulosa qiladigan bo'lsak, AQSh qonunchiligiga ko'ra jinoyat sodir etishda ayblanayotgan shaxs o'ziga qarshi guvohlik bergan har qanday guvoh bilan to'qnash kelish (bunda, sud majlisida unga savol bera olish nazarda tutilmoqda) huquqiga ega bo'lishi lozim. Agarda, bunday huquq ta'minlanmasa, ya'ni xulosa bergan ekspert sud majlisida ishtirok etmasa, bunday xulosa maqbul emas deb topiladi.

O'z o'rnida aytish kerakki, qonun ushbu tartibga amal qilishni faqatgina sudlanuvchiga

qarshi ko'rsatma beruvchi ekspert xulosasiga nisbatangina nazarda tutadi. Sudlanuvchining oqlanishiga sabab bo'luvchi ekspert xulosalaridan esa ekspertning sud muhokamasida hozir bo'lgan-bo'lmaganligidan qat'i nazar dalil sifatida foydalanilishi mumkin.

Buyuk Britaniya qonunchiligida esa, AQSh qonunchiligidagidan farqli ravishda ekspert xulosasidan dalil sifatida foydalanishning unchalik qat'iy bo'lmagan tartibi belgilangan. Xususan, Angliya, Uels va Shimoliy Irlandiya qonunchiligiga ko'ra, agarda tomonlardan birining eksperti sudga kela olmasa, isbot qilishda mazkur ekspert xulosasidan sudning roziligi asosida foydalanishga yo'l qo'yiladi [1]. Bunda sud xulosaning mazmunini, ekspertning guvohlik bermasligi sabablarini, ekspert ishtiroki yo'qligida ayblanuvchiga nisbatan adolatsizlik yuzaga kelishi xavfini va boshqa holatlarni hisobga olishi shart [9, B. 6-7].

Shotlandiyada esa xulosa began ekspert sud muhokamasida rozi bo'lmagan taqdirda, agarda taraflar e'tiroz bildirmasalar va ular ushbu masalada kelishuvga erishgan taqdirda, ekspert xulosasidan isbot qilish jarayonida dalil sifatida foydalanish mumkin bo'ladi [10].

Shuningdek, Shotlandiyaning 1995-yilgi Jinoyat-protsessual Akti 280-moddasiga muvofiq, ekspert xulosasidan sudda dalil sifatida foydalanmoqchi bo'lgan taraf sud muhokamasi boshlanishidan kamida 14 kun oldin mazkur ekspert xulosasi nusxasini qarshi tarafga taqdim etishi lozim. Agarda, ekspert xulosasi nusxasini qabul qilib olgan taraf yetti kun ichida undagi xulosalarga qarshi e'tiroz bildirmasa, mazkur ekspert xulosasidan sud muhokamasida isbot qilishda foydalanish mumkin bo'ladi [11].

Milliy qonunchiligimizda bo'lgani kabi anglo-sakson mamlakatlarida ham ekspert xulosasi oldindan belgilangan daliliy kuchga ega emas. Masalan, Angliya va Uelsda sudyalar odatda xalq vakillaridan iborat hay'at (jury)ga o'zlarining so'ngi so'zlarida, hatto taraflar o'rtasida munozaraga sabab bo'lmagan ekspert xulosasini ham rad etishlari mumkinligini ta'kidlab o'tadilar.

O'z navbatida, sud muhokamasi so'ngida raislik etuvchi sudya tomonidan xalq vakillaridan iborat hay'at (jury)ga muayyan ekspert xulosasiga tayanish shartligi to'g'risida ko'rsatma berilgan taqdirda, mazkur holat kelgusida sud qarorining bekor bo'lishiga asos bo'ladi.

Milliy qonunchiligimizda bo'lgani kabi anglos-sakson huquq oilasiga kiruvchi ko'plab mamlakatlarda ham ekspert xulosasi boshqa dalillar kabi uning maqbulligi, ishga aloqadorligi va ishonchligi nuqtai nazaridan baholanadi. Shu bilan birga, mazkur mezonlar milliy qonunchiligimizdagiga o'xshash nomlar bilan atalsa ham o'zining ayrim xususiyatlariga ko'ra o'zgacha mazmunni ifoda etadi.

Shuni inobatga olish kerakki, mazkur davlatlar sud-huquq tizimiga ko'ra dalillarni baholash jarayonini muvofiqlashtirib turish sudyaning vakolatiga tegishli bo'lib, bu bir tarafdin ijobiy, boshqa tarafdin salbiy xususiyatlarga ega. Buning ijobiy xususiyati shundaki, mazkur jarayonda xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) faqatgina sudya tomonidan maqbul deb topilgan dalillargagina asoslanishadi. Boshqa tarafdin esa, mazkur holat xalq vakillaridan iborat hay'at (jury)ning mustaqilligi va qaror chiqarishda ishni har tomonlama o'rganish imkoniyatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Xususan, jinoyat ishlarini yuritishda dalillarning maqbulligini baholash, asosan, faktik emas, balki huquqiy masala bo'lib, professional sudya tomonidan amalga oshiriladi. Shu bilan birga, professional sudya dalillarning maqbulligi to'g'risidagi masalani ko'rib chiqish doirasida ayrim holatlarda faktik xususiyatga ega bo'lgan ayrim masalalarni ham hal qilishi kerak bo'ladi. Masalan, sud shaxsni uning bilimi, malakasi yoki tajribasiga ko'ra ekspert sifatida tan olish mumkinligini aniqlashda huquq va fakt masalalarini hal qiladi [12, B. 677].

Zarur hollarda dalillarning maqbulligi to'g'risidagi masala xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) a'zolarining ishtirokisiz ko'rib chiqiladi. Jumladan, Dalillarning Federal Qoidalari nomli qonunning 104-moddasiga ko'ra quyidagi uchta holatda dalillarni ko'rib chiqish xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) a'zolarining ishtirokisiz amalga oshiriladi:

- (1) aybiga iqrorlik to'g'risidagi masalaning maqbulligini ko'rib chiqishda;
- (2) boshqa bir jinoyat ishi bo'yicha sudlanuvchi guvoh bo'lib qatnashayotganligi sababli shuni iltimos qilsa;
- (3) adolat shuni talab qilsa [13].

Ko'rishimiz mumkinki, mazkur ro'yxatdagi uchinchi asos sudyaga muayyan dalilni xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) a'zolarining ishtirokisiz amalga oshirishda cheklanmagan doiradagi vakolatni beradi.

Ingliz olimi P.Murphy qayd etganidek, amalda dalillarning maqbulligini baholashda xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) a'zolari odatda sud zalidan chetlashtiriladi. Buning sababi shundaki, shunay amaliyot orqali professional sudya xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) a'zolarini chalg'itishi mumkin bo'lgan ma'lumotlarni o'ziga xos filtrdan o'tkazishi nazarda tutiladi [14, B. 46].

Bizningcha, mazkur amaliyot yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek salbiy oqibatlarni ham keltirib chiqarib, xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) a'zolarining qaror qabul qilishlarida ishdagi holatlarni har tomonlama hal qilish prinsipiga zid hisoblanadi.

Shuni ham ta'kidlab o'tish o'rinliki, anglo-sakson huquq oilasiga mansub davlatlarda ekspert xulosasining va umuman olganda boshqa dalillarning maqbulligi to'g'risidagi masala har doim ham dolzarb hisoblanmaydi. P.Kampen tomonidan qayd etilganidek, agar ekspert xulosasiga nisbatan taraflarda biror bir e'tiroz mavjud bo'lmasa, uning maqbulligi masalasi ko'rib chiqilmaydi [15, B. 101]. Bunda, qarama-qarshi tomonlarning dalillarni rad etishi sud tomonidan jinoyat holatlarini aniqlash uchun foydalaniladigan asosiy vosita hisoblanadi.

Jinoyat ishini yuritishdagi muayyan taraf biror bir dalilning maqbulligiga nisbatan shubha bildirgan taqdirda, mazkur shubhaning qanchalik asosli ekanligini asoslab berishi lozim bo'ladi. Dalilning maqbulligini isbot qilish majburiyati esa, manfaatdor taraf (qarshi taraf)ning zimmasida bo'ladi.

Milliy qonunchiligimizdan farqli ravishda, mazkur davlatlar qonunchiligidagi ekspert xulosasining maqbulligi boshqa bir mezonni – uning ishga aloqadorligini ham, shuningdek, dalillarni chiqarib tashlashga oid qonunlarga muvofiqligi masalasini ham o'z ichiga oladi. Bunda, agarda biror bir ekspert xulosasi ishga aloqador emas deb topiladigan bo'lsa, u o'z-o'zidan nomaqbul deb ham topiladi. Vaholanki, milliy qonunchiligimizda dalillarning ishga aloqadorligi masalasi alohida mezon hisoblanadi.

AQSh va Buyuk Britaniya qonunchiligida dalillarning ishga aloqadorligini baholashga oid o'xshash qoidalar belgilangan. Jumladan, Dalillarning Federal Qoidalari nomli qonunning 401-moddasiga ko'ra, sodir etilgan jinoyat bilan bog'liq bo'lgan faktlarni aniqlashga qaratilgan, shuningdek usiz mazkur masalani hal etish muayyan darajada murakkab yoki imkoniz bo'lgan dalillar ishga aloqador deb hisoblanadi [16].

R.Puch-Solis va boshqa bir qator olimlarning ta'kidlashicha, ekspert xulosasining maqbulligiga oid yana bir xususiyat shundaki, ingliz jinoyat-protsessual qonunchiligida DNK materialini to'plashda politsiya tomonidan jiddiy qoidabuzarlik aniqlangan taqdirda, sudlar genetik ekspertiza xulosasini nomaqbul deb topishga vakolatli hisoblanadilar. Shu bilan birga, agarda mazkur ekspert xulosasi ish uchun ahamiyatli bo'lsa hamda ularsiz ish bo'yicha adolatli qaror chiqarish mumkin bo'lmasa, sudlar bunday qonun buzilishlarini e'tiborsiz qoldirishlari mumkin [17, B. 82–83].

Fikrimizcha, mazkur amaliyot adolat tamoyillarini ta'minlashga hissa qo'shishga qaratilgan bo'lsa-da, sudlanuvchidan ko'ra ko'proq ayblov tomon manfaatlari uchun xizmat qiladi. Shu sababli, mazkur qoida amaliyotda sudlanuvchiga nisbatan adolatsizlikni keltirib chiqarish imkoniyatiga ega deb hisoblaymiz.

Huquqni isloh qilish komissiyasi tomonidan Angliya va Uelsda amalga oshirilgan ekspert xulosalarining ishonchliligi bilan bog'liq bo'lgan keng qamrovli tadqiqotda aniqlanishicha, mazkur mamlakatlar sudyalari ekspert xulosalarini kamdan kam hollarda nomaqbul deb topadilar. Bunga sabab sifatida, ekspert xulosasidagi kamchiliklar qarshi taraf ekspertining ko'rsatuvlarini olish yoki qarshi so'roq qilish (cross examination) kabi vositalar yordamida aniqlanishi va tuzatilishi mumkin [18, B. 21–23].

Shuningdek, Huquqni isloh qilish komissiyasi tomonidan sud pretsedentlari o'rganilishi natijasida bunday pretsedentlarga asoslangan amaliyot muayyan ma'noda "hayoliy" degan xulosaga kelingan hamda mazkur komissiya jinoyat protsessida ekspert xulosasi ishonchliligi ustidan sud nazoratini kuchaytirishga qaratilgan qonun loyihasini tayyorlashiga sabab bo'lgan.

Komissiya tomonidan sudyalarga ekspert xulosasining ishonchligini baholashda quyidagi mezonlarni hisobga olish tavsiya qilinadi:

- ekspert o'z xulosasiga kelgan ma'lumotlarning hajmi va sifati, shuningdek, u qo'llagan usullarning asosli ekanligi;

- ayrim axborot manbalaridan olingan ma'lumotlarning (gipotezaning) qanchalik ishonchligi va unga asoslanish (statistik ma'lumotlarga asoslanib yoki boshqa yo'l bilan) tushuntirilganligi;

- agarda ekspert xulosasida muayyan holatning haqiqatga mos kelishi, ya'ni ehtimolligi aniq ko'rsatkichlar bilan o'lchangan (masalan, foizlarda) bo'lsa, mazkur xulosaning qay darajada xato bo'lishi mumkinligi darajasi aniqlanganligi;

- ekspert o'z fikrini asoslagan ma'lumotlar, masalan, ilmiy nashrlarda bilan o'zaro tekshirilganligi va boshqa olimlarning mazkur masalaga oid qanday ilmiy pozitsiyaga ega ekanliklari;

- ekspertning xulosalari qay darajada uning maxsus bilimlari doirasidan tashqaridagi ma'lumotlarga asoslanganligi;

- ekspertda mavjud bo'lgan ma'lumotlarning to'liqligi va xulosani tuzishda u barcha tegishli ma'lumotlarni hisobga olganligi to'g'risidagi ma'lumotlar ko'rsatilganligi;

- ekspert maxsus masala bo'yicha boshqa pozitsiyalar mavjudligini va nima uchun ilmiy masala bo'yicha bir nechta fikrlardan o'zi xulosa qilgan fikrga amal qilishini tushuntirganligi;

- ekspert tomonidan qo'llanilgan metodikalarning amaliyotda qo'llanilish darajasi, shuningdek agar mazkur metodika yangi bo'lsa va hali ishlatilmagan bo'lsa, ekspert nima sababdan amaliyotni e'tiborsiz qoldirganligi masalasining asoslantirilganligi [18].

Shuningdek, mazkur Komissiya tomonidan yuqoridagilardan tashqari ekspert xulosasini ishonchli emas deb topilishiga sabab bo'luvchi mezonlar (xususiyatlar) ham belgilab berilgan bo'lib, unga ko'ra quyidagi holatlarda ekspert xulosasi ishonchli emas deb hisoblanishi kerak:

- yetarlicha tekshirilmagan yoki umuman tekshirilmagan gipotezaga asoslangan bo'lsa;

- aql bovar qilmaydigan taxminlarga asoslangan bo'lsa;

- sifatsiz ma'lumotlarga asoslangan bo'lsa;

- ko'rib chiqilayotgan jinoyat ishi holatlariga mos kelmaydigan yoxud noto'g'ri qo'llanilgan yoki umuman olganda muayyan holatda qo'llanilmaydigan tadqiqot, metodika yoki usulga asoslangan bo'lsa;

- yetarlicha asoslantirilmagan yoki umuman asoslantirilmagan xulosalarni o'z ichiga olgan bo'lsa.

Fikrimizcha, Huquqni isloh qilish komissiyasi tomonidan bildirilgan mazkur tavsiyalar to'g'ri va maqsadga muvofiq hisoblanadi. Sababi, Buyuk Britaniya qonunchiligida ekspert xulosasini baholashda sudyalarning vakolatlarining yetarlicha cheklanmaganligi mazkur sohaga oid qonunchilikni qo'llashda jinoyat protsessi ishtirokchilari, xususan sudlanuvchining huquqlari buzilishiga sabab bo'lishi mumkin.

Anglo-sakson huquq oilasiga mansub davlatlarda mavjud bo'lgan ekspert xulosasini va umuman olganda har qanday dalilni baholashga oid yana bir muhim institut – bu “zaharlangan daraxtning mevasi” (Fruit of the poisonous tree) doktrinasi hisoblanadi. Mazkur doktrinaga muvofiq, nafaqat noqonuniy yo'llar bilan olingan dalillar (“daraxt”), balki uning natijasida olingan boshqa dalillar, xususan ekspert xulosasi (“meva”) ham nomaqbul deb topiladi.

Ushbu doktrina 1920-yilda AQShda paydo bo'lgan bo'lib, Silverthorne Lumber Co. v. United States sud pretsedentida o'z aksini topgan. Keyinchalik mazkur termin birinchilardan bo'lib sudya Feliks Frankfurter tomonidan 1939-yilgi Nardone v. United States keysida qo'llanilgan.

Shu kabi qoidalarni Avstraliya va Irlandiya qonunchiligida ham ko'rishimiz mumkin. Xususan, Avstraliyada mazkur qoidani qo'llash vakolati to'liq sudyaning ixtiyoriga berilgan bo'lib, amaliyot tahlili shuni ko'rsatadiki, odatda mazkur qoida o'ta og'ir jinoyatlarga emas, balki o'rtacha og'irlikdagi yoki unchalik og'ir bo'lmagan jinoyatlarga nisbatgina qo'llaniladi [19, B. 48].

Irlandiya qonunchiligida ham shu kabi norma belgilangan bo'lib, ushbu masalada keng

vakolatlar bevosita sud ixtiyoriga berilgan [20].

Ekspert xulosasini ilmiy asoslantirilganligi nuqtai nazaridan baholash bo'yicha AQSh tajribasini tahlil qiladigan bo'lsak, mazkur masalaga oid Daubert nazariyasiga ko'ra sudlar bunday vakolatga ega hisoblanadilar.

Amerikalik olimlar D.Fridman hamda J.Janoë tomonidan amalga oshirilgan tadqiqotda umuman olganda, barcha sudyalar xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) ko'rib chiqishi uchun faqatgina ishonchli dalillarnigina taqdim etishlari lozim degan qarash ilgari suriladi. Mazkur olimlar ekspert xulosasini baholash xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) uchun murakkab ekanligini, shu sababli ekspertlar o'z xulosalarining olinishi jarayoni va natijalarini vizual vositalar yordamida namoyish etishlari maqsadga muvofiqligini bildirishadi [21].

J.Groscup va S.Penrod kabi olimlar tomonidan amalga oshirilgan boshqa bir tadqiqot shuni ko'rsatadiki, amerikalik sudyalar "Daubert testi" (sudyalardan iborat ekspert xulosasi va guvohligining ishonchliligini tahlil qilishda e'tibor qaratiladigan masalalarga oid nazariya) yordamida ekspert ko'rsatmalarining ishonchliligini baholashda qiyinchiliklarga duch kelishadi hamda undan kamdan-kam holatlarda foydalanishadi. Buning o'rniga sudyalar birinchi navbatda ekspertning malakasi va uning xulosalarining ish uchun ahamiyatiga e'tibor qaratishadi [22, B. 1150].

Bizningcha, yuqorida muhokama qilingan "Daubert testi" AQSh sudyalari uchun ekspert xulosalarini baholashda muhim bo'lgan vakolatlarni belgilab berganligi bilan ahamiyatli hisoblanadi hamda uning amaliyotga to'laqonli tatbiq etilishi adolatning ta'minlanishiga o'zining ijobiy hissasini qo'shmay qolmaydi. Sababi, J.Groscup va S.Penrodlarning tadqiqotlarida ko'rsatilganidek, faqat ekspertning malakasi va uning xulosalarining ish uchun ahamiyatini tekshirish bilangina cheklanib qolish ish holatlarini to'laqonli ko'rib chiqish prinsipiga mos kelmaydi.

Yuqorida keltirib o'tilgan anglo-sakson huquq oilasiga mansub davlatlarda ekspert xulosasini baholashga oid qonunchilik tahlili natijasida quyidagi xulosalarni ilgari suramiz:

1. Anglo-sakson huquq oilasiga mansub davlatlarda ekspert xulosasini tuzishda ekspertlar xulosani bevosita imzolangan bo'lishi hamda bila turib yolg'on yoki noto'g'ri ma'lumot berganligi uchun ogohlantirilganligi o'z aksini topishi lozimligi belgilangan. Mazkur qoidalar milliy qonunchiligimizda belgilangan ekspert xulosasining tuzilishi bilan bog'liq normalarga juda ham yaqin hisoblanadi. Shu bilan birga, AQSh va O'zbekiston qonunchiligidagi ekspertning xulosa berishdan oldin yolg'on xulosa berganlik uchun javobgarlik haqida ogohlantirilganligi to'g'risidagi normalar ham bir-birini takrorlaydi.

2. AQSh qonunchiligidagi bahs-munozaralarga sabab bo'lgan masalalardan biri - bu ekspert xulosasining rasmiy xususiyati bilan bog'liq bo'lib, zero Amerika qonunchiligidagi hearsay institutiga ko'ra suddan tashqarida olingan yoxud sud majlisida hozir bo'lmagan shaxslardan olingan dalillar nomaqbul deb hisoblanadi. Shu sababli, sudda ekspert xulosasini bergan ekspert hozir bo'lmagan taqdirda mazkur xulosa maqbul emas deb topilishi lozim. AQSh Konstitutsiyasiga oltinchi tuzatishga muvofiq, shaxs sud muhokamasidan tashqarida olingan ekspert xulosasiga asosan aybli deb topilishi mumkin emas. Shu sababdan, ekspert xulosalari sud majlisida og'zaki holda eshutilishi, agar bunga rioya qilinmasa uning yozma xulosasidan dalil sifatida foydalanish mumkin emasligi belgilangan.

3. Buyuk Britaniya qonunchiligida AQSh qonunchiligidagidan farqli ravishda ekspert xulosasidan dalil sifatida foydalanishning unchalik qat'iy bo'lmagan tartibi belgilangan. Xususan, Angliya, Uels va Shimoliy Irlandiya qonunchiligiga ko'ra, agarda tomonlardan birining eksperti sudga kela olmasa, isbot qilishda mazkur ekspert xulosasidan sudning roziligi asosida foydalanishga yo'l qo'yiladi. Shotlandiyada esa xulosa began ekspert sud muhokamasida rozi bo'lmagan taqdirda, agarda taraflar e'tiroz bildirmasalar va ular ushbu masalada kelishuvga erishgan taqdirda, ekspert xulosasidan isbot qilish jarayonida dalil sifatida foydalanish mumkin bo'ladi.

4. Milliy qonunchiligimizda bo'lgani kabi anglo-sakson mamlakatlarida ham ekspert xulosasi oldindan belgilangan daliliy kuchga ega emas. Masalan, Angliya va Uelsda sudyalar odatda xalq vakillaridan iborat hay'at (jury)ga o'zlarining so'ngi so'zlarida, hatto taraflar

o'rtasida munozaraga sabab bo'lmagan ekspert xulosasini ham rad etishlari mumkinligini ta'kidlab o'tadilar.

5. Anglo-sakson huquq oilasiga mansub davlatlarda ekspert xulosasining va umuman olganda boshqa dalillarning maqbulligi to'g'risidagi masala har doim ham dolzarb hisoblanmaydi. Agar ekspert xulosasiga nisbatan taraflarda biror bir e'tiroz mavjud bo'lmasa, uning maqbulligi masalasi alohida ko'rib chiqilmaydi.

6. AQSh va Buyuk Britaniyada ekspert xulosasini maqbulligi nuqtai nazaridan baholashda uning ishga aloqadorligi ham baholanadi. Ishga aloqador emas deb topilgan ekspert xulosasi, o'z navbatida, dalil sifatida nomaqbul deb topiladi.

7. AQSh va Buyuk Britaniyada ekspert xulosasini baholashda sudga keng vakolatlar berilgan bo'lib, sud muayyan ekspert xulosasini xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) ishtirokida, boshqalarini esa uning ishtirokisiz ko'rib chiqish vakolatiga ega. Bizningcha, mazkur amaliyot salbiy oqibatlarini ham keltirib chiqarib, xalq vakillaridan iborat hay'at (jury) a'zolarining qaror qabul qilishlarida ishdagi holatlarni har tomonlama hal qilish prinsipiga zid hisoblanadi.

8. Jinoiy ta'qib organlarining isbot qilish jarayonidagi imkoniyatlarini kengaytirish jinoyat ishini yuritishda noqonuniy yo'llar bilan olingan dalillar yoki uning natijalari asosida bo'lishi maqsadga muvofiq emas. Shu sababli, mazkur qoidani milliy qonunchiligimizda ham aks ettirish maqsadga muvofiq bo'ladi. Zero, bu orqali nafaqat noqonuniy yo'llar bilan olingan dalillar, balki shu kabi dalillarni o'rganish natijasida olingan ekspert xulosalari ham nomaqbul deb topilishi hamda bu orqali jinoiy ta'qibni amalga oshiruvchi organlarning nomaqbul dalillardan foydalanishga yoki shunday yo'llar bilan dalillarni to'plashga qaratilgan "tashabbuslarini" yanada qat'iyroq mezonlar asosida cheklash mumkin bo'ladi.

Shunga ko'ra, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 187-moddasini quyidagi tahrirdagi to'rtinchi qism bilan to'ldirish taklif etiladi:

"Ekspert xulosasidagi sud tomonidan nomaqbul deb topilgan dalillarga asoslangan xulosalar nomaqbul hisoblanadi. Bunday xulosalardan dalil sifatida foydalanish taqiqlanadi."

Iqtiboslar/Сноски/References

1. Criminal Justice Act 1988. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1988/33/section/30>
2. The Code of Alabama. Section 12-21-300 Offering of certificate of analysis in lieu of testimony. Alabama Legislature. <https://alison.legislature.state.al.us/code-of-alabama>
3. Pennsylvania Code. 234 Pa. Code Rule 574. Forensic Laboratory Report; Certification in Lieu of Expert Testimony. <https://www.pacodeandbulletin.gov/Display/pacode?file=/secure/pacode/data/234/chapter5/s574.html&d=reduce>
4. The Code of Virginia. § 19.2-187. Admission into evidence of certain certificates of analysis. Virginia Law Library. <https://law.lis.virginia.gov/vacode/title19.2/chapter12/section19.2-187/>
5. 2022 Alaska Statutes. Title 12. Code of Criminal Procedure. Chapter 45. Trial, Evidence, Compromise. Article 2. Discovery, Testimony, and Evidence. Justia Legal Resources. <https://law.justia.com/codes/alaska/2022/title-12/chapter-45/article-2/section-12-45-084/#:~:text=The%20author%20shall%20state%20that,the%20custody%20of%20the%20laboratory.>
6. United States v. Oates. United States Court of Appeals for the Second Circuit. 560 F.2d 45 (1977). <https://www.quimbee.com/cases/united-states-v-oates>
7. Constitution of the United States: Analysis and Interpretation. Sixth Amendment—Rights in Criminal Prosecution. <https://constitution.congress.gov/browse/amendment-6/>
8. Melendez-Diaz v. Massachusetts, 557 U.S. 305 (2009). <https://www.quimbee.com/cases/melendez-diaz-v-massachusetts>
9. Guidance on expert evidence / Crown Prosecution Service. 2014. P. 6-7.
10. British Medical Association expert witness guidance. 2007. URL: <http://bma.org.uk>
11. Criminal Procedure (Scotland) Act 1995, PART XII. Routine evidence. Section 280 <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1995/46/section/280>
12. Mueller C.B., Kirkpatrick L.C. Evidence. – 5th ed. – New York: Wolters Kluwer, 2012. P.

677.

13. Weissenberger, Glen. Federal Rules of Evidence: Rules, Legislative History, Commentary, and Authority. Newark, NJ: LexisNexis, 2007. APA. 78 p.

14. Murphy P. Murphy on evidence (7th ed.) – Oxford: Oxford University Press, 2009. 670 p.

15. Kampen P.T.C. Expert evidence compared // Complex cases: perspectives on the Netherlands criminal justice system / Ed. by M. Malsch, J.F. Nijboer. Amsterdam: Thela Thesis, 1999. P. 99-121.

16. Federal Rules of Evidence Rule. Rule 401. Test for Relevant Evidence. Legal Information Institute. https://www.law.cornell.edu/rules/fre/rule_401

17. Puch-Solis, R., Robertson, P., Pope, S., & Aitken, C. (2012). Assessing the probative value of DNA evidence: Guidance for judges, lawyers, forensic scientists and expert witnesses. (Communicating and Interpreting Statistical Evidence in the Administration of Criminal Justice). Royal Statistical Society. <https://rss.org.uk/news-publication/publications/our-research/>

18. Expert evidence in criminal proceedings in England and Wales. (2011). United Kingdom: Stationery Office. 222 p.

19. Arenson, Kenneth J. (2011) Rejection of the fruit of the poisonous tree doctrine in Australia: a retreat from progressivism. University of Notre Dame Australia Law Review. 13 (December 2011): 17–68.

20. «Evidence that has been collected unlawfully» https://www.citizensinformation.ie/en/justice/evidence/unlawfully_obtained_evidence.html

21. Fridman, D. S., and Janoe, J. S. (1997). The state of judicial gatekeeping in New Jersey, The Judicial Gatekeeping Project, Teaneck, N.J. <https://cyber.harvard.edu/daubert/nj.htm>

22. Groscup J.L., Penrod S.D. Battle of the standards for experts in criminal cases: police vs. psychologists // Seton Hall Law Review. 2003. Vol. 33. Is. 4. P. 1141-1165.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

БУРАНОВА Разия

Докторант (PhD) Академии МВД Республики Узбекистан,

E-mail: raziyaburanova@gmail.com

ORCID: 0009-0000-2339-1372

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ЗАРУБЕЖНЫМИ СТРАНАМИ В ПРОГНОЗИРОВАНИИ ПРЕСТУПНОСТИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): БУРАНОВА Р. Использование геоинформационных технологий зарубежными странами в прогнозировании преступности // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2024) С. 63-69.

 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-2-8>

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается понятие и сущность геоинформационных технологий, роль и значение использования их в криминологическом прогнозировании преступности, кроме того существующие достоинства, пробелы и недостатки в применении зарубежного опыта стран в практике прогнозирования преступности нашей страны, значимость использования указанных методов, необходимость изучения факторов, влияющих на использование данного метода в нашей республике, этапы и требования к использованию данных методов, значение криминологического прогнозирования в планировании деятельности, направленной на предупреждение преступности, дальнейшее совершенствование системы криминологического прогнозирования преступности, которое состоит в разработке предложений и рекомендаций, направленных на предупреждение преступности. Также в статье приведен и широко изучен опыт зарубежных стран таких, как США, Россия, Китай, Европейский Союз, Казахстан.

Ключевые слова: преступность, геоинформационные технологии, прогнозирование преступности, навигационные спутниковые системы, программные обеспечения, скрининг системы.

БУРАНОВА Разия Ермахамед қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси таянч докторанти (PhD)

E-mail: raziyaburanova@gmail.com

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШДА ЧЕТ ДАВЛАТЛАР ТОМОНИДАН ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада геоахборот технологияларининг тушунчаси ва моҳияти, жиноятчиликни криминологик прогнозлаштиришдаги улардан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти,

шунингдек, мамлакатимизда жиноятларни прогноз қилиш амалиётида хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланишнинг мавжуд афзалликлари ва камчиликлари, ушбу усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти, республикаимизда ушбу усулни қўллашга таъсир этувчи омилларни ўрганиш зарурати, ушбу усулларни қўллаш босқичлари ва уларга қўйиладиган талаблар, жиноятларни олдини олишга қаратилган қаратилган тадбирларни режалаштиришда криминологик прогнозлашнинг аҳамияти, такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлган жиноятларни прогнозлаш тизими кўриб чиқилган, ҳамда АҚШ, Россия, Хитой, Европа Иттифоқи, Қозоғистон каби хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб тақдим этилган.

Казлит сўзлар: жиноятчилик, геоахборот технологиялари, жиноятларни прогнозлаштириш, навигация сунъий йўлдош тизимлари, дастурий таъминотлар, скрининг тизимлари

BURANOVA Raziya

Doctoral student (PhD) of the Academy of the MIA
of the Republic of Uzbekistan,

E-mail: raziyaburanova@gmail.com

USE OF GEOINFORMATION TECHNOLOGIES BY FOREIGN COUNTRIES IN CRIME FORECASTING

ANNOTATION

The article discusses the concept and essence of geographic information technologies, the role and significance of their use in criminological crime forecasting, in addition, the existing advantages, gaps and disadvantages in the use of foreign experience of countries in the practice of crime forecasting in our country, the significance of using these methods, the need to study factors influencing the use of this method in our republic, the stages and requirements for the use of these methods, the importance of criminological forecasting in planning activities aimed at crime prevention, further improvement of the system of criminological crime forecasting, which consists of developing proposals and recommendations aimed at crime prevention. The article also presents and widely studies the experience of foreign countries such as the USA, Russia, China, the European Union, and Kazakhstan.

Keywords: crime, geographic information technologies, crime forecasting, navigation satellite systems, software, screening systems.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 2,9 фоизини оғир даражадаги ва 12,4 фоизини эса ўртача даражадаги ногиронлиги бўлган шахслар ташкил қилади [4]. БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий комиссарлиги томонидан маълумотлар келтирилишича, 2 миллионга яқин мигрантлар оғир ногиронликка ва яна 8 миллиондан ортиғи эса ўртача узоқ муддатли ногиронликка эгадир [5].

Дарҳақиқат, қочоқлар, бошпана изловчилар ва мигрантлар ўртасида ногиронлик ҳолатлари бўйича ишончли статистик маълумотлар ҳали ҳам мавжуд эмас, мавжуд рақамлар ҳам жисмоний ва руҳий ногиронларнинг барча тоифасини қамраб олмайди. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, бундай ногиронлиги бўлган мигрантлар сонини кам баҳолаш тенденцияси кузатилмоқда. Ҳақиқатан ҳам ҳалокатли ҳодисалар туфайли бир жойдан иккинчи жойга кўчган шахслар сони одатдагидан кўпроқ ногиронларни ўз ичига олади.

Статистика ва муаммолар. Бугунги кунга қадар ушбу иккала омилнинг ўзаро таъсири ҳақида деярли фундаментал тадқиқотлар олиб борилмаган. Миграция шароитида энг заиф ҳамда номутаносиб жабр кўрадиган гуруҳга тегишли ҳисобланадиган ногиронлиги бўлган шахсларнинг орасида хотин-қизлар ва кекса ёшдагилар қолган мигрантларга нисбатан нафақат икки карра, балки уч карра кўпроқ азият чекишлари хавфи мавжуд. Бинобарин, реал ҳолатни тўғри баҳолаш учун бир томондан ногиронлиги бўлган мигрантларнинг аниқ статистик ҳисоботлари юритилмаслиги ва иккинчи томондан ногиронликни белгилаш мезонларининг ўзи турли давлатларда турлича эканлиги юзага келадиган вазиятни янада оғирлаштиришга сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, мигрантлар орасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг расмий халқаро статистикаси мавжуд бўлмаса-да, уларнинг таҳлили турли изланишларда турлича баҳолаб келинади. Масалан, Миграция бўйича халқаро ташкилот ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2020 йилдаги қўшма таҳлиliga кўра, дунё аҳолисининг тахминан 15 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат бўлиб, уларнинг қарийб 2-4 фоизи меҳнат қилишда жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда, шунингдек 82,4 миллион мажбурий кўчирилган шахслар орасида тахминан 12 миллиондан ортиғини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил қилган [6].

Маълумотларнинг ноаниқлиги, уларни йиғиш усулларининг ягона ёндашувга асосланмаганлиги ёки ўз вақтида олинмаганлиги инсонларнинг кўчиб юришлари ва ногиронлик ўртасидаги ўзаро нисбати ҳақидаги аниқ манзарани тасаввур қилишга тўсқинлик қилади, шунингдек бу борада давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш имконидан маҳрум этади.

Миграция соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларда айрим маълумотларнинг, хусусан, ногиронлиги бўлган мигрантлар сони, уларга хос бўлган демографик маълумотларнинг етишмаслиги тадқиқот жараёнларини мураккаблаштиради. Айниқса, мажбурий миграция шароитида ногиронлик ҳолати асосан, ҳарбий можаролар ёки бахтсиз ҳодисалар туфайли, шунингдек, мунтазам дори-дармонларнинг етишмаслиги, ақлий ва руҳий эзилишлари натижасида ҳам юзага келиши мумкин [7].

Гарчи ногиронлиги бўлган мигрантлар миқдори бўйича расмий ва глобал миқёсдаги рақамлар мавжуд бўлмаса-да, айрим мамлакатларда уларни тахминий сонини аниқлаш ва истиқболдаги ҳолатини башорат қилиш юзасидан муайян тадқиқотлар ўтказилган. Жумладан:

Жанубий Суданда Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг “Кўчишларнинг кузатув матрицаси” ва Handicap International халқаро нодавлат-нотижорат ташкилотининг “Инсонийлик ва инклюзивлик” номли лойиҳалар доирасида ижтимоий сўровлар орқали аниқланишича, мигрантларнинг 14,4 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил қилган [8].

Мексикада Миллий аҳолишунослик кенгаши (Consejo Nacional de Población) ва Миграция сиёсати бўлими (Unidad de Política Migratoria) қўшма ҳисоботида кўра, АҚШдан

қайтиб келган мексикалик мигрантларнинг 22 фоизи ногиронликка эга бўлганлар [9].

БМТнинг Қочоқлар бўйича агентлиги ва HelpAge International халқаро нодавлат-нотижорат ташкилотининг **Сальвадор, Гондурас, Колумбия, Эквадор ва Перу** каби давлатларда ўтказилган қўшма тадқиқот натижаларига кўра, миграциядаги 48 фоиз ногиронлиги бўлган кекса ёшдаги шахсларга нисбатан истиқомат қилаётган мамлакатларда шафқатсиз муомалада бўлган ҳолатлар мавжудлиги билдирилган. Айниқса, Гондурас ва Сальвадорда ушбу рақамлар 63 фоизни ташкил қилиши янада ачинарли ҳолатдир [6].

Суриядаги можародан қочган ногиронлиги бўлган шахслар сони бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртача кўрсаткичидан деярли икки баравар кўплигини маълум қилди. Сўровда қатнашган сурияликларнинг 30 фоизи алоҳида эҳтиёжга эга эканлиги, кексалар тоифасига кирувчиларда эса, ногиронлик даражаси 77 фоизга ошганлиги аниқланган.

Шу тариқа, дунёдаги жами ногиронлиги бўлган шахсларнинг 80 фоизи паст ва ўрта даромадли мамлакатларда истиқомат қилишади. Масалан, ёши катта аҳолисининг Афғонистонда 54,3 фоизи ва Сурияда 27 фоизи ногиронликка эга [10].

Мавжуд статистик маълумотлар ҳам эҳтимолий бўлиб, аниқ воқеликни акс эттирмайди. Зеро, ҳар доим ортиб боровчи статистика ҳақида маълумот тўплаш қийин. Шу мақсадда ногиронлик статистикаси бўйича Вашингтон гуруҳининг ташаббуси билан 2001 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотида халқаро семинар ташкил этилган [11]. Ушбу семинарни ўтказишдан асосий мақсад ногиронлик статистикаси тўғрисидаги миллий ва халқаро маълумотларни таққослашни соддалаштириш ва услубий ишланмаларни яратишга келишиб олиш бўлган. Вашингтон гуруҳи томонидан олиб борилган ишлар ногиронлиги бўлган мигрантлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш услубиётини ишлаб чиқишда алоҳида ўрин эгаллади.

Ногиронликни белгилаш ва терминологик муаммолар

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ногиронликнинг таърифида акс эттирилган парадигма ўзгариши имкониятлар ёндашувининг моҳиятини қамраб олади. Конвенция шахснинг ногиронлигига эътибор қаратишдан кўра кўпроқ ҳақиқий ногиронликда жисмоний ва номоддий тўсиқлар уларнинг имкониятини чекланишига олиб келишини эътироф этади. Демак, биз нафақат миграциядаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳисобини билиш ёки аниқлашимиз лозим, балки кўпроқ ногиронлиги бўлган мигрантларнинг жамиятда тўлиқ ва самарали фаолиятига тўсқинлик қиладиган муаммолар ва қийинчиликларни ҳам тадқиқ этишимиз зарур.

Бинобарин, ногиронликни белгилаш масаласи азалдан тиббий моделларга қараб ўзгариб келган. Тиббий моделга мувофиқ, ногиронлик организм функцияларининг бузилиши ёки етишмаслиги сифатида баҳоланади. Инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашув Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг негизи ҳисобланади ва унга кўра, ногиронлик – бу тадрижий ривожланиб боровчи тушунча, ногиронлик бузилган саломатлик ҳамда муносабат ва муҳит тўсиқлари ўзаро муносабатлари натижаси [12]. Ногиронлиги бўлган шахсларга турли тўсиқлар билан ўзаро муносабатда уларнинг бошқалар билан тенг ҳолда жамият ҳаётида тўла ва самарали иштирок этишига халақит берадиган барқарор жисмоний, психик, интеллектуал ёки сезги бузилишлари бўлган шахслар тааллуқлидир [12].

Ногиронлик атамасига берилган мазкур таъриф Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ногиронлик ва саломатлик бўйича халқаро таснифида мустаҳкамланган асосий ғояларга тўлиқ мос келади. Халқаро таснифнинг концептуал модели ногиронлик статистикаси бўйича Вашингтон гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, олти масалани қамраб олган ва улардан бири айнан бир жойдан иккинчи жойга кўчишни мақсад қилган ногиронлиги бўлган мигрантлар муаммосига бағишланган. Ушбу Халқаро таснифдаги ғоялар ногиронлик, айниқса, ҳаракатланишдаги ногиронлиги бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш учун халқаро стандарт вазифасини ўтайди.

Бутун дунё бўйлаб Covid-19 пандемиясининг тарқалиши ногиронлиги бўлган мигрантларга ижтимоий, иқтисодий, экологик ва сиёсий тўсиқлар билан бир қаторда қўшимча муаммоларни ҳам келтириб чиқарди.

Ногиронлиги бўлган мигрантлар имкониятларининг чекланганлиги уларнинг янги кундалик ҳаётга мослашишларида ҳам бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради. Бунинг устига, тартибсиз миграция уларда заифликнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин.

Миграция натижасида янги ижтимоий муҳитга мослашиш қийин кечиши, айниқса, ногиронлиги бўлган мигрантларда қарамлик ва ишончсизлик ҳисларининг тобора ортишига сабаб бўлиши мумкин. Бинобарин, ҳозирги адабиётларда *“ногиронлиги бўлган шахслар ҳар қандай қўчирилган ёки можарога дучор бўлган жамиятдаги энг заиф ва ижтимоий жиҳатдан четлатилган гуруҳлардан бири ҳисобланади”*, деб таъкидланган [13].

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддаси 2-қисмида ногиронлиги бўлган шахсларга турли тўсиқлар билан ўзаро муносабатда уларнинг бошқалар билан тенг ҳолда жамият ҳаётида тўла ва самарали иштирок этишига халақит берадиган барқарор жисмоний, психик, интеллектуал ёки сенсор бузилишлари бўлган шахслар тааллуқлидир [12], деб алоҳида таъкидланган.

Миллий қонунчилигимизда эса, ногиронлиги бўлган шахсларга янада тўлиқроқ таъриф берилганлиги муайян маънода ушбу ҳуқуқий нисбат масаласига аниқлик киритган, десак муболаға бўлмайди. Унга кўра, *“ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс [14]”*. Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлат ва жамият томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳимояси бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш объектив зарурат ҳисобланади.

Шу билан бирга, атамаларнинг мазмун-моҳиятини шарҳлаш ва изоҳлаш ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, миллий қонунчилигимизда ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий ҳимоя ва ёрдамга муҳтож кишилар сифатида кўрсатилган.

Бундан ташқари, мазкур қонун билан “ногиронлиги бўлган болалар (бола)” атамасига ҳам таъриф бериб ўтилган. Унга кўра, “ногиронлиги бўлган болалар (бола) — барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётининг фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар” [15].

Демак, ногиронлик тушунчаси нафақат “заифлик” ёки “камчилик”, балки шахс фаолият кўрсатиши мумкин бўлган тиббий муаммодир. Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ишлатиладиган Буюк Британияда “impairment” ва Францияда “déficiência” сўзлари соғлиқ, бахтсиз ҳодиса ёки функцияга таъсир қилувчи генетик мойилликнинг жисмоний ёки психологик натижаларига ишора қилиш учун ишлатадиган сўздир [16]. Масалан, заифлашишга жисмоний ҳолатлар, шунингдек, орттирилган жароҳатлар, руҳий саломатлик муаммолари ёки интеллектуал нуқсонлар кириши мумкин.

Халқаро-ҳуқуқий асоларга доир айрим масалалар. Одатда давлатлар миграцияга фақат суверенитет, чегара хавфсизлиги ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари нуқтаи назаридан қарайдилар. Давлатлар ўз чегараларини ҳимоя қилиш ва иммиграция назоратини амалга оширишда миллий манфаатларини устун қўйишлари табиийдир, албатта. Бироқ, бу давлатнинг халқаро даражада кафолатланган инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ушбу ҳуқуқларни суистеъмол қилишдан ҳимоя қилиш ҳамда уларга муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича мажбуриятларини бекор қила олмайди.

Шу ўринда, яна бир масалага эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, бу ногиронлиги бўлган шахслар

ҳуқуқларини амалга оширувчи халқаро стандартдир. Мазкур конвенция дунё миқёсида ратификация қилинган кенг қамровли ҳуқуқий ҳужжатларидан бири бўлиб, ҳозирда мазкур конвенцияга 165 та давлат аъзо ҳисобланади.

Мазкур конвенциянинг 18-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўчиб юриш ва фуқаролик эркинлиги мустақамланган [12] бўлиб, унга кўра, иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда кўчиб юриш эркинлиги, яшаш жойини танлаш эркинлиги ва фуқаролик ҳуқуқини шу жумладан қуйидагилар орқали эътироф этади:

а) фуқароликни олиш ва ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлиш ва фуқароликдан асоссиз ёки ногиронлик сабаби билан маҳрум этилмаслик;

б) фуқаролигини тасдиқлайдиган ёки шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни олиш имкониятидан ногиронлиги сабабли маҳрум бўлмаслик, бундай ҳужжатларга эга бўлиш ва улардан фойдаланиш ёки тегишли тартибдан, масалан кўчиб юриш эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишни енгиллаштириш учун зарур бўлган иммиграция тартибидан фойдаланиш;

с) ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўз мамлакатини эркин тарк этиш ҳуқуқига эга бўлиш;

д) асоссиз равишда ёки ногиронлик сабабли ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаслик.

Шунингдек ногирон болалар туғилган заҳотиёқ рўйхатга олинади ва туғилган заҳотиёқ исмга эга бўлиш ва фуқароликни олиш, шунингдек иложи борича юқори даражада ўз ота-онасини билиш ҳуқуқи ва улардан ғамхўрлик кўриш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундан ташқари, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқлиги ва камситилмаслиги мустақамлаб ўтилган [12]. Хусусан, касалликни аниқлаш, ногиронликни олдини олиш, тиббий ёрдам, шунингдек, ёрдамчи воситалар билан таъминланиш каби масалалар юқоридаги конвенцияда ўз аксини топган. Унда ногиронлиги бўлган мигрантларни қўллаб-қувватлашга оид масалалар ҳам мавжуд бўлиб, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида ҳам ўз аксини топган [12].

Буларга ногиронлиги бўлган болаларни таълим-тарбия олиши ҳуқуқларини таъминлаш ва тегишли тиббий ёрдам олиш ҳамда зўравонликдан ҳимояланиш каби мақсадлар киради.

Маълумки, миграция, айниқса, ноқонуний миграция ногиронлиги бўлган болаларни сифатли таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйиши мумкин. Тартибсиз миграция эса, зўравонлик хавфини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бундай зўравонликдан энг кўп зарар кўрадиган қатлам аёллар ва болалар ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганидек, ногиронлиги бўлган мигрантлар ҳуқуқий мақоми ва юридик табиатини аниқлаш учун аниқ ҳамда ишончли маълумотларни жамлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда ногиронлиги бўлган мигрантларнинг сони, уларнинг ёши, жинси, ногиронлик даражаси, жойлашуви ёки яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотлар етишмайди.

Европа Иттифоқининг асосий ҳуқуқ агентлиги томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Конвенцияга аъзо давлатларда ногиронлиги бўлган мигрантларни аниқлаш тартиблари ва механизми ишламаслиги аниқланган [18].

Handicap International томонидан ўтказилган тадқиқотда аниқланишича, Иордания ва Ливанда яшовчи ногирон, кекса ва жароҳатланган суриялик қочоқларнинг сони ва эҳтиёжлари шуни кўрсатадики, қочоқларнинг 30 фоизи жисмоний, ҳиссий ёки интеллектуал бузилишлардан, 20 фоизи диабет юрак ёки ўпка касалликлари каби сурункали касалликлардан, 14 фоизи жароҳатлардан азият чекканлиги қайд этилган [19].

Яна бошқа бир тадқиқотда Иордания, Непал, Эквадор, Таиланд ва Ямандаги ногиронлиги бўлган мигрантлар ҳолатлари ўрганилган бўлиб, унга кўра, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш етарли даражада ташкил этилмаган [20].

Handicap International маълумотларига кўра, ногиронлиги бўлган мигрантлар бошқа мигрантлар каби ўзига хос эҳтиёжларга эгадир. Шунингдек, ногиронлиги бўлган мигрантларнинг соғлиқ ва яшаш шароитлари билан боғлиқ бўлган муаммолари бошқа мигрантларга қараганда жиддийроқ оқибатларга олиб келади [6].

Жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар ва болаларнинг соғлиқни сақлаш ва доридармонлардан фойдаланиш имкониятлари йўқлиги сабабли касаллик ва очлик хавфи тобора ортиб бормоқда. Ёрдамчи қурилмалардан фойдаланиш имконияти жуда чекланган бўлиб, ҳаракатчанликни пасайтиради, эшитиш ёки кўришни камайтиради. Оила аъзоларида ногиронлиги бўлган шахсларни қабул қилувчи мамлакатларда қариндошларини қўллаб-қувватлашда кўпроқ қийинчиликларга дуч келишади. Бу уларнинг қандай саёҳат қилишига, ишга жойлашиш имкониятларидан фойдаланишига, керак бўлганда соғлиқни сақлаш хизматидан фойдаланишига путур етказиши мумкин.

Яқинда Handicap International Иордания ва Ливанда суриялик мигрантлар орасида ногиронлик бўйича маълумотларни тўплаш учун кенг кўламли ижтимоий сўров ўтказиб, тадқиқот натижалари БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий комиссарлиги ва унинг ҳамкорлари томонидан қайд этилган маълумотларда муайян бўшлиқлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Улар можаро ва ногиронлик (жароҳат ёки шикастланиш орқали) ўртасидаги аниқ боғлиқликни аниқлаб, Суриядаги соғлиқни сақлаш инфратузилмаси бузилгани сабабли юқумли касалликлар кўпайиб бораётгани ва давосиз қолаётганини исботлашди [21].

Худди шукаби тадқиқотлар орасида, Вашингтон гуруҳи томонидан ногиронлик бўйича қисқа ва кенгайтирилган саволлар тўпламини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовордир. Вашингтон гуруҳининг ёндашуви ногиронликка эътибор беришдан кўра, шахснинг функционал имкониятларига тегишли аниқ саволларни беришни ўз ичига олади. Мисол учун, агар саволлар заиф тилда ишлатилса, масалан, “сиз кўрмисиз?” деб сўралса, бундай ҳолда **салбий** жавоб мунозарани тугатиши мумкин [22]. Бунда кўзи ожизликдан ташқари ҳар қандай кўриш қобилиятидаги нуқсонлар аниқланмасдан қолади. Бироқ, “**кўришга қийналяпсизми?**” каби саволлар суҳбатдошга ўз қийинчиликларининг моҳиятини тушунтириш ва уларнинг ишлаш қобилиятига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай камчиликларни аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, Вашингтон гуруҳи воситалари функционалликни турар жой ва ёрдам билан боғлайди ҳамда атроф-муҳит омиллари бузилишнинг оғирлигига таъсир қилиши мумкинлигини эътироф этади. Бу ёндашувни қўллаш, шубҳасиз, энг инклюзив идентификация жараёнига ва ногиронлик бўйича энг фойдали маълумотларга эга бўлишга кўмаклашади.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ногиронлиги бўлган мигрантлар ҳақида кўпроқ маълумот берилмаган бўлса-да, Конвенциянинг таҳдидли ва фавқулодда гуманитар вазиятларга оид 11-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг миграцияси билан боғлиқ ҳуқуқларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, унга кўра, иштирок этувчи давлатлар ўзларининг халқаро ҳуқуқ, шу жумладан халқаро гуманитар ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқи бўйича мажбуриятларига мувофиқ ногиронларни таҳдидли вазиятларда, шу жумладан қуролли можаролар, фавқулодда гуманитар вазиятлар ва табиий офатлар пайтида ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради [12].

Шунингдек, мамлакатлардаги ижтимоий ва иқтисодий шароитлар мигрантлар учун ушбу ёрдамни кенгайтиришга тўсқинлик қилади. Бироқ, бизнинг фикримизча, бу фикр инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш учун етарли бўлмаган асос ҳисобланиб, у инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномаларда белгиланган нормаларга ҳам номувофиқдир. Халқаро ҳуқуқнинг ушбу мураккаб ва ихтисослашган йўналишлари қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Зеро, булар ногиронлиги бўлган мигрантларга алоҳида таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаймиз.

Ногиронлиги бўлган мигрантлар ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлигини ўз вақтида аниқлаш мазкур шахсларнинг қабул қилувчи мамлакатлардаги ногиронлиги бўлган шахслар билан фаолият олиб боровчи ташкилотларининг иш самарадорлигига

имкон беради. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумотларини тўплаш, улар ҳақидаги статистика базаси сифатини яхшилаши мумкин. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг глобал ривожланиш йўналишларида ушбу маълумотлар статистикасини юритишга алоҳида эътибор қаратган.

Шу билан бирга, Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция ҳам меҳнаткаш мигрантларининг соғлиғига бўлган тенг ҳуқуқларини эътироф этади ва давлатларни касалликларнинг олдини олиш учун зарур тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминлашга чақиради [23].

Зеро, ногиронлиги бўлган шахслар табиий равишда инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқ, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва миграция ҳуқуқининг мавзуларидан биридир. Шунга қарамай, на ушбу ҳуқуқий соҳалар, на инсон ҳуқуқлари бўйича сўнгги халқаро ҳужжатларнинг аксарияти бу тоифадаги шахсларни ҳуқуқ эгаси сифатида ҳануз тўлиқ эътироф этгани йўқ. Шу билан бирга, Малайзия, Индонезия, Туркия, Иордания, Покистон ёки Уганда каби мамлакатлар БМТнинг Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенцияси ва унга қўшимча Протоколнинг иштирокчиси бўлмаса-да, уларнинг барчаси Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган. Халқаро гуманитар ҳуқуқ ва мигрантлар ҳуқуқида ногиронлиги бўлган шахсларга **“хайрия объекти”** ёки **“тиббий ёрдам субъекти”** сифатида қаралади [24].

БМТ бош котибининг Мажбурий кўчирилганлар ҳуқуқлари бўйича вакили Вальтер Калиннинг қайд этишича, офатлар (хоҳ табиий, хоҳ техноген) инсон ҳуқуқлари масаласи **уч даражада** кўриб чиқилади. Биринчиси **фактик**, яъни фалокатлар инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга таъсир қилади. Иккинчиси **қонуний**дир, бунда давлатлар (ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмалари) табиий офат туфайли келиб чиққан мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Учинчиси, халқаро ҳуқуқий **мажбурият**ларни бажариш учун зарур бўлган чораларни кўришни тақозо этади [25].

Демак, можаролар ва офатлар тана ва онгнинг шикастланиши билан бир қаторда қисқа ва узоқ муддатли ногиронликка олиб келади. Ногиронлиги бўлган шахслар миграция шароитида номутаносиб зарар кўрадилар, бу уларнинг бир қатор инсон ҳуқуқларидан фойдаланишига тўсқинлик қилади.

Бизнинг фикримизча, халқаро ҳуқуқнинг барча механизмлари ҳозирда фаолият юритиши керак бўлган парадигмани ўзгартиришни талаб қилади. Бинобарин, юқорида таъкидлаганимиздек, инсон ҳуқуқлари бўйича янги ҳужжатларнинг тобора кучайиб бораётган хусусияти шундан иборатки, ногиронлиги бўлган шахслар **“хайрия истеъмолчилари”** эмас, балки **ҳуқуқ эгаси** сифатида эътироф этишга асосланади.

Бинобарин, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция тезда инсон ҳуқуқлари бўйича энг кўп имзоланган шартномалардан бирига айланиб, Бола ҳуқуқлари конвенцияси билан рақобатлашадиган даражагача етиб келди. Чунки ушбу ҳужжат ногиронлиги бўлган мигрантларга нисбатан қўлланиладиган ёндашувларни ҳам ўзгартиришга ҳаракат қилаётгандек туюлмоқда. Зеро, ногиронлиги бўлган шахслар учун бир жойдан бошқа жойга кўчиш асосий ҳуқуқлардан фойдаланишга бевосита таъсир кўрсатадиган кўплаб муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Хулоса ўрнида ногиронлиги бўлган мигрантларни аниқлаш ва рўйхатга олиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида қуйидаги тавсияларни инобатга олиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Хусусан:

биринчидан, мигрантлар ичида ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги юзасидан статистикани доимий равишда қайд этиб бориш учун уларни ишончли маълумотлар асосида юритилишини ташкиллаштириш;

иккинчидан, ногиронлиги бўлган мигрантларни самарали аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва улар билан муносабатга киришиш бўйича ижтимоий хизмат ходимлари учун ўқув курсларини ташкил этиш;

учинчидан, ногиронлиги бўлган болаларга миграция таъсирида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий хавф-хатарлар ва ушбу хавфларни камайтириш стратегиясини

ишлабчиқиш, шунингдек ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришни рағбатлантириш; *тўртинчидан*, ногиронликнинг турли шакллари ўз вақтида аниқлаш имконини берадиган саволномалардан иборат бўлган сўровномалар ва чек-листларни ишлаб чиқиш;

бешинчидан, ногиронликни аниқлаш, рўйхатга олиш ва бошпана бериш тартибларини тезлаштириш, ногиронлиги бўлган мигрантларни тегишли ихтисослаштирилган хизмат кўрсатувчи марказлар билан ўзаро боғлаш бўйича қабул пунктларини таъсис этиш;

олтинчидан, ногиронлиги бўлган мигрантлар қаерда бўлишидан қатъи назар, оила аъзолари билан бирга қолишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш (оила аъзоларидан ажратиш ногиронлиги бўлган оила аъзолари учун кўпроқ стресс ва ишончсизликни келтириб чиқаради);

еттинчидан, ногиронлиги бўлган мигрантлар учун имтиёзлар, бошпана сўраш тартиби ва бошқа зарурий маълумотлар уларнинг келиб чиқиши ва ногиронлиги туридан қатъи назар, эшитиш қобилияти чекланган ёки эшитишда нуқсонли бўлганлар учун сурдо-таржимони, ақлий нуқсонлари бўлганлар учун осон ўқиладиган ахборот материаллари, бошпана сўрови учун интервью учун қулай жойлар каби материаллар билан таъминлаш;

саккизинчидан, ногиронлиги бўлган мигрантга бошпана берилганда ёки унинг бошқа давлатга кўчириш ҳақидаги илтимоси маъқулланганда, бу унинг барча оила аъзоларига ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг баъзиларига ҳам тегишли бўлишини кафолатлаш;

тўққизинчидан, ногиронлиги бўлган мигрантларнинг муайян ҳуқуқлар ёки имтиёзлардан фойдаланишлари ҳақидаги мурожаатлари тегишли органлар томонидан рад этилган тақдирда ёки ногиронлик сертификати берилмаганида муайян чораларни кўришда, масалан, апелляция шикоятни киритишда зарурий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

ўнинчидан, ногиронликнинг айрим турлари билан боғлиқ бўлган ўзига хос эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, давлат органлари ННТлар билан ҳамкорликда кўзи ожиз мигрантлар учун ориентация, ҳаракатчанлик ва кундалик ҳаёт кўникмаларини эгаллашга қаратилган таълим дастурларини амалга ошириш.

Иқтибослар / Сноски / References

1. Kim, J.-M.; Son, K.; Yum, S.-G.; Ahn, S. Analyzing the Risk of Safety Accidents: The Relative Risks of Migrant Workers in Construction Industry. *Sustainability* 2020, 12, 5430. <https://doi.org/10.3390/su12135430>
2. Alarcon FJ. The Migrant Crisis and Access to Health Care. *Dela J Public Health*. 2022 Oct 28;8(4):20-25. doi: 10.32481/djph.2022.10.006. PMID: 36340943; PMCID: PMC9621574.
3. Khorram-Manesh A. The Impacts of Armed Conflicts and Civilian Uprisings on Children's Health. *Children (Basel)*. 2022 Dec 7;9(12):1913. doi: 10.3390/children9121913. PMID: 36553356; PMCID: PMC9777390.
4. Press, W. H. O., and Switzerland Geneva. "The global burden of disease: 2004 update." World Health Organization (2008).
5. Working with persons with disabilities in forced displacement // URL: <https://www.unhcr.org/sites/default/files/legacy-pdf/4ec3c81c9.pdf> (Мурожаат вақти: 2024 йил 1 март).
6. Disability and human mobility // URL: <https://www.migrationdataportal.org/themes/disability-and-human-mobility#foot> (Мурожаат вақти: 2024 йил 1 март).
7. Dowling Sandra. Disability and unsafe migration: Data and policy, understanding the evidence // Global migration data analysis centre Data Briefing Series, Issue No. 7, December 2016. – P.1-8.
8. International Organization for Migration (IOM), Oct 31 2019. DTM South Sudan — Disability & Inclusion Survey Wau PoC AA (2019). IOM, South Sudan.
9. Elena Sánchez-Montijano, Roberto Zedillo Ortega. Migration in Mexico: complexities and challenges. UNDP LAC PDS N^o. 30, 2022; Alma Nava, Juan Bermúdez Lobera, Alejandra Reyes Miranda. Migration & health: Mexican immigrants in the U.S., National Population Council (conapo), 2023.
10. Disability, Displacement and Climate Change // URL: <https://www.unhcr.org/fr-fr/en/>

media/disability-displacement-and-climate-change#:~:text=Climate%20change%20may%20lead%20to,risks%20and%20barriers%20to%20inclusion (Мурожаат вақти: 2024 йил 7 март).

11.The Washington Group on Disability Statistics // URL:: <https://unstats.un.org/unsd/statcom/53rd-session/documents/BG-4b-WashingtonGroup-E.pdf> (Мурожаат вақти: 2024 йил 7 апрель).

12.Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 июндаги ЎРҚ-695-сонли Қонуни билан ратификация қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси учун 2021 йил 28 июлдан кучга кирган // URL: <https://lex.uz/docs/5501227> (Мурожаат вақти: 2024 йил 7 март).

13.Conclusion on refugees with disabilities and other persons with disabilities protected and assisted by UNHCR No. 110 (LXI) – 2010 // URL: <https://www.unhcr.org/publications/conclusion-refugees-disabilities-and-other-persons-disabilities-protected-and-assisted> (Мурожаат вақти: 2024 йил 4 январь).

14.Юсупов А.С. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг амалга оширилиши: муаммо ва ечимлар // Битирув иши. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023. – Б.76.

15.Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон.

16.Батафсил қаранг: Winance M., Ville I., & Ravaud J.-F. Disability Policies in France: Changes and Tensions between the Category-based, Universalist and Personalized Approaches. *Scandinavian Journal of Disability Research*, 2007, 9 (3-4). – P.160-181. DOI: <https://doi.org/10.1080/15017410701680795>.

17.Батафсил қаранг: THE 17 GOALS | Sustainable Development // URL: <https://sdgs.un.org/goals> (Мурожаат вақти: 2024 йил 24 апрель).

18.European Union Agency for Fundamental Rights, Thematic focus: Migrants with disabilities // URL: <https://fra.europa.eu/en/content/thematic-focus-migrants-disabilities> (Мурожаат вақти: 2024 йил 18 март).

19.Hidden victims of the Syrian crisis: disabled, injured and older refugees // URL: <https://www.helpage.org/silo/files/hidden-victims-of-the-syrian-crisis-disabled-injured-and-older-refugees.pdf> (Мурожаат вақти: 2024 йил 18 март).

20.Women’s Refugee Commission. Disabilities among refugees and conflict-affected populations. June 2008.

21.Ozaras, Resat & Leblebicioglu, Hakan & Sunbul, Mustafa & Tabak, Fehmi & Balkan, Ilker & Yemisen, Mucahit & Sencan, Irfan & Ozturk, Recep. (2016). The Syrian conflict and infectious diseases. *Expert Review of Anti-infective Therapy*. 14. 10.1080/14787210.2016.1177457.

22.Disability-Inclusive Communications Guidelines // URL: https://www.un.org/sites/un2.un.org/files/un_disability-inclusive_communication_guidelines.pdf (Мурожаат вақти: 2024 йил 24 март).

23.International Convention on the Protection of the Rights of All Migrant Workers and Members of Their Families // URL: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-convention-protection-rights-all-migrant-workers> (Мурожаат вақти: 2024 йил 24 март).

24.Neuhaus, Rhonda, Cindy Smith, and Molly Burgdorf. “Equality for people with disabilities, then and now.” *GPSolo* 31 (2014): 46.

25.Walter Kalin, “The Guiding Principles on Internal Displacement as International Minimum Standard and Protection Tool,” *Refugee Survey Quarterly*, 2005; Kälin Walter and Jörg Künzli. *The law of international human rights protection*. Oxford University Press, USA, 2019.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАХМОНОВА Сабрина

Докторант (PhD) Национального центра Республики Узбекистан по правам человека (PhD)

E-mail: rakhmanova1709@mail.ru

РЕАЛИИ XXI ВЕКА: ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРАВА ЖЕНЩИН В МИРЕ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РАХМОНОВА С. РЕАЛИИ XXI Века: политические права женщин в мире // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2024) С. 102-106.



2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-2-13>

АННОТАЦИЯ

Данная статья рассматривает историческую эволюцию и значимые события, которые привели к расширению и укреплению политических прав женщин на протяжении двадцатого века. Анализ начинается с борьбы за право голоса в начале века, когда женщины во многих странах мира впервые начали получать избирательные права, подчеркивая роль суфражистских движений и их вклад в изменение общественных и политических норм.

Ключевые слова: политические права женщин, избирательное право, суфражистское движение, гендерное равенство, женщины в политике, представительство женщин, борьба за равные права.

РАХМОНОВА Сабрина

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Миллий маркази таянч докторанти (PhD)

E-mail: rakhmanova1709@mail.ru

XXI АСР ҲАҚИҚАТЛАРИ: ДУНЁДА АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола йигирманчи аср давомида аёллар сиёсий ҳуқуқларининг кенгайиши ва мустақамланишига олиб келган тарихий ривожланиш ва муҳим воқеаларни кўриб чиқади. Таҳлил аср бошида овоз бериш ҳуқуқи учун курашдан бошланади, бу вақтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида аёллар биринчи марта сайлов ҳуқуқига эга бўлганлар, суфрагист ҳаракатларининг роли ва уларнинг ижтимоий ва сиёсий меъёрларни ўзгартиришдаги ҳиссасини таъкидлайди.

Калит сўзлар: аёллар сиёсий ҳуқуқлари, сайлов ҳуқуқи, суфрагист ҳаракати, гендер тенглиги, сиёсатдаги аёллар, аёллар вакиллиги, тенг ҳуқуқлар учун кураш.

REALITIES OF THE XXI CENTURY: POLITICAL RIGHTS OF WOMEN IN THE WORLD

ANNOTATION

This article examines the historical evolution and significant events that led to the expansion and strengthening of women's political rights throughout the twentieth century. The analysis begins with the fight for suffrage at the start of the century, when women in many countries around the world first began to receive voting rights, highlighting the role of suffragist movements and their contribution to changing social and political norms.

Keywords: women's political rights, suffrage, suffragist movement, gender equality, women in politics, women's representation, fight for equal rights.

Генезис политических прав женщин — это исторический процесс получения женщинами права голоса, участия в политической жизни и возможности занимать государственные должности. Этот процесс начался в конце XIX - начале XX веков в развитых странах и продолжается до сих пор во многих частях мира. Современные тенденции реализации политических прав женщин включают увеличение их представительства в национальных парламентах, правительствах и международных организациях, а также активное участие в политических движениях и кампаниях по защите своих прав [1].

Республика Узбекистан всегда уделяет особое внимание обеспечению прав женщин. Узбекистан одним из первых в Центральной Азии ратифицировал конвенции ООН «О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин», «Об охране материнства», «О дискриминации в области труда и занятий» и другие документы.

В этой связи, Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев на торжественной церемонии, посвященной Международному женскому дню, отметил, что согласно стратегии «Узбекистан – 2030» осуществляются масштабные меры по повышению политической, общественной, экономической активности женщин, охране материнства и детства, утверждению гендерного равенства, обеспечению прав и интересов женщин. С этой целью прежде всего совершенствуется национальное законодательство, для женщин открываются еще более широкие возможности. В подтверждение приведу лишь один пример: в нашем Избирательном кодексе закреплено, что число женщин должно составлять не менее 40 процентов кандидатов в депутаты, или не менее 2 из каждых 5 кандидатов [2].

Возникновение феминистических движений во всем мире является ключевым этапом в истории борьбы за права женщин. Эти движения возникли в конце 19-го и начале 20-го века в ответ на систематическое подавление и неравенство, с которыми сталкивались женщины в мире. В 20-м веке женщины по всему миру активно боролись за признание своих политических прав, что привело к значительным изменениям в политическом ландшафте. Важные этапы и достижения в этой борьбе представляют собой фундаментальные моменты в развитии гендерного равенства и демократии.

Первым значимым шагом является принятие 19-й поправки к Конституции США в 1920 году [3], которая гарантировала женщинам право голоса. Этот исторический момент проложил путь к расширению избирательных прав женщин по всему миру и стал отправной точкой для их активного участия в политической жизни. Другим ключевым достижением было учреждение женских правительственных органов и партий. Во многих странах женщины стали занимать должности в правительствах, парламентах и других политических инстанциях, что способствовало повышению представительства женщин в политике и преодолению гендерных стереотипов [4].

Также важным этапом в борьбе за политические права женщин стало принятие законов о равенстве и противодействии дискриминации на основе пола. Например, Конвенция о

политических правах женщины (Принята резолюцией 640 (VII) Генеральной Ассамблеи от 20 декабря 1952 года) [5], признала, что каждый человек имеет право принимать участие в управлении своей страной и право равного доступа к государственной службе в своей стране, а также равенство положения мужчин и женщин в отношении обладания и пользования политическими правами. В связи с чем Договаривающиеся Стороны согласились, что женщинам на равных с мужчинами условиях, без какой-либо дискриминации, принадлежат следующие права:

- голосовать на всех выборах,
- быть избираемыми во все установленные национальным законом учреждения, требующие публичных выборов,
- занимать должности на общественно-государственной службе и выполнять все общественно-государственные функции, установленные национальным законом [6].

Следующий важный шаг в этой сфере – принятая Генеральной Ассамблеей ООН Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин [7]. Согласно вышеуказанному документу государства-участники должны принимать все соответствующие меры, чтобы обеспечить женщинам возможность на равных условиях с мужчинами и без какой-либо дискриминации представлять свои правительства на международном уровне и участвовать в работе международных организаций.

В Пекинской декларации и Платформе действий, принятых IV Всемирной конференцией по положению женщин [8], проходившей в сентябре 1995 г., среди других стратегических целей указаны следующие:

- 1) принятие мер по обеспечению равного доступа женщин к директивным структурам и процессу принятия решений и их полного участия в них;
- 2) расширение имеющихся у женщин возможностей участия в процессе принятия решений и в работе системы управления.

Эти законы сыграли ключевую роль в обеспечении равных возможностей для женщин в политике и обществе, а также в борьбе с негативными явлениями, такими как сексизм и дискриминация.

В начале XX века, до установления Советской власти, Узбекистан, как и большинство центральноазиатских регионов, был патриархальным обществом с ограниченным участием женщин в общественной и политической жизни. Женщины в основном ограничивались домашней сферой, и их участие в политике было минимальным или отсутствовало вовсе. С приходом Советской власти в Узбекистане начались кардинальные изменения в положении женщин, так в 1920-е и 1930-е годы происходили значительные общественные кампании, направленные на освобождение женщин от традиционных ограничений. Например, кампания «худжум» [9], направленная на борьбу за права женщин. В это время женщины начали получать образование и профессиональную подготовку, что позволило им впоследствии занять должности в различных сферах, включая политику. В 1970-е Ядгар Насриддинова была вторым человеком в республике после Шарафа Рашидова, но из-за политических интриг и «Хлопкового дела» карьера политика разрушилась так же стремительно, как и выросла. В годы студенчества она занимала руководящие должности на стройплощадках Большого Ферганского канала, Каттакурганского водохранилища и железной дороги Ташкент-Ангрен. Я.Насриддинова была единственной женщиной на руководящей должности на этих объектах [10]. К началу 90-х годов социальный статус женщины начал резко снижаться. В процессе национального возрождения, наряду с истинными национальными и общечеловеческими ценностями, реанимацию получили понятия, отводившие женщине уважаемую, но все же подчиненную роль. 2 марта 1995 года, после принятия Указа Президента Республики «Об усилении роли женщин в государственном и общественном строительстве» [11], в стране была возобновлена традиция государственной протекции по поддержке общественного статуса женщин. Далее, 1999 год был объявлен - Годом Женщин, была принята Государственная программа по усилению роли женщин в обществе. Это, конечно же, имело большой положительный результат и остановило процесс развала женского

движения страны [12]. К сожалению, данная протекция, обеспечивая возможность участвовать в общественно-политической жизни общества, не стала основой обеспечения женщинам стабильного, конкурентоспособного «прорыва» в политику, основой качественного скачка в воспитании и формировании сильных женщин лидеров, способных к полноценной общественной и политической деятельности [13].

В последние годы руководство Республики Узбекистана начало активно продвигать политику гендерного равенства, уделяя внимание участию женщин в государственном управлении и политике. Сегодня женщины в Узбекистане занимают видные позиции в правительстве, парламенте и других государственных структурах. Поэтому, актуальным остается задача обеспечения женщинам процесса «вхождения во власть». Если в 1999 году в стране было 412 неправительственных организаций (ННО), а из них 30 были женскими, то сегодня только в Ташкенте уже более 30 женских ННО. Это свидетельствует о значительном росте в данном направлении [14].

Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев, выступая в Сенате 22 июня 2019 года, высказался за повышение роли и статуса женщин в общественно-политической жизни страны. На заседании председателем Сената впервые в истории страны была избрана женщина — Танзила Нарбаева. С декабря 2016 года она являлась заместителем премьер-министра Узбекистана -председателем комитета женщин. Это стало по-настоящему историческим событием в сфере повышения роли женщин в политической жизни страны.

«Меня волнует стереотип, укоренившийся в сознании наших людей. Обычно мы почитаем женщину прежде всего, как мать, хранительницу семейного очага. Это, безусловно, правильно. Однако сегодня каждая женщина должна быть не пассивным наблюдателем, а активным и инициативным участником демократических преобразований, осуществляемых в стране», отметил глава государства [15].

Что касается права голоса, то женское избирательное право имеет огромное значение для содействия равенству полов в обществе. Это не только способствует увеличению числа женщин в политике, но и повышает их влияние на принятие важных решений. Каждый голос женщины в выборах является важным элементом демократического процесса, который способствует созданию более справедливого и представительного правительства. В начале XX века большинство стран мира запрещали женщинам участвовать в выборах. Однако благодаря усилиям суфражисток, таких как Эммелин Панкхерст в Великобритании и Алис Пол в США, женщины начали получать право голоса [16]. В 1920 году, после десятилетий борьбы, женщины в США наконец получили право голоса с принятием 19-й поправки к Конституции. В то же время в Великобритании и в Соединенных Штатах суфражистки были активистками, которые боролись за право женщин на участие в голосовании и за другие гражданские права в конце XIX-го и начале XX-го веков. Суфражистки организовывали массовые шествия и демонстрации для привлечения внимания общественности к их кампании. Эти мероприятия часто собирали большие толпы и привлекали внимание прессы. Они активно работали над тем, чтобы убедить законодателей в необходимости предоставления избирательных прав женщинам, включая написание петиций и проведение встреч с политиками. Некоторые суфражистки прибегали к более радикальным методам, включая голодовки, прерывание публичных мероприятий и даже акты гражданского неповиновения, чтобы привлечь внимание к своему движению. Получение права голоса было только началом. Суфражистки[®] и феминистки - две группы активисток, которые играли важную роль в борьбе за права женщин, но они имеют свои особенности и разные цели. Если феминистки борются за равноправие женщин в более широком смысле, ратуют за всю полноту гражданских прав, включая экономические, социальные, расовые, религиозные, сексуальные и т.д. – то есть они борются за равноправие в более широком контексте, то суфражистки сосредоточены на политических правах [19].

В целом, можно отметить значительный прогресс в положении женщин и в политике Узбекистана от начала XX века до наших дней, что свидетельствует о развитии гендерного равноправия в укреплении роли женщин в общественной и политической

жизни страны. Хотя в XX веке было достигнуто многое, борьба за равные политические права для женщин продолжается: женщины по-прежнему недостаточно представлены в политических структурах во многих странах. Однако достижения XX века служат важным напоминанием о том, что изменения возможны и что борьба за равенство продолжается. На данный момент наш мир стоит перед задачей формирования новой политической культуры, где женское участие становится неотъемлемой частью.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Права женщин // URL: <http://pravacheloveka.uz/ru/menu/hotin-izlar-uulari>
2. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии, посвященной Международному женскому дню 2024. – 07/03 // URL: <https://president.uz/ru/lists/view/1423>
3. The Constitution of the United States // URL: https://www.thefire.org/research-learn/constitution-united-states?gad_source=1&gclid=EAIaIQobChMIvoek7YmIhgMVRQWiAx3CmQDMEEAYASAAEgLqhPD BwE
4. Тохтаходжаева, Марфуа. XX век глазами женщин Узбекистана. Серия: Евразия. Новые исследования Издательство: Наталис. 2008 г. 304 с.
5. Конвенция о политических правах женщины (Принята резолюцией 640 (VII) Генеральной Ассамблеи от 20 декабря 1952 года) // URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/women_politrights.shtml
6. Николаева Т. А. Правовое закрепление политических прав женщин и гарантий их реализации // Женщина в российском обществе. 2009. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-zakreplenie-politicheskikh-prav-zhenschin-i-garantiy-ih-realizatsii> (дата обращения: 09.04.2024).
7. Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. (Принята резолюцией 34/180 Генеральной Ассамблеи от 18 декабря 1979 года) // URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/cedaw.shtml
8. Пекинская декларация (Принята четвертой Всемирной конференцией по положению женщин, Пекин, 4–15 сентября 1995 года) // URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/womdecl.shtml
9. Алимова Д.А. Хужумга зарурат бормиди?. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. Тошкент. 1992.
10. Женщины-первопроходцы в истории Узбекистана // URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2023/03/08/they-were-the-first/>
11. Указ Президента Республики Узбекистан, от 02.03.1995 г. № УП-1084 «О Мерах По Повышению Роли Женщин В Государственном И Общественном Строительстве Республики Узбекистан». **Акт утратил силу 28.09.2020** // URL: <https://lex.uz/docs/181380>.
12. ТУЙЧИЕВА, Г.У. Независимость и женское движение Узбекистана: цели, задачи и содержание трансформации. // URL: <https://ayk.gov.tr/wp-content/uploads/2015/01/TUY%C3%87%C4%B0EVA-G.-U>.
13. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы. –Т.: Фан, 1991.
14. Справочник. Женские негосударственные некоммерческие организации Узбекистана. –Ташкент, 2000.
15. В Сенате появится Комитет по вопросам женщин и гендерного равенства. 22 июня 2019 г. // URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2019/06/22/women/>
16. Ольга Шнырова. Суфражизм в истории и культуре Великобритании. Издательство Ивана Лимбаха, 2020. 351 стр. ISBN: 978-5-89059-351-1 // URL: <https://www.litres.ru/book/olga-shnyrova/sufrazhizm-v-istorii-i-kulture-velikobritanii-51339504/>
17. Крыкова И. В. Суфражизм как политическое направление феминизма // Аналитика культурологии. 2009. №13. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sufrazhizm-kak-politicheskoe-napravlenie-feminizma> (дата обращения: 12.04.2024).

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD


ЮРИДИК ХИЗМАТ, АДВОКАТУРА, НОТАРИАТ

ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович

Юристлар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИДИК ХИЗМАТ ИНСТИТУТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ФАЙЗИЕВ Х.С. Ўзбекистонда юридик хизмат институтининг ташкил этилиши ва ривожланиш босқичлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2024) Б. 107-114.

 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-2-14>

АННОТАЦИЯ

Юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини ошириш, унинг роли ва аҳамиятини янада кенгайтириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам мазкур институтнинг тарихий ривожланиш жараёнлари таҳлилларидан келиб чиқиб, мақолада мамлакатимизда юридик хизматнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ислоҳотлар жараёнида юрисконсультларнинг роли ва масъулиятини янада кучайтириш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилади. Шу билан бирга, адлия вазирлиги тизимида босқичма-босқич жорий қилинаётган юридик хизмат кўрсатиш янги тизимининг афзалликлари хусусида қисқача маълумотлар берилиб, унинг ижобий жиҳатлари билан боғлиқ баъзи хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: юридик хизмат, юрисконсульт, адлия органлари, низом, ҳуқуқ, мажбурият, ҳуқуқий иш, ислоҳотлар, юридик хизмат кўрсатиш марказлари.

FAIZIEV Khairiddin,

Head of the Department of the Lawyers' Training Center under the
Ministry of Justice, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

STAGES OF ESTABLISHMENT AND DEVELOPMENT OF THE INSTITUTE OF LEGAL SERVICES IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

Of particular importance is the issue of increasing the legal status of the legal service and further expanding its role and significance. From this point of view, based on an analysis of the

historical processes of development of this institution, the article comments on the measures implemented to strengthen the rule of law in the activities of government bodies and legal service organizations in our country. and further strengthening the role and responsibility of legal advisers in the reform process. At the same time, brief information was given on the advantages of the new system of legal services, which is gradually being introduced into the system of the Ministry of Justice, and some conclusions were drawn regarding its positive aspects.

Keywords: legal service, lawyer, justice authorities, charter, law, obligation, legal work, reforms, legal service centers.

ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)

ЭТАПЫ СОЗДАНИЯ И РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА ЮРИДИЧЕСКИХ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Особое значение имеет вопрос повышения правового статуса юридической службы, дальнейшего расширения ее роли и значения. С этой точки зрения на основе анализа исторических процессов развития данного института в статье комментируются меры, реализуемые в целях укрепления законности в деятельности государственных органов и организаций юридической службы в нашей стране. и дальнейшее усиление роли и ответственности юридических консультантов в процессе реформ. Вместе с тем, была дана краткая информация о преимуществах новой системы юридических услуг, которая постепенно внедряется в систему Минюста, и сделаны некоторые выводы относительно ее положительных сторон.

Ключевые слова: юридическая служба, юрист, органы юстиции, устав, закон, обязанность, юридическая работа, реформы, центры юридических услуг.

Ўзбекистонда романо-герман ҳуқуқ оиласига хос юридик хизмат институтининг вужудга келиши совет даврига бориб тақалади. Хусусан, юридик хизмат институтининг ташкил этилиши ва ривожланишини бир қатор босқичларга бўлиш мумкин.

Мамлакатимиз тарихининг совет давридаги вақти давомида давлат органларида юристларнинг сонинисбатан камлиги, шунингдек хизмат кўрсатаётган ташкилотлардаги ишлар аҳволига уларнинг таъсири сезиларли эмаслиги сабабли юрисконсультлар фаолияти қонунчилик даражасида деярли тартибга солинмаган эди. Бунда ҳуқуқий иш «адлия органларининг иқтисодий ва маъмурий ҳаётни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича умумий ишининг бир қисми» сифатида эътироф этилганди [1]. Мос равишда, ҳуқуқий иш юридик хизмат ва умуман, давлат органи ёки ташкилоти фаолияти билан боғланмасдан қолган эди.

Иқтисодиётнинг барқарорлашуви, ҳуқуқий ишга эътибор ортиши билан юридик хизмат ишини тартибга солишга эҳтиёж пайдо бўла бошлади. Собиқ Иттифоқ даврида юридик хизмат фаолиятини тартибга солишга илк уринишлар XX асрнинг 20-йилларида амалга оширилди. Юридикхизматнинг ўша пайтдаги асосий вазифалари ҳуқуқ масалалари бўйича маслаҳатлар бериш ва судда вакиллик бўлган эди. Биринчиси, ташкилот ишини инқилобий қонунийлик йўлига йўналтириш ва маълум ҳуқуқий нормалар бузилишининг олдини олиш ва ишда энг яхши натижаларга эришиш мақсадида ташкилот фаолияти учун ҳуқуқ доирасидаги барча шароитларни таъминлашдан иборат бўлган. Иккинчиси, юридик хизмат томонидан турли суд муассасаларида ташкилот номидан суд вакиллиги мажбуриятларини бажаришда ифодаланган [2].

Шу билан бирга, ўша даврда юристларнинг иши қарийб техник ижрочи даражасида

баҳоланган ва улар фаолиятига раҳбарлик номинал тусга эга бўлиб, таъсир қилишнинг доимий шакллари ва усуллари ишлаб чиқилмаган эди [3, Б.17; 4, Б.7]. *Масалан, Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 27 июндаги «Совет муассасалари хизматчилари ва ишчилари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида»ги декрети*га биноан, юрисконсултлар меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича биринчи гуруҳдаги масъул ходимларнинг иккинчи тоифасига киритилган (жами тўртта ходимлар гуруҳи мавжуд бўлиб, улар тоифаларга таснифланган). Бироқ, юристларнинг халқ хўжалигидаги ишлар аҳволига таъсири жуда паст бўлганлиги оқибатида Совет Иттифоқи Давлат меҳнат қўмитасининг 1967 йил 9 сентябрдаги 443-сонли қарори билан тасдиқланган Ходимлар лавозимлари малакавий маълумотлар мажмуасига мувофиқ, юридик хизмат ходимлари мутахассислар тоифасига (мавжуд учта тоифадан иккинчиси) ва ушбу тоифадаги охирги гуруҳга киритилган. Юридик хизмат мутахассисларидан қуйроқда фақатгина техник ижрочилар жойлашган эди.

Натижада 1923 йилда Адлия халқ комиссарлиги томонидан юрисконсултлар ишига раҳбарлик қилиш бекор қилинди. Юрисконсултлар фаолиятини назорат қилиш, кейинчалик эса мувофиқлаштириш функциялари прокуратура зиммасига юклатилди. Бундай назорат қонунийлик устидан умумий назорат доирасида амалга оширилган ва кейинчалик ривож топмаган.

Узоқ вақт давомида мамлакатда давлат органи, корхона ва ташкилотларнинг юридик бўлимлари фаолиятини тартибга солувчи ягона норматив ҳужжат мавжуд бўлмаган. Шундай салбий вазият пайдо бўлган эдики, *“ҳар бир давлат идораси ушбу масалани ўзича ишлаб чиқади, ҳаттоки кўп ҳолларда бу каби ҳужжатлар заруратига беписандлик билан ёндашади, ваҳоланки бундай вазиятда алоҳида тузилмаларнинг юридик бўлим билан муносабатларидаги вужудга келадиган ноаниқликлар, доимо бирор тушунмовчиликларга, ҳатто иш юритишда такрорлашлар юз бериши мумкинлиги эътибордан четда қолган”* [4, Б.7].

Илк бор юридик хизмат фаолияти СССР Халқ хўжалиги Олий Советининг 1925 йил 7 июндаги 955-сонли буйруғи билан тасдиқланган Совет Иттифоқи Халқ хўжалиги Олий Советига қарашли давлат корхоналари юрисконсултлари тўғрисидаги низом билан тартибга солинган ва ушбу ҳужжат юристнинг асосий мажбуриятларини белгилаб берган. Ўзбекистон ССРнинг 1925 йилдаги Низомида кўзда тутилган энг муҳим қоидалар республика миқёсида Ҳукуматнинг 1928 йил 9 июндаги 38-сонли “Давлат муассасалари, корхоналари ва кооператив ташкилотлар юрисконсултлари тўғрисида”ги қарори билан мустаҳкамланган. Ушбу қарорда юрисконсулт лавозимини эгаллаш тартиби, уларнинг асосий вазифалари, жавобгарлиги, фаолияти устидан назорат қилиш ҳамда амалий ишларини бирлаштириш мақсадида маҳаллий прокурорлар ҳузурида ташкил қилинадиган кенгашлар тўғрисидаги нормалар белгиланган. Юрисконсултларнинг асосий мажбуриятлари доирасига – ҳуқуқий масалалар бўйича ёзма ва оғзаки хулосалар ва маълумотлар бериш, қарорлар, йўриқномалар лойиҳаларини тузишда иштирок этиш; ташкилотлар томонидан тузилаётган шартномалар ва бошқа ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар тайёрлаш ва уларни амалдаги қонунларга мувофиқлигини текшириш; ташкилотларнинг топшириқлари бўйича уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш киритилган.

XX асрнинг 70-йилларида мамлакат иқтисодиётини жонлантириш ҳаракатлари муносабати билан давлат органлари юридик хизматга бирмунча эътибор бера бошладилар. Юридик хизмат ва ҳуқуқий иш бўйича махсус норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Совет Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва Министрлар Кенгашининг 1970 йил 23 декабрдаги 1025-сонли «Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида уни ташкил этишдаги муҳим камчиликлар қайд этилди, жумладан, уларнинг асосийлари сирасига хўжалик раҳбарлари томонидан ҳуқуқий ишни муносиб баҳоламаслиги ва унинг моҳиятини тушунмаслиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу қарорда, хусусан, вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларнинг юристлари режали ва шартномавий интизомга риоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб

чиқиш ва амалга оширишга етарли даражада жалб этилмаслигига эътибор қаратилди. Мазкур талабларни бажариш учун Совет Иттифоқи Министрлар Кенгаши 1972 йил 22 июндаги 467-сонли қарори билан Юридик бўлим (бюро), бош (катта) юрисконсулт, вазирлик, идора, корхона, ташкилот, муассаса Кенгаши меҳнаткашлар депутатлари кенгашининг ижроия қўмитаси юрисконсулти тўғрисидаги умумий низомни тасдиқлади ва Совет Иттифоқи вазирликлари ва идораларига соҳа ишидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, бўйсунуви остидаги ташкилотлар юридик хизмати тўғрисидаги низомларни қабул қилиш хусусида топшириқ берди [5, Б.32] ва улар кўп йиллар юристлар ишида асосий норматив манбага айланган ҳужжат бўлиб, юридик хизмат ваколатларини сезиларли даражада кенгайтди ва унинг умумий ролини оширди. Бу вақтга келиб халқ хўжалиги учун юридик кадрлар тайёрлаш ҳам кенгайди.

Шу билан бирга, 70 – 80-йилларда юридик хизматлар фаолиятини ҳар тарафлама такомиллаштириш ва ҳуқуқий ишлар даражасини оширишни таъминлаган бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида Совет Иттифоқи Министрлар Кенгашининг 1972 йил 21 мартдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган Совет Иттифоқи Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом (СП СССР.1971.№ 1, Ст. 1.); Совет Иттифоқи Адлия вазирлигининг 1976 йил 19 февралдаги К-18-103-сон «Корхонада ва ишлаб чиқариш бирлашмасида юридик хизматни ташкил этиш тўғрисида»ги (http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_8819.htm), 1978 йил 29 сентябрдаги К-8-524-сон «Корхоналарда, ишлаб чиқариш бирлашмаларида ва ташкилотларида шартномавий ишларни ташкил этишда юридик хизматларнинг иштироки ҳақидаги услубий тавсияларни қўллаш тўғрисида»ги (http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_9778.htm), 1978 йил 14 февралдаги К-8-130-сон, 1982 йил 10 октябрдаги К-14-568-сон «Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг юридик хизматларининг тузилган шартномалар бўйича маҳсулотни етказиб бериш мажбуриятларини бажарилишини таъминлашдаги иштироки ҳақидаги услубий тавсиялар тўғрисида»ги (<https://docplan.ru/Data2/1/4293745/4293745620.htm>) хатлари ва бир неча бошқаларини кўрсатиб ўтиш лозим.

Шунингдек, 1987 йилда қабул қилинган ва корхона хўжалик фаолиятининг янги иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини тартибга солишга мўлжалланган Совет Иттифоқининг «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги Қонуни талаблари ижросини таъминлаш мақсадида юридик хизмат зиммасига юксак касбий профессионаликни талаб қиладиган янги вазибалар юкланди.

Совет Иттифоқининг тугатилиши ҳамда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тузумнинг ўзгариши ҳуқуқий ишни ташкил этишда қонун орқали тартибга солиш ва узвийликни таъминлаш механизмнинг бузилишига олиб келди. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда 1985 йилдан 1993 йилгача ҳуқуқий иш ва юридик хизмат масалалари бўйича биронта норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаган. Давлат органлари ва ташкилотлари ушбу соҳаларда ўз фаолиятини Совет давлати сўнгги йигирма йил ичида қабул қилган юқорида кўрсатиб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб боришган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ёш демократик давлатнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат томонидан юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини ошириш, унинг оммавий бошқарувдаги роли ва аҳамиятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Хусусан, 1993 йилдан 2018 йилгача ҳуқуқий ишни ташкил этиш ва юридик хизмат соҳаси бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди [6; 7; 8]. Шуниси эътиборга лойиқки, мустақил Ўзбекистонда МДХнинг бошқа мамлакатларига нисбатан юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш бўйича қонунчилик жараёни бирмунча аниқ ривожланиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, иқтисодиёт, давлат ва хўжалик бошқаруви тизимидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартда 118-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом” мустақил Ўзбекистон тарихида мамлакатда юридик хизмат

фаолияти ва ҳуқуқий мақомини тартибга солишга мўлжалланган илк ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августда қабул қилинган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 182-сонли қарори ҳуқуқий ишни янада такомиллаштиришга бағишланган муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу ҳуқуқат ҳужжати давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизация қилишда юридик хизматнинг роли ва масъулиятини кучайтириш мақсадида қабул қилинди.

Шунингдек, ушбу қарор билан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юридик хизмат, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалар ва ташкилотлари юридик хизмати тўғрисидаги низомлар тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мазкур органлар ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг юридик хизматлари томонидан қарор талабларига риоя қилиши устидан тегишли назорат ўрнатиш топширилди.

Шу билан бирга, қарорда белгиланган қоидалар юридик хизмат мақомини аниқлаштирган ва юридик хизмат ходимлари функционал вазифаларини кенгайтирган ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг қарорнинг талабларига риоя этиш ва юридик хизмат фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш учун шахсан жавобгар эканлиги норматив тарзда мустаҳкамлаб қўйилган. *Масалан, Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматлари тўғрисидаги Низомда юридик хизматларнинг давлат органи фаолиятини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган (жорий этилган) мустақил тузилмавий бирликлар (ёки лавозимлар) сифатидаги махсус ҳуқуқий мақомини назарда тутадиган қоидалар ўрнатилиб, давлат органларида ва ташкилотларда юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ёки битта бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт штат бирлигини киритиш орқали юридик хизматни ташкил этиш имконияти яратилди. Шунингдек, юридик хизмат бевосита давлат органи раҳбарига бўйсунуши белгиланди. Бундан ташқари, мавжуд юридик хизмат штат бирликларини қисқартириш ёки уларни давлат органининг бошқа таркибий тузилмаларига тақсимлаш тақиқланди (Низомнинг 2-банди).*

Бироқ, мазкур чораларга қарамай, бир қатор ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳал этилмаганлиги боис, юридик хизматларнинг фаолияти етарли даражада самарали бўлмасдан келаётган эди. Хусусан, юридик хизматларни тузиш тартиби, уларнинг штат бирликларини аниқлаш нормативлари ва мезонлари мавжуд эмас эди, бу эса турли давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматнинг ташкилий-штат тузилмасини мақбул тарзда белгилашга имкон бермас эди.

Шу билан бирга, юридик хизматлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича самарали иш юритиш йўлга қўйилмасдан қолаверди. Ушбу соҳадаги ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари томонидан аниқланган камчиликларни ва қонун бузилишларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни кўриш билангина чекланар эди.

Жумладан, адлия органлари томонидан ўтказилган юридик хизматлар фаолиятини ташкил этиш таҳлили шундан дарак берар эдики, давлат бошқаруви тизимида қонунийликни таъминлашнинг ички идоравий механизмлари ташкил этилмаганди – ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаган эди. Шунингдек, юридик хизматлар давлат органлари фаолиятида қонунийлик аҳволини ўрганиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича мустақил чора-тадбирларни кўрмас эди.

Бундан ташқари, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминоти даражаси ушбу

соҳага олий юридик маълумотли, катта амалий тажрибага эга малакали мутахассисларни жалб қилишга имкон бермас эди, ўз навбатида бу юридик хизматлар ишининг сифатига салбий таъсир кўрсатарди.

Ўтказилган таҳлил натижалари давлат органларида юридик хизматни ташкил этиш нормативлари ва у ёки бу ташкилий шаклда штат бирликларни жорий этиш мезонлари мавжуд эмаслиги, юридик хизмат ходимлари малакасини оширишни мажбурийлиги таъминланмай қолиши; давлат органлари юридик хизматлари томонидан уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш шакллари ва механизмлари мавжуд эмаслиги, шунингдек юридик хизмат ходимлари уларга хос бўлмаган вазифалари ва топшириқларни ижро этиш учун жалб этиш (турли комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ҳужжатларини расмийлаштириш, даврий нашрларга обуна бўлишни ташкил этиш) соҳада мавжуд муаммоларнинг асосий сабаблари сифатида кўрсатилди.

Шу муносабат билан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматнинг роли ва масъулиятини изчил равишда мустаҳкамлаш мақсадида 2017 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2733-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сонли қарори қабул қилинди [9; 10]. Ушбу ҳужжатлар юридик хизматнинг ваколатларини кенгайтириш ва умумий жиҳатдан унинг роли оширилишини таъминлашга қаратилди.

Хусусан, мазкур қарорлар билан юридик хизматларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва моддий-техника таъминоти кучайтирилди, давлат органлари юридик хизмати ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бир қатор самарали чоралар белгиланди. Ушбу чора-тадбирлар ичида юридик хизмат ходимига адлия органлари ходимлари учун ўрнатилган, даражали унвон бериш ва узоқ муддатли хизмат учун устамалар белгилаш, давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат қилувчи органларга ўтишда, юридик хизмат ходими сифатида меҳнат стажини даражали унвон ва узоқ муддатли хизмат учун устама ҳақини ҳисоблаш учун тан олиш; юридик хизмат ходимларини уларга хос бўлмаган вазифаларни бажариш учун жалб этишни тақиқлаш билан боғлиқ ва ҳоказо чораларни алоҳида ажратиш мумкин [9].

Шунингдек, Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом [11] тасдиқланди, унда юридик хизмат ходимлари функционал вазифалари сезиларли даражада кенгайтирилди ва қўшимча ҳуқуқлар берилди. Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомнинг 16-бандида фаолиятнинг ушбу йўналишларини амалга ошириш учун юридик хизматларнинг 38 та асосий функциялари белгиланган. Шунингдек, Низомнинг 17-банди кўра, юридик хизмат ва унинг ходимларига Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилиши тақиқланган.

Бундан ташқари, юридик хизматларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси кенгайтирилди. *Масалан, Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомнинг 18-бандига кўра, юридик хизмат давлат органи ва ташкилотда, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларда ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда қатнашиш; талабнома-даъво тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробардан кўп бўлмаган миқдорда мукофот олиш ҳуқуқига эга.*

Шу билан бирга, оммавий бошқарув тизимидаги юридик хизмат фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари, аксарият қисми ижобий бўлган жиддий ўзгаришларга қарамай, сўнгги вақтда миллий адабиётларда ушбу ҳуқуқий институтнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг айрим жиҳатлари кенг таҳлил (ва мунозара) қилинмоқда [12, Б.32-35; 13, Б.48-50; 14, Б.72-75; 15, Б.75-87; 16, Б.41-44]. Жумладан,

ҳуқуқшунос олим Ф.Х. Отахонов Ўзбекистонда юридик хизматнинг назарий ва ҳуқуқий муаммоларини илмий ўрганиш натижаларига асосланиб, амалдаги қонунчилик томонидан юридик хизмат соҳасининг ҳуқуқий тартибга солиниши мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари соҳасидаги вазифаларини самарали бажариш учун етарли даражада эмаслигини таъкидлайди [17].

Ушбу соҳадаги ҳуқуқий асосларни таҳлил қилар экан, олим Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низомнинг тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари учун тавсиявий характерга эгалиги сабабли, улар «давлат органларининг эътиборидан четда қолаётганлиги» ҳақидаги фикрни билдиради. Шу муносабат билан у тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик хизматлари фаолиятини тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатимизда юридик хизмат институтининг ривожланиш босқичлари тўғрисида сўз юритар эканмиз, ушбу соҳада кейинги пайтда амалга оширилаётган ислоҳотларни четлаб ўтиб бўлмайди. Хусусан, давлат органлари ва ташкилотларига сифатли юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида эксперимент тариқасида туман (шаҳар) адлия бўлимлари ҳузурида давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш марказларини (марказлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклиф маъқулланиб, ушбу лойиҳа асосида кейинчалик марказлар республиканинг барча туман (шаҳар)ларида ташкил этилиб, (тегишли юрисконсулт штатлари тугатилган ҳолда) ҳозирда самарали фаолият юритиб келмоқда [18].

Марказларнинг ташкил этилиши натижасида улар ходимларининг иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолатлари бартараф этилди ва бунинг натижасида юклатилган вазифаларни тўлақонли бажаришлари учун зарур шароитлар таъминланди. Шунингдек, марказлар билан давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ҳужжат алмашинуви ягона электрон тизими жорий этилиб, ишларни масофавий ташкил этиш имкони яратилди ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш соҳасида давлат назоратининг тизими тубдан такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, сўнгги вақтда ҳуқуқий ишни ташкил этиш назарияси ва амалиётида вужудга келаётган янгиликларнинг барчаси уларни илмий ва назарий жиҳатдан англаб етишни талаб қилади. Хусусан, юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш тизимига юридик кадрлар тайёрлашдан бошлаб, юридик хизматларнинг функционал вазифаларини белгилаш ва уларни амалда татбиқ этиш билан боғлиқ кўплаб янгиликларни киритган норматив ва услубий материалларни чуқур тизимли таҳлил қилиш зарурати мавжуд. Ушбу соҳада замонавий тадқиқотларни ўтказиш юридик хизматни, шунингдек, умуман ҳуқуқий ишни ташкил этиш ва юритишни янада такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш ва асослантириш имконини беради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Вести советской юстиции. - 1924. - № 2. – С. 47; Основные вопросы организации юрисконсультов госорганов // Еженедельник советской юстиции. - 1923. - 19 сент. – № 37.
2. Гавриленко К. М., Голубев С. Н. Организация юридической работы учреждений. Опыт руководства для юрисконсультов и юристов-практиков. – М., 1927. – С.5.
3. Анохин В. С. Правовая работа в народном хозяйстве в условиях рыночной экономики. Воронеж, 1996. – С. 17;
4. Квалификационный справочник должностей служащих. – М., 1967. – С. 7.
5. Минц Б. И. Организация правовой работы на предприятии: учебное пособие. Свердловск, 1983. –С.3. 3 СП СССР. 1972. № 6. Ст. 32.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сон “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор, **(ҳужжат кучини**

йўқотган, 24.08.2007 й.), // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-619648>;

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 182-сонли қарори (**ҳужжат кучини йўқотган, 10.05.2017 й.**), // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-1240679>;

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги “Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 244-сонли қарори // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-1274006>.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-3098964>;

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор // URL: <http://lex.uz/ru/docs/3189360>.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарор билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-3098964>.

12. Х. Азизов, Юридик хизмат янада такомиллашади // Ҳуқуқ ва бурч, 2017. № 7. – Б.32-35;

13. Х.Файзиев, Юридик хизмат: уни янги босқичга кўтариш омиллари // Ҳуқуқ ва бурч, 2017. № 8 – Б.48-50;

14. Х.Файзиев, Юридическая служба в системе публичного управления в свете проведения административной реформы в Республике Узбекистан./ Административное право и процесс. Москва: № 2, 2020. С.72-75;

15. Х.Файзиев, Роль юридической службы государственных органов в обеспечении конституционного принципа верховенство закона при принятии административного акта и совершении административных действий. Тенденции развития публичного права в современном Узбекистане: дискуссионные вопросы конституционного и административного права. (Халқаро илмий-амалий симпозиум материаллари). –Т.: 2021. Б. 75-87;

16. М.Нажимов, Ўзбекистонда юридик хизмат тизимини такомиллаштириш масалалари// Материалы научно-практической конференции «Бизнес и инновации: правовые вопросы и решения», ТДЮУ, 2018. – Б. 41-44;

17. Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари: Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 18 б.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // URL: <https://lex.uz/uz/docs/4820060>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

ШАКУРОВ Рафик Равильевич

Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,
юридик фанлар номзоди
E-mail: shakurov.rafik.67@mail.ru

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ШАКУРОВ Р.Р. Ҳуқуқий амалиёт ва хорижий тажриба // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2024) Б. 115-120.



2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-2-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Сингапурда коррупцияга қарши курашнинг муваффақиятли тажрибаси таҳлил қилинади. Коррупцияга қарши самарали кураш натижаси бўлган Сингапурнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги индивидуал ютуқлари қайд этилди. Сингапур олий раҳбариятининг коррупцияга қарши курашдаги сиёсий иродаси таҳлил қилиниб, коррупцияни енгиш имконини берувчи асосий механизмлар ўрганилади.

Калит сўзлар: коррупцияга қарши кураш сиёсати, Бюро, давлат хизматчиси, қонун, индекс, коррупция, тажриба, сиёсий ирода, коррупцияга қарши кураш, Сингапур, стратегия.

SHAKUROV Rafik

Senior Lecturer of the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Candidate of Juridical Sciences
E-mail: shakurov.rafik.67@mail.ru

SINGAPORE'S EXPERIENCE IN FIGHTING CORRUPTION

ANNOTATION

The article analyzes Singapore's experience in fighting corruption. Corruption itself is the result of Singapore's political, economic and social development of individual achievements. Singapore's top management analyzed the corrupt efforts of political will, the possibilities of corruption and the main mechanisms for its implementation.

Keywords: Politics, Bureau, Civil Service, law, index, corruption, experience, political will, corruption, Singapore, strategy.

ОПЫТ СИНГАПУРА ПО БОРЬБЕ С КОРРУПЦИЕЙ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрен успешный опыт борьбы с коррупцией в Сингапуре. Отмечены отдельные достижения в сфере политического, экономического и социального развития Сингапура, явившиеся результатом эффективной борьбы с коррупцией. Проанализирована политическая воля высшего руководства Сингапура по противодействию коррупции, изучены основные механизмы, позволившие преодолеть коррупцию.

Ключевые слова: антикоррупционная политика, Бюро, государственный служащий, закон, индекс, коррупция, опыт, политическая воля, противодействие коррупции, Сингапур, стратегия.

Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро тажриба ҳақида гапирганда, албатта, Сингапурнинг коррупцияга қарши кураш стратегиясини ҳам эслатиб ўтмасдан бўлмайди. Кўп йиллар кетма-кет Сингапур коррупциянинг йўқлиги, иқтисодий эркинлик ва ривожланиш даражаси бўйича жаҳон рейтингида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Бу давлат дунё сиёсий харитасида фақат ўтган асрнинг ўрталарида, 1965-йил 9-августда мустақилликка эришгандан сўнг пайдо бўлган. Сингапур жанубий Шарқий Осиёда жойлашган ҳам шаҳар, ҳам пойтахт, ҳам алоҳида бир давлатдир. Унинг ҳудуди атига 728,3 км² ташкил этади.

Тарихий қисқа вақт ичида, ҳеч қандай табиий ресурсларга эга бўлмаган, чет элдан ҳатто чучук сув, қум, нефт, газ, металл ва ёғочни ҳам келтиришга мажбур бўлган кичик Сингапур давлати коррупциянинг йўқлиги, иқтисодий эркинлик ва ривожланиш даражаси бўйича жаҳон рейтингида етакчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди. Жумладан, Transparency International “Коррупцияни қабул қилиш индекси”га кўра, Сингапур мунтазам равишда коррупцияга қарши курашда етакчилар қаторида туради (2023 йилда рейтинг бўйича – 5 ўринда) [1].

Сингапур мамлакатини эртақлар ва орзулар шаҳри, ранг-баранг ва жозибадор ривожланган иқтисодиёт, технологик макон, яшаш учун яхши жой, етакчи молиявий маркази, дунёнинг энг қиммат шаҳарлардан бири деб аташади. Албатта, Сингапур ҳақида гап кетганда, бу даволар билан бахслашиш қийин.

Сингапурнинг бундай феноминал ютуқларини бир киши, ислоҳотчилар асосчиси, мамлакатнинг собиқ ва марҳум бош вазири Ли Куан Ю номи билан боғлиқ. Унинг “Учинчи дунё мамлакатларидан – биринчисига!” шиори остида ўтказилган ислоҳотлари мамлакатга иқтисодий ютуқларни амалга оширишга имкон берди [2].

Бугунги кунда Сингапур электроника ва фармацевтика каби юқори технологик соҳаларда жаҳоннинг етакчиларидан, энг йирик молиявий ва нефт қайта ишлаш марказларидан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи 2023 йилда ҳисоб-китобларига кўра 467 млрд. долларни, ҳар бир фуқаронинг ўртача йиллик даромади эса 55 000 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Сингапурда коррупциянинг деярли йўқлиги, малакали ишчи кучи, илғор ва самарали инфратузилмаси АҚШ, Япония ва Европадан 3000 дан ортиқ транснационал корпорациялар учун жозибадор бўлиб қолди. Шу билан бирга, хорижий фирмаларнинг sanoat маҳсулотларининг асосий қисми экспорт учун ишлаб чиқарилади, бу эса Сингапур давлат бюджетининг кенгайишига ёрдам беради.

Бугунги кунда “Сингапур мўжизаси” деб номланган ҳодиса, Сингапур нафақат

иқтисодий муаммоларни ҳал қилганлиги, балки замонамизнинг энг ҳавфли балоларидан бири – коррупцияни йўқ қилган мамлакат сифатида эътироф этилиши билан боғлиқ. Мустақилликка эришгунга қадар, коррупция Сингапурда мутлоқ одатий ҳолга айланган эди. “Коррупция – Осиё турмуш тарзининг хусусиятларидан бири. Одамлар мукофотларни очикчасига қабул қилган. Бу улар ҳаётининг бир қисми бўлиб келган” – деган эди Ли Куан Ю.

Мамлакатни модернизация қилиш коррупцияга қарши стратегияни белгилашдан бошланди. Таъкидланишича, Сингапурнинг коррупцияга қарши стратегияси ўз моҳиятига кўра кенг қамровли ва тизимли бўлиб, у ўзаро боғлиқ бўлган иккита вазифа блокинни ҳал қилишга асосланган: биринчиси, коррупциявий ҳаракатларни содир этиш учун шарт-шароитларни бартараф этиш, иккинчиси эса, коррупцияга оид ҳаракатларни содир этишга ундайдиган мотивларни (сабаблар) тугатиш [3].

Коррупциявий ҳаракатларни содир этиш учун шарт-шароитларни бартараф этиш йўналишида, Сингапурнинг коррупцияга қарши қонунчилигини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этди. Шунинг учун 1960-йил 17-июндаги “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни (Prevention of Corruption Act) қабул қилинди ва бу коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосига айланди [4].

Жаҳон ҳуқуқий амалиётидан фарқли ўлароқ, мазкур Қонуннинг 8-бўлимида давлат хизматчисининг “айбдорлик презумпцияси”ни белгилайдиган қоида киритилди. Унга кўра, мансабдор шахс томонидан олинган ҳар қандай мукофот, унинг акси исботланмагунча порасифатида қабул қилинган. Шубилан бирга, давлат хизматчисининг ойлик маошидан ортиқ яшаши ёки унинг даромадларига тўғри келмайдиган мулк объектларига эга бўлиши, коррупция мавжудлигининг далили сифатида тергов қилиш учун асос бўлади. Чунончи, ўзининг айбсизлигини исботлаш гумон қилинувчининг ўзига юклатилади. Ўзининг айбсизлигини исботлай олмаган мансабдорлар мол-мулки мусодара қилиниши, озодликдан маҳрум бўлиши ёки катта жарималарга тортилиши мумкин эди. Бундан ташқари, коррупцияда айбдор деб топилган хизматчи иш жойидан, нафақа ва бошқа имтиёزلардан маҳрум қилинади.

Коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этишда алоҳида орган – Коррупция амалиётларини тергов қилиш бюросига муҳим ўрин берилди (*Corrupt Practices Investigation Bureau*)².

Бош вазир девони билан бирлашган Коррупция амалиётларини тергов қилиш бюросига бевосита давлат раҳбарига (Бош вазир) бўйсунувчи директор бошчилик қилади. Бюро қуйидаги учта бўлимдан ташкил топади: тергов бўлими, маълумот-ахборот бўлими ва ёрдамчи бўлим [5].

Бюронинг асосий вазифалари давлат ва хусусий соҳаларидаги коррупцияга оид даъволарни ўзичига олган мурожаатларни кўриб чиқиш, давлат хизматчилар томонидан содир этилган совуққонлик ва бепарволик ҳолатларини тергов қилиш, шунингдек, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлигини текширишдан иборат.

Бюро давлат хизматида ҳалоллик тамойилини сақлаш учун жавобгардир. Шунинг учун Бюро томонидан ваколатдан шахсий манфаатлар учун фойдаланиш мумкин бўлган фаолият турлари алоҳида назоратга олинган.

“Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни билан Бюрога кенг ваколатлар берилди. Жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ, бунинг учун асослар мавжуд бўлса, Бюро суд қарорисиз, мақоми ва мансабидан қатъи назар, коррупцияда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш ва тинтув қилиш, ҳар қандай биноларга кириш ва тинтув ўтказиш, коррупцион ҳаракатлар билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатларни, мулкни олиб қўйиш мутлақ ҳуқуққа эга.

Бюро бюджет маблағларининг ўтказилишини назорат қилиш мақсадида, гумон қилинувчи шахсларнинг ҳар қандай банк, улуш ва ҳисобварақлари ҳамда молияга оид ёзувларни текширишга ҳақли. Шу билан бирга, тергов гумон қилинувчининг қариндошлари ва кафилларига нисбатан ҳам олиб борилиши мумкин. Бюро, коррупцияга оид иши юзасидан аниқланган ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар бўйича терговни амалга

ошириши мумкин. Қонунга кўра, коррупцияга қарши кураш бўйича тергов бюросига кўрсатма бериш учун чақирилган гувоҳлар ўз фуқаролик бурчини бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас [6].

Сингапурда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш одат тусига кирган. Бунинг учун ҳатто қўлай шароитлар ҳам яратиб берилган. Ҳар ким коррупцияга қарши махсус киосклар ёки коррупцияни огоҳлантириш марказлари орқали оммавий ёки аноним ҳолда коррупция ҳақида хабар бериши мумкин. Бинобарин, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берганлар ҳимояга олинган.

Бюронинг фаолияти давомида бир неча федерал вазирлар, касаба уюшмалари раҳбарлари, жамоат арбоблари, давлат компанияларининг топ-менеджерлари хибсга олинган. Баъзилари ҳалигача жазо муддатини утамоқда. Кўплаб порахурлар амалдорлар мамлакатни тарк этган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Сингапурнинг Коррупция амалиётларини тергов қилиш бюроси ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш ва мунтазам тажриба билан алмашиш юзасидан келишувларга эришилган.

Сўзсиз, жазонинг муқаррарлиги коррупцияни жиловлаб турувчи муҳим омиллардан биридир. Жазонинг муқаррарлигини таъминлашда Сингапурда яратилган, сиёсий аралашувдан ажралган мустақил суд тизими алоҳида ўрин тутди. Сингапур суд тизими иложи борича коррупцияга ботган мансабдор шахсларга юмшатовчи омиллар яратиб бермайди, аксинча катта жарималар ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоларини қўллайди. Чунончи, судларга коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида олинган даромадларни мусодара қилиш ҳуқуқи берилди.

Коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мустақил Сингапурда Оммавий ахборот воситалари ҳақиқий туртинчи ҳокимиятга айланган. Улар давлат хизматчилари, уларнинг аъзолари ва дустларининг турмуш тарзини диққатлик билан кўзатиб боради. Даромадлардан ортиқ яшаётган мансабдор шахслар дарҳол ОАВ биринчи саҳифа қаҳрамонига айланади. Бундан ташқари, барча коррупция ҳолатлари оммавий ахборот воситаларида ёритилиши шарт.

Коррупцияга қарши курашнинг биринчи стратегияси доираси, маъмурий тартиб-таомилларни қисқартириш, соддалаштириш ва шаффофлигини таъминлаш ҳам аҳамият касб этади. Бу ўринда, давлат бошқарувида “инсон омили”ни бартараф этишда имкон берадиган, замонавий давлат хизматларини рақамлаштириш муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда Сингапурда, деярли барча давлат хизматларига оид мурожаатларни ўйда тўлдириш ва электрон почта орқали тегишли органларга юбориш учун имкониятлар яратилган.

Коррупцияга оид ҳаракатларни содир этишга ундайдиган мотивларни (сабаблар) тугатишнинг асосий мазмунини “ҳалол ҳукумат” тамойилларини шакллантириш ва амалга ошириш ташкил этди. Ушбу тамойилни таъминлашда қонун устуворлигини ва барчанинг, шу жумладан юқори мансабдор шахслар ва уларнинг қариндошларининг қонун олдида тенглигини белгиловчи Сингапурнинг коррупцияга қарши қонунчилигига алоҳида ўрин берилган.

Ҳукуматнинг жамиятда қонун устуворлигини қатъий ўрнатгани, қонун олдида ҳар бир фуқаронинг тенг жавоб бериши Сингапур муваффақиятининг омили бўлди. “Агар Сиз коррупцияни енгишни истасангиз, дўстларингиз ва қариндошларингизни қамоққа юборишга тайёр бўлинг. Ўз дўстларингиздан учтасини панжара ортига ўтқазишдан ишни бошланг. Нима учунлигини Сиз ҳам улар ҳам яхши биласизлар” – деб, таъкидлаган Ли Куан Ю [7].

Қонун устуворлиги учун Бош вазир Ли Куан Ю ҳатто яқин дустини ҳам қамоққа ташлади. Миллий ривожланиш вазири Тех Чанг Ван ишлаб чиқарувчиларга умумий фойдаланиладиган ер участкаларини бергани учун 800 минг АҚШ доллар пора олганликда айбланганда, у ўз жонига қасд қилишни маъқул куради. Улимидан олдинги Ли Куан Ю номига ёзилган оҳирги хатида у шундай ёзган эди: “Шарқий олийжаноб

жентлмен сифатида мен ўз хатойим учун энг юқори жазони олишим адолатли бўлади”.

Албатта, ҳалоллик тамойилини таъминлашда давлат хизматчиларининг юқори маошлари алоҳида ўрин тутати. Масъул лавозимларни эгаллаган давлат хизматчиларининг маошлари хусусий корпорацияларнинг топ-менежерлари учун хос бўлган даражага кўтарилди. Судьяларнинг маошлари кескин оширилди, бошқа давлат хизматчиларининг ҳам маошлари сезиларли даражада оширилди. Ли Куан Ю: “Кам маош олувчи вазирлар ва давлат хизматчилари бир нечта Осиё ҳукуматини йўқ қилди. Сиёсий раҳбарлар ва юқори мартабали амалдорларнинг ҳалоллиги ва ахлоқини сақлаб қолиш учун муносиб ҳақ тўлаш жуда муҳим” деб таъкидлаган эди [8].

Сингапурнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлигини белгилашда, уни Жануби-Шарқий Осиёнинг энг саноатлашган марказларидан бирига айлантиришда сингапурликлар танлаган қуйидаги учта асосий тамойил муҳим ҳисобланади: меритократия, прагматизм ва ҳалоллик [9].

Сингапурда давлат хизматининг фаолияти меритократия тамойилига асосланади, бу том маънода муносиблар бошқарувини англатади².

Меритократия тамойилини амалга ошириш, одамларнинг шахсий қобилияти (раҳбарлик қобилияти, стратегик фикрлаш), билими ва кўникмаларини (инновацион бошқарув усулларида фойдаланган ҳолда ҳал этиш ва ҳаракат қилиш) ҳисобга олган ҳолда давлат хизматига жалб этишда намоён бўлади. Ушбу тамойилни ҳаётга татбиқ этишда очиқ танлов асосида давлат хизматига қабул қилиш муҳим аҳамият касб этди.

Меритократия тамойилини таъминлашда, шунингдек, мансабдор шахсларнинг эгаллаб турган лавозими, иш сифати ва эришилган натижаларига қараб муносиб ҳақ тўлаш аҳамият касб этади. Бундан ташқари, юқори маошлар меҳнат бозорида хусусий компаниялар билан рақобатда муҳим омил сифатида қўлланилиб, давлат хизматига энг яхши кадрларни жалб қилиш имконини берди [10].

Муваффақиятли давлат хизматини шакллантиришда сингапурликлар талқинида мамлакат гуллаб-яшнаши учун энг самарали хорижий тажрибани танлашни англатувчи прагматизм тамойили асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳалоллик тамойилига амал қилиш Сингапур ҳукумат тузилмаларининг муваффақиятли фаолиятининг муҳим шартидир. Ҳалоллик ва ошкоралик тамойилларини таъминлашда давлат хизматчилари учун юқори стандартларни белгиловчи хулқ Кодекси муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, хулқ Кодекси ходимлар коррупциянинг ҳар қандай намоён бўлиши ҳақида хабар беришлари, ўзларининг даромадлари ва харажатлари тўғрисида йиллик ҳисоботларни тақдим этишлари, иш муносабатларида қарам ҳолатига олиб келадиган совға ва таклифларни қабул қилмасликлари шартлигини белгилайди.

Шундай қилиб, мамлакат раҳбариятининг сиёсий иродаси ва шахсий намунаси, коррупцияга қарши кураш стратегияси вазибаларини изчил ҳал этиши туфайли, Сингапур раҳбарияти қисқа даврда коррупцияни жуда паст даражага тушира олди ҳамда давлатни ривожланган иқтисодиёт ва саноат марказларидан бирига айлантиришга муваффақ бўлди. “Менинг иккита йўлим бор эди: Биринчиси, дўстларим ва қариндошларимни “Forbes” рўйхатига олиб чиқиш ва шу билан халқимни яланғоч ерда қолдириш. Иккинчиси эса, бу халқга хизмат қилиб, мамлакатни дунёнинг энг яхши давлатларнинг ўнлигига киритишдир. Мен иккинчисини танладим ...” – деган эди марҳум Сингапур бош вазири Ли Куан Ю [11].

Албатта, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ислохотлар халқаро ҳуқуқ нормалари, шунингдек, ривожланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тажрибага асосланади. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари кўплаб мамлакатлар билан, шу жумладан, Сингапур давлати билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаётгани биз барпо қилаётган Янги Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Corruption Perceptions Index 2023 // Transparency International: website. //URL: <https://www.transparency.org/en/cpi2023/results>.
2. Ли Куан Ю. Сингапурская история: 1965–2000 гг. Из третьего мира – в первый / Ли Куан Ю. М. : МГИМО-Университет, 2010 // URL: https://olzublog.files.wordpress.com/2016/09/singapoor_story.pdf.
3. Бу ҳақда қаранг: Гладченко Л.В. Об опыте Сингапура по противодействию коррупции//Проблемы национальной стратегии, № 3 (24), 2014 // URL: <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/172609/1/96-101.pdf>.
4. URL: <https://anticor.hse.ru/main/country/Singapore>.
5. Герменчук В. Борьба с коррупцией в Сингапуре: слагаемые успеха//Банкаўскі веснік, СНЕЖАНЬ, 2011 // URL: <https://www.nbrb.by/by/pdf/articles/8938.pdf>.
6. Lee Kuan Yew. The Singapore Story: 1965 – 2000. From third world to first. Harper Col Lins Publishers. Chapter 12. Struggle against corruption. N.Y.: USA, 2000 // URL: https://www.intuganda.org/wp-content/uploads/kanzu_intug/class24/From-Third-World-to-First-World_The-Singapore-Story-1965-2000-Lee-Kwan-Yew.pdf.
7. Гладченко Л.В. Об опыте Сингапура по противодействию коррупции// Проблемы национальной стратегии, № 3 (24), 2014 // URL: <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/172609/1/96-101.pdf>.
8. Ли Куан Ю. Сингапурская история: 1965–2000 гг. Из третьего мира – в первый / Ли Куан Ю. М.: МГИМО-Университет, 2010 // URL: https://olzublog.files.wordpress.com/2016/09/singapoor_story.pdf.
9. Жетписбаев Б.А. Мировой опыт борьбы с коррупцией: феномен Сингапура // URL: <https://articlekz.com/article/7114>.
10. Гладченко Л.В. Об опыте Сингапура по противодействию коррупции//Проблемы национальной стратегии, № 3 (24), 2014 // URL: https://olzublog.files.wordpress.com/2016/09/singapoor_story.pdf.
11. Раҳимов Х. Сингапур “муџизаси”ни ким яратган? // URL: <https://uzhurriyat.uz/2023/11/23/singapur-mujizasi-ni-kim-yaratgan/>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КАРАКЕТОВА Дилноза Юлдашевна
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга
қарши куришиш кафедраси катта ўқитувчиси,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: d.yu.karaketova@gmail.com

КРИМИНОЛОГИЯДА САБАБИЯТ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): КАРАКЕТОВА Д.Ю.
Криминологияда сабабият // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald.
№ 2 (2024) Б. 121-135.

 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-2-16>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноятчилик сабабларига оид асосий ёндашувлар таҳлил қилинган. Классик ёндашувлар вакиллари Чезаре Беккарианинг “Жазо назарияси”, Чезаре Ломброзининг “Антропологик мактаб назарияси”, Иеремия Бентамнинг “Ирода эркинлиги назарияси” ва Эмил Дюркгеймнинг “Аномия назарияси”, ижтимоий-психологик ёндашувлар вакиллари “Дифференциал боғлиқлик (табақалаштирилган) назарияси”, “Бегоналаштириш назарияси”, “Нейтрализация назарияси”, “Субмаданият назарияси”, “Дрейф (кеманинг курсдан оғиши) назарияси”, “Стигмация назарияси” ўрганилган. Муаллиф иқтисодий, ижтимоий-маданий, психологик, оилавий ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда жиноятчилик сабабларини бир неча мезонларга кўра таснифлашга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: сабабият, жиноятчилик, жиноятчилик назарияси, жиноятчилик сабаблари, омиллар гуруҳи, таснифлаш, диалектика қонуниятлари ва категориялари, жиноятчиликка имкон берган шарт-шароитлар, жиноятчиликнинг объектив ва субъектив сабаблари.

КАРАКЕТОВА Дилноза Юлдашевна
Старший преподаватель Ташкентского государственного юридического
университета, доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: d.yu.karaketova@gmail.com

ПРИЧИННОСТЬ В КРИМИНОЛОГИИ

АННОТАЦИЯ

В статье представлен обзор различных теорий причин преступности. Классические подходы представлены “Теорией наказания” Чезаре Беккариа, “Теорией антропологической школы” Чезаре Ломброзо, “Теорией свободы воли” Джереми Бентама и

“Теорией аномии” Эмиля Дюркгейма, среди социально-психологических подходов сделан обзор “Теории дифференциальной зависимости (дифференцированной)”, “Теории отчуждения”, “Теории нейтрализации”, “Теории субкультуры”, “Теории дрейфа (отклонения корабля от курса)”, “Теории стигматизации”. Авторами предпринята попытка классифицировать причины преступности по нескольким критериям с учетом экономических, социокультурных, психологических, семейных и социальных факторов.

Ключевые слова: причинность, преступность, теория преступности, причины преступности, группа факторов, классификация, закономерности и категории диалектики, условия, способствовавшие преступности, объективные и субъективные причины преступности.

KARAKETOVA Dilnoza

Senior lecturer at Tashkent State University of Law,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: d.yu.karaketova@gmail.com

CAUSATION IN CRIMINOLOGY

ANNOTATION

The article provides an overview of various theories of the causes of crime. Classical approaches are presented in “Theory of Punishment” by Cesare Beccaria, “Theory of Anthropological School” by Cesare Lombroso, “Theory of Freedom of Will” by Jeremy Bentham and “Theory of Anomie” by Emil Durkheim, among the socio-psychological approaches, “Theory of Differential Dependence (Differentiated)”, “Theory of Alienation”, “Theory of Neutralization”, “Theory of Drift (Subculture)”, “Theory of Stigmatization”. The authors attempted to classify the causes of crime based on several criteria, taking into account economic, sociocultural, psychological, family, and social factors. The authors attempted to classify the causes of crime based on several criteria, taking into account economic, sociocultural, psychological, family, and social factors.

Keywords: causality, criminality, crime theory, causes of crime, group of factors, classification, patterns and categories of dialectics, conditions that contributed to crime, objective and subjective causes of crime.

Криминология фанида мураккаб ва ҳал қилиниши жиҳатдан аҳамиятли бўлган муаммоли категориялардан бири “сабабият” ҳисобланади. Криминологияда сабабият жиноятчилик ҳақидаги фаннинг методологик ва фалсафий масалаларидан бири сифатида эътироф этилади. Яъни “сабабият” нафақат криминология, балки жиноят ҳуқуқи, фалсафа фанларининг ҳам тадқиқот объекти ҳисобланади. Мамлакатимизда криминологияда “сабабий боғлиқлик” ҳақидаги таълимотлар муаммо сифатида махсус тадқиқ қилинмаган.

Бундан ташқари айтиб ўтиш керакки, жиноятчилик сабабларини умумметодологик жиҳатдан ўрганиш – жамиятдаги салбий ҳодиса ҳисобланган жиноят, унинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитлари, шунингдек, жиноятчилик тузилиши, унга таъсир кўрсатувчи устувор омиллар ва йўналишларни аниқлаш ва билишни тақозо қилади. Аксарият ғарб криминологларининг фикрига кўра, жиноятчилик сабабларининг тадқиқ қилиниши ва ўрганилиши инсоният цивилизацияси ва глобаллашуви жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Маълумки, жамиятда турли: позитив (ижобий) ва негатив (салбий) ҳодисалар мавжуд бўлиб, бундай ҳодисалар ичидан айнан қайсилари негатив эканлигини ўрганиш эса криминология фанининг асосий вазифаларидан биридир. Жиноий ҳулқ-атвор, жиноятчилик ана шундай кўп объектлики негатив ҳодисалардан бири бўлиб,

бундай қилмишларнинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва ўрганиш жамият учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Криминология фанининг методологик асосини диалектика қонуниятлари ва категориялари ташкил этади. Криминологияга тегишли бундай категориялар ичидан “сабаб ва оқибат” категорияси муҳим бўлиб, у криминологияда виктимология ва жиноятчилик сабаб ва шарт-шароитларини тадқиқ этиш учун қўлланилади.

Ҳозирги кунда бир қанча университет ва институтларда “криминологик сабабият” мавзусида тадқиқотлар ўтказилишига катта эътибор берилмоқда.

Криминологияда сабабият мураккаб ва аралаш муаммолардан биридир, шунинг учун ҳам бу тушунча алоҳида ҳолатларини эътиборга олган ҳолда босқичма-босқич ўрганилиши лозим. Ҳар бир ҳолат вужудга келишининг умумий категорияси “детерминация” (лот Determinare белгилаш) криминологияда муҳим аҳамият касб этади.

Детерминизм барча ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва сабабий боғлиқлиги, объектив қонуниятлари ҳақидаги фалсафий таълимотдир. У сабабиятнинг умумий хусусиятини рад этувчи индетерминизм таълимотига қарама-қарши ҳисобланади.

Детерминация бу ҳолат, жараён ва ҳодисаларнинг объектив мавжуд боғлиқлигидир.

Диалектика қонунига кўра, барча мавжуд нарсалар доимий ҳаракатда, воқелик соҳаларидаги ҳодисаларнинг боғлиқлиги турли: элементар, механик, физик, биологик ва ижтимоий шаклда бўлади.

Детерминация турли шаклларта эга: ҳодисаларнинг боғлиқлиги, функцияларнинг алоқаси, корреляция, сабабият ва ҳ.к.

Сабабий боғлиқлик детерминация ҳақидаги таълимотнинг асосини ташкил қилади. Сабабият эса детерминациянинг ички ўзига хос хусусиятларга эга: умумийлик, орқага қайтиш кучига эга эмаслик, вақт ва ҳудуд бўйича узвийлик.

Ўз табиатига кўра сабабият – генетик боғлиқлик ҳисобланади, чунки сабаб маълум бир оқибатларни келтириб чиқаради.

Инглиз астрономи, физик-математик, материалист Гершель Джон Фредерик Вильям нуқтаи назарига кўра, барча фанларнинг асосий вазифаси сабабиятни аниқлашдан иборат бўлиши керак. Бу вазифани у қуйидаги 5 қоида орқали белгилаб беради:

- 1) сабаб ва оқибат боғлиқлигининг ўзгармаслиги;
- 2) сабаб мавжуд бўлмаганида оқибатнинг ҳам мавжуд эмаслиги, ўзгармаслиги;
- 3) сабаб ҳақиқийлигининг ўсиши ва камайиши оқибатнинг ўсиши ва камайишига олиб келиши;
- 4) тўғри, тўсиқсиз ҳаракатларнинг ҳар бир ҳолатида сабаб оқибатларининг бевоситалиги;
- 5) сабаб йўқолиши билан оқибатнинг йўқолиши[1].

Сабабият категорияси 30дан ортиқроқ алоқаларни бирлаштириб, сабаб, шунингдек, шарт-шароит, натижа (оқибат) ва улар ўртасидаги алоқадорликларни ўз ичига олади.

Фалсафада шарт-шароитларнинг бирга содир бўладиган, зарур ва етарли кўринишлари мавжуд.

Бирга содир бўладиган шарт-шароитлар деганда, сабаб вужудга келишининг вақт ва ҳудуддаги ҳолатлари тушунилади. Зарур шарт-шароитлар сифатида уларсиз жиноий сабаблар келиб чиқмайдиган шарт-шароитлар тан олинади. Зарур шарт-шароитлар мажмуи эса етарли шарт-шароитларни келтириб чиқаради.

Сабаб ва шарт-шароитлар ўртасидаги муносабат нисбий бўлиб, у генетик характерга эга, яъни сабаб хатти-ҳаракатни вужудга келтирса, шарт-шароит сабаб билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар имкониятини келтириб чиқаради.

Сабаб ва оқибат динамик ва статик қонуниятлар билан ўзаро боғлиқдир. У ёки бу жиноят содир этиш билан шахс маълум бир ижтимоий муносабатларга зарар етказиши. Бу ерда сабабий боғланиш ҳулқ-атворнинг мотив ва мақсади шаклида ифодаланган шахс билан боғлиқдир.

1995 йилда Россия Федерациясида чоп этилган “Криминология” дарслигида “ҳар

бир жамиятда жиноятчиликнинг умумий сабаби - бу объектив ижтимоий қарама-қаршиликдир[2]”, деб таъкидланган.

А.И. Долгованинг фикрича, ҳар бир жамиятдаги жиноятчиликни унинг вужудга келган жойи, вақти ва шароитларининг хусусиятларидан келиб чикиб ўрганиш керак. Бу эса ижтимоий субъектлар тизими ва эҳтиёт чораларини белгилаш каби амалий мақсадлар учун хизмат қилади[3].

В.Н. Кудрявцевнинг фикрига кўра, жиноятчилик сабаблари бир хил бўлмасдан, бундай сабаблар асосини объектив ижтимоий қарама-қаршилик ташкил этади.[4]

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, ижтимоий хавфли ҳодиса ҳисобланган жиноятчилик ижтимоий хусусиятга эга бўлганлиги учун ижтимоий муносабатлар доирасидагина ўзининг сабабларига эга бўлади.

Иккинчидан, жиноят ва жиноятчиликнинг аниқ, ягона сабабини кўрсатиш методологик жиҳатдан нотўғри бўлиб, сабабият криминологияда комплекс ҳодисадир.

Учинчидан, жиноятчилик сабаблари муаммоларига комплекс нуқтаи назаридан қараш керак.

Қуйида жиноятчилик сабаблари ҳақидаги асосий назарияларга тўхталамиз. Жиноятчилик сабабларининг вужудга келиши тўғрисида қатор концепциялар ишлаб чиқилган бўлиб, бу борада бир неча: теологик ва астрологик, антропологик ва биологик, бионик ва кибернетик, генетик ва психологик нуқтаи назарлар мавжуддир.

Махсус адабиётларда жиноятчилик сабабларининг асосан икки: биологик ва социологик йуналиши белгиланган. Лекин булардан ташқари бир неча таълимотлар ҳам мавжуддир.

Ушбу назарияларнинг қадимгиларидан бири теология таълимотидир.

Биринчидан, бу таълимотда “жиноят” сўзи ўрнига “гуноҳ” сўзи ишлатилади. Лекин “гуноҳ” сўзи ижтимоий хавфли бўлган жиноят билан бирга шахс хулқ-атвор қоидаларини ҳам ўз ичига олади.

Иккинчидан, бу таълимотнинг асосий ғояси инсон ҳаёти гуноҳдан иборат ва инсоният гуноҳлар мажмуи билан қопланган.

Хулоса қилиб айтганда, бу таълимотга кўра, шахснинг жиноий (гуноҳли) хулқ-атвори — дастлаб одам ўзинини хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлган, кейинчалик у табиий характерга эга бўлиб, одамнинг ажратиб бўлмайдиган сифатига айланган, бу ҳолат эса инсоният бутунлай инқирозга учрашигача давом этади.

Илоҳийлик таълимотига вақт ва руҳиятига кўра яқинроқ бўлган тиббий-астрология таълимотида қуёш, ой ва қуёш системасидаги бошқа планеталар ҳамда бурж белгиси, юлдуз ва космик нурланишлар инсон аурасига таъсир қилади[5], деб ҳисобланади. Масалан, бир бурж остида туғилган инсонлар бир хил касалликка, бир хил тақдирга эга бўлади. Ҳар бир бурж белгиси инсон аурасига мўлжалланган бўлиб, унинг индивидуал хусусиятлари (космик коди, биокоди)ни белгилайди.

Астромедицина йуналиши вакиллариининг тасдиқлашича, қуёш энергияси инсон энергияси (унинг умуртқа, юрак энергияси)га циркуляр таъсир қилади. Лекин бу таълимотда инсоннинг қилмишининг қуёш энергиясига боғлиқлиги ҳақида аниқ гапирилмаган.

Жиноятчилик сабаблари ва унга қарши курашишнинг методологик асосини таълимотлар ичида XVIII аср ўрталари яратилган омиллар назарияси (теория факторов) ташкил этади. Бу назариянинг асосчиси Шарль Монтескье ўзининг “Қонунлар руҳи” асарида шахснинг хулқ-атворига таъсир кўрсатувчи бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи қуйидаги омилларни: бошқарув шакли, қонунчилик, мамлакатнинг географик жойлашуви, иқлим, тупроқ сифати, халқнинг турмуш тарзи, виждон эркинлиги даражаси, аҳолининг табақаланиши ва сони, бойлик, савдо-сотик, одат ва удумларни кўрсатиб ўтди[6], Монтескье назариясида жиноятчилик сабабиниинг икки географик ва иқлим билан боғлиқ йуналиши кўрсатилган.

Инглиз моралисти, юрист Иеремия Бентам ўзининг “Қонунчилик ва ахлоқ асосларига кириш” асарида шахснинг хулқ-атворига, хусусан, жиноятчиликка таъсир қиладиган 32та ҳолатни санаб ўтган: мустақамлик, жисмоний ожизлик, билим даражаси ва сифати, аклий имкониятлар кучи, характернинг қўполлиги, доимийлиги, одат йўналишлари, маънавий эҳтиёжлар, ахлоқий ва диний сезувчанлик, диний эҳтиёжлар, ёқимсизликни хуш кўриш, нодонлик, оддий билимлар, молиявий аҳвол, тана тузилиши, ёқтириш ва ёқтирмасликдан келиб чиқадиган алоқалар, жинс, ёш ижтимоий ҳолат, тарбия, иқлим, ижтимоий ҳолат, тарбия, иқлим, келиб чиқиш, бошқарув шакллари, дин ва ҳ.к[7].

Бентам ўзининг “Деонтология, ёки ахлоқ тўғрисидаги фан” асарида шахс хулқ-атворининг мотиви роҳат ёки азоб-уқубатларга олиб келишини тасдиқлаган. Руҳият, унинг ғояси бўйича, аниқ бир шахснинг қилмиши натижасида вужудга келувчи роҳат ва уқубатнинг мувозанати сифатида математик характерга эга[8].

XIX аср 1-ярмида белгиялик олим Адольф Кетле Статистик маълумотлар асосларига ихтисослашган жиноятчилик омиллари назариясини яратди. Унинг бундай назарий қарашлари “Ижтимоий физика” асарида асослаб берилган. Ўрта ёшли шахсларнинг жиноят содир этишига бўлган иштиёқини аниқлаш учун Кетле ахлоқий (руҳий) элементга иқлим, жинс ва ёш таъсирини тадқиқ қилиш ва бутаъсирлар ҳақиқийлигининг даражасини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

“Ёш бевосита жиноятчиликка мойилликнинг кучайиши ёки пасайишига таъсир кўрсатувчи сабаблардан биридир. Бу мойиллик шахснинг эҳтирос ва жисмоний кучи интенсивлиги билан тенг даражада ривожланади”.

“Жинсларнинг турли хиллиги ҳам жиноятчилик мойиллигига таъсир кўрсатади”.

“Жиноятчиликка йил вақтларининг алмашуви таъсир кўрсатишини аниқлаган ҳолда, у ёз вақтида - шахсга қарши жиноятлар кўпроқ, мулкка қарши жиноятлар эса камроқ этилади, қишда эса “аксинча”, - деб таъкидлайди.

“Иқлим асосан одамнинг шахсга қарши жиноятлар содир этиш мойиллигига таъсир қилади.”

У жиноятчилик омиллари сифатида ёш, жинс, иқлимга эътибор бериб, булардан ташқари, қуйидаги омилларни санаб ўтади: ишлаб чиқариш ва савдо тараққиёти, фуқароларнинг тенгсизлиги, касб роли, улуғлаш, қашшоқлик ва ҳ.к.[9]

Кўпчилик криминалистлар ва юристлар омиллар назариясидаги қуйидаги:

1. Жиноятчиликнинг асосий сабабларини тушунтиришда жиноятчиликнинг алоҳида омилларини белгилаш зарурияти;

2. Шахснинг хулқ-атвори индивидуал омиллар мажмуи сифатида жиноятчилик ривожланиш қонуниятлари билан бирга тадқиқ қилиш зарурияти;

3. Жиноятларга био-физиологик ва ижтимоий омиллар маҳсули сифатида қарашни тан оладилар.

Жиноятчилик сабаблари тўғрисидаги биологик таълимотлар нисбатан ривожланган таълимотлардан биридир.

Австриялик анотом Г.И.Галль инсон миясида “ўғрилиқ ва одам ўлдириш ҳаракатининг қўзғалишига олиб келадиган маълум бир жой”ни топиш мумкинлигини таъкидлайди[10].

Жиноятчиликнинг биологик омиллари ва унинг таснифи муаммолари билан биринчи марта алоҳида шуғулланган италиялик врач, криминалист, Турин Университети анатомия фанлари профессори Чезаре Ломброзо “антропологик мактаб” асосчиси ҳисобланади.

Ломброзо жиноятчилик сабабларини: эволюцион характерга эгаллигини белгилаб, “жиноятчи бўлиб туғилган шахсларнинг табиати» омилига кўпроқ аҳамият берди. Бу борада у дастлаб жиноятчилик омилларининг схемасини эмас, балки жиноятчи бўлиб туғилган шахснинг “стигма” белгилари, симптомлари схемасини ишлаб чиқди. Бундай схемалар унинг “Жиноятчи одам”, “Жиноят унинг сабаблари ва даволаш воситалари” асарларида ифодаланган.

“Жиноий одам” асарида жиноятчи бўлиб туғилган шахснинг характерли белгиларига

эътибор берган. Кейинчалик эса жиноятчи бўлиб туғилган шахснинг антропологик, биологик, биопсихологик белгиларини тадқиқ қила бошлади. Унинг намунавий схемаси куйидагича:

- а) руҳий касал ва нормал шахслар, жиноятчининг бош суяги тузилиши, хусусиятлари, бузилишлар (аномалия);
- б) мия бузилишлари: морфологик ва психологик бузилишлар;
- с) ички бузилишлар: юрак, ошқозон ва ҳ.к.;
- д) вазн, қомат, бош, юз, қулоқ, бурун, оғиз, соч, терининг атропометрик хусусиятлари;
- е) тана бузилишлари: кўкрак, томирлар ва ҳоказоларнинг аномалиялари;
- ф) биопсихологик хусусиятлар: тана температураси, таъсирчанлик, шафқатсизлик, майга ва қимор ўйинига ишқибозлик, диндорлик, ахлоқий сезгилар, виждон қийналиши, ўз қилмишидан пушаймон бўлиш, адолат туйғуси, дангасалик, енгилтаклик, цинизм, ёлғончилик, маълумот, жаргон, имо-ишоралар, дастхат, татуировка [11].

“Жиноят, унинг сабаблари ва даъволаш воситалари” асарида Ломброзо “ҳар бир жиноят сабаблар кўплигидан келиб чиқади” деган сўз бошисида жиноятчилик омилларининг бутун бир тизимини ривожлантирди.

У асосий ҳисоблаган физик, биологик, психологик ва ижтимоий омиллар гуруҳидан келиб чиқувчи куйидаги 15та:

- 1) иқлимий ва метеорологик омиллар ҳаддан ташқари ортиқ ҳарорат, мўтадил ҳарорат, йил фасллари, иссиқ кунлар, жиноятчилик йилномаси, иссиқ давлатлар ва бошқа таъсирлар;
- 2) географик омиллар: геология, география, безгак (малярия), ўлим;
- 3) ирқ омиллари: ирқ таъсири, жиноятчилик марказлари, делихоцефаллар, брахицефаллар (қиска, думалоқ каллали одам), рангли ва қора сочлар, еврейлар, богемалар (капиталистик мамлакатлардаги турмуш шароити оғир аҳволдаги адиблар, артистлар, рассомлар ва зиёлилар);
- 4) цивилизация ва варварлик омиллари: варварлик (маданиятсизлик), одамларни тўплаш, эмиграция, иммиграция, туғилиш, шаҳар, қишлоқ;
- 5) Овқатланиш билан боғлиқ омиллар;
- 6) алкоголизм ва наркотизм омили: ичкиликнинг салбий таъсири, пауперизм, алкоголизмнинг ривожланиши, наркотик, морфий истеъмол қилиш;
- 7) таълим омиллари: саводлилик, саводсизлик, таълим, таълим аломатлари;
- 8) иқтисодий омиллар: нархлар ва солиқлар, ишсизлик, иш ҳақи тўлаш кунлари, омонат кассалари, қишлоқ хўжалик ва саноат туманлари, бойлик, камбағаллар жиноятчилигининг устунлиги;
- 9) дин омили;
- 10) тарбия омили: никоҳсиз туғилганлар, етимлик, ахлоқсиз ота-оналар, тарбия;
- 11) ирсият омили: атавистик ирсият, ота-оналарнинг руҳий ёки тутқаноқ (эпилепсия) касаллиги, алкоголизм сифатидаги мерос, ота-она ёши;
- 12) ёш омили: илгарилаб кетиш, ёш;
- 13) жинс омили: жинс ва ёш мослиги, жиноятчининг жинс билан боғлиқ хусусиятлари, фоҳишабозлик;
- 14) фуқаролик ҳолати омили: фуқаролик ҳолати, касб, ҳарбий хизмат, ишдан жирканиш;
- 15) бошқа омиллар: тюрма, сенсация, тақлид қилмоқ [12] кўрсатилган.

Ломброзо туғма жиноятчи назарияси билан бирга шахснинг ташқи белгиларига кўра жиноятчилар типлари назариясини ҳам яратди.

Лекин Ломброзонинг қарашлари ҳаёт бўлган давридаёқ танқидга учради. Инглиз врачлари Горант жиноятчилар ва оддий одамларни қиёсий ўрганишнинг антропологик назарияси хулосаларини таҳлил қилиб, жиноятчиларнинг антропологик типлари мавжуд эмаслигини таъкидлади. Ломброзо шогирдлари Энрико Ферри ва Рафаэль Гарофало жиноятчи эркинлигини рад қилиб, унинг биологик шарт-шароитларига эътиборларини қаратишди. Э.Ферри “жиноятни касаллик, жазо тизимини эса - унинг

давоси”[13] сифатида кўришни таклиф қилди.

Охир оқибат биологик омиллар мураккаб детерминантлар комплексига қадар қисқартирилиб қуйидаги кўринишга эга бўлди:

1) антропологик омиллар: тана тузилиши, шахсий хусусиятлар;

2) физик омиллар: иқлим, вақт, йил, ҳарорат.

3) ижтимоий омиллар: ижтимоий фикр, дин, оилавий муносабат, мактаб режими, саноат ҳолати, иқтисодий ва сиёсий қонунчилик тизими[14].

Ломброзианлик криминология учун жиноят сабабларини шахнинг туғма, ташқи белгиларида кўринувчи “жиноятчи бўлиб туғилган шахслар назарияси”ни киритди.

Лекин Ломброзианлик йўқолиб кетмади, ҳозирги даврда унинг янги йўналишларидан бири ҳисобланган неоломброзианлик ҳам мавжуддир.

Масалан, криминал-биологик назарияга кўра, рецидивистларнинг тасодифий жиноятчилардан фарқлантирувчи физик ва психологик хусусиятлари мавжуд. Кречмер эса “тана тузилиши (конституцион) қобилияти назарияси”ни илгари суриб, шахсларни жисмоний жиҳатдан тана тузилишидан фарқлайди ва жиний қилмишни ўрганишни бу билан бевосита боғлайди[15].

Шелдон ва Глюк жиноятчи типининг “морфологик” назариясига асос солиб, маълум бир типлар ўртасида шахнинг жисмоний, ташқи белгилари ва потенциал жиҳатдан боғлиқлик мавжудлигини исботлаб берди [16].

Бизга маълумки, организмнинг ўзгарувчанлиги ва ирсият қонуниятлари ҳақидаги фан биологиянинг нисбатан янги йўналиши ҳисобланган “генетика”ни ташкил этади.

Генетик назария инсон хулқ-атвори сабаблари табиати ҳақидаги биологик таълимотлардан бири ҳисобланади. Бу назария тарафдорларининг асосий ғоясига кўра, ўйинчи ўз қўлидаги карта билан янги партияни бошлаганлиги каби ҳар бир шахс ўзидаги генлар билан ўзининг ҳаётини бошлайди.

Жиний қилмишларнинг генетик кодлар билан боғлиқлигини ва ўзаро алоқадорлигини исботловчи ҳолатлардан бири эгизаклар ўртасидаги жиноятчилик ҳисобланади.

Эгизакларда ирсият бир хил бўлиб, улар фақат ўсиш, ривожланиш шарт-шароитлари билан фарқ қилади. Бу ҳолат бутунлай генетик ўхшашлик мавжуд бўлган эгизаклардан бирида жиноят содир этишга мойилликнинг иккинчисида жиноятчиликнинг қайтарилиши мавжудлигини кўрсатишда қўлланилди[17]. Бу назария тарафдорлари томонидан 249 жуфт эгизаклар ўртасида эксперимент ўтказилганда, эгизаклардан бири жиноят содир этгани 62.9% ҳолларда уларнинг иккинчиси ҳам жиноятчи бўлиб ҳисобланади. Яъни ирсият таъсир даражаси 15-80% бўлса, атроф-муҳит таъсир даражаси 20-25 % ҳисобланади.

Америкалик биолог Морган Томас Хант асос солган “Хромосома назарияси”га кўра, одамда 46та хромосома бўлиб, агар улар 47та бўлиб қолса, яъни битта ошиб қолса одам нормал бўлмаган ҳолатда бўлади ва бундай одамлар бўйи узун бўлиб, агрессив хулқ-атворга эга бўлади. Бу назария тарафдорлари фикрига кўра, “ортиқча” хромосома - жиноят содир этишнинг биологик (генетик) сабабларидан бири ҳисобланади[18]¹.

“Эндокринологик жараён” назариясида жиноятчилик сабабларининг шаклланишнинг биологизацияси кўзда тутилган бўлиб, бу назария жиний қилмишнинг одам ички секрециясида жойлашган темирнинг бузилишига боғлайди.

Жиноятчиликни организмнинг анатомио-физиологик хусусиятлари билан боғлайдиган назариялардан бири “паст ёки тўлиқ қадрга эга бўлмаган (қадр) ирқ” позицияси бўйича жиноятчилик сабабларини тушунтириш ҳисобланади. Унга кўра, “юқори ирқ ҳамма вақт қуйидагисини сиқиб чиқаради ва қириб ташлайди, бу инсоният қонунидир”.

Психологик назария жиноятчилик сабаблари ҳақидаги мураккаб назариялардан бири ҳисобланиб, унинг икки асосий: психопатик ва психоанализ йўналиши мавжуддир.

1 Т.Г.Морган. Избранные работы по генетике. Государственное издательство колхозной и совхозной литературы «Сельхозгиз» Москва-Ленинград—1937.-С. 51-61.

Биринчи йўналиш жиноятларнинг содир бўлишига шахснинг психик соғлиғи таъсир қилишини белгилаб берган.

Немец психиатри Курт Шнейдер ўзининг “Психопатик шахслар” асарида 10та психопат типларни ўрганган ҳолда, уларнинг камида 7таси ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга мойиллигини аниқлади (хусусан, меланхолик ва холерик)[19].

Яна бир немец психиатри Кречмер Эрнест эса жиноятчиларнинг қуйидаги типларини таснифлайди: (пикнический) пикник (гавда қисми катта, оёғи калта) шахслар. Лепогосомик ёки астеник новча ва оғир бўлмаган), атлетик (жуда ривожланган пропорционал гавда тузилишига эга) шахслар[20]. Кечмернинг бундай тавсифи антропологик назария ғояларига яқин туради.

Психоанализ назарияси асосчиси австриялик психиатр Зигмунд Фрейд ҳисобланиб, у ўзининг “Тушлар таъбири” (тушларни шарҳлаш) асарида инсон ички дунёсининг тузилиши, руҳий азобланиш сабаблари, шахснинг ўзи ва атроф-муҳит ҳақидаги тушунчалар ва шу кабиларни асосий масала сифатида ёритди[21].

Фрейднинг асосий ғояси унинг рақиблари томонидан “пансексуализм” деб аталган. Сабаби, у асаб касаллиги билан касалланган шахслар, хусусан, галлюцинация, спазм, қўрқувга тушган аёлларни ўрганиб, шахсларда қуйидаги икки ҳал қилувчи инстинкт (эҳтирос) мавжудлигини кўрсатди: ўз-ўзини муҳофаза қилиш инстинкти - шахс хулқ-атвори орқали ҳаракатланиб, усиз тирик жон мавжуд була олмайди, сексуал инстинкт-шахснинг ўзини эмас, балки унинг бутун шаклини сақланишини таъминловчи инстинкт. Шунингдек, унинг психоанализ назарияси “ана шу сексуал инстинкт” орқали шакллантирилган.

Фрейднинг фикрига кўра, агар жамиятдаги тақиқлар шахснинг эркин (ҳаракатланиш) лигига тўсқинлик қилса, у ўзининг ақлий ва жисмоний ҳаракатларидан четга чиқиб, бундай тўсқинчи четлаб ўтиш пулларини қидиради ва бунинг оқибати ҳуқуққа хилоф қилмишларда намоён бўлади. Шундай қилиб, Фрейднинг психоанализ назариясининг асосий ғоясини “қониқиш” ташкил қилиб, у инсон хулқ-атворини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Яъни “қониқиш” - психик соғломликнинг асосини, “қониқмаслик” эса оғир асаб ва психик бузилишларга, ҳаттоки, ижтимоий хавфли оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Неофрейдизмга К. Хорни ва Э.Фроммларнинг “психомаданий” Америка фрейдзми, шунингдек, психокасалликни инқилобий потенциал орқали, функциясини эса прогресс кучи воситасида ҳал қилинишини изоҳловчи фрейдомарксизм кабиларни киритиш мумкин.

Неофрейдизмнинг марказий ғоясига кўра, инсон хулқ-атворини ҳаракатлантирувчи куч - ички ихтиёрий кучлар, яъни “ишқивозлик” ҳисобланади[22].

Жиноятчилик сабаблари ҳақидаги оригинал психологик таълимотлардан бири француз олими Габриэль Тард таълимотидир. Унинг фикрига кўра, жиноят-ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг негизини шахснинг психик фаолиятининг асосий оқибатлари ташкил этади. Хусусан, бир шахсдаги хусусият “тақлид қилиш” орқали бошқа бир шахсга “юқиши” мумкин ва бу шахснинг хулқ-атворига тезда таъсир кўрсатади.

Бу билан Габриэль Тард биринчи бўлиб тақлид қилувчи шахсни ўрганиш назариясига асос солиб, қуйидаги қонуниятларни яратган:

1. Яқин алоқада бўлган шахслар бир-бирининг хулқ-атворини яхшироқ ва осон қабул қилади.
2. Ёшлар қарияларга, камбағаллар – бойларга, христианлар эса аристократларга тақлид қилади.
3. Олдинги тақлид янгиси билан қопланади, цивилизация ривожланиши тақлид қилиш таъсири кенгайди, шу билан бирга, шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар сони ҳам ортади[23].

Жиноятчилик сабаблари тўғрисидаги социологик назариялар асосан XVIII-XIX асрлар мобайнида шаклланди. Уларнинг икки асосий ҳолати фарқланади. экзоген омиллар ва уларнинг кўплиги.

Томас Мор ўзининг “Утопия”(1516) асарида жиноий хулқ-атвор – бировнинг қашшоқлигидан, бошқаларнинг эса паразитик ҳаёт тарзидан келиб чиқишини таъкидлайди.

Кампанелла ўзининг “Қуёш шаҳри”(1602) асарида белгиланишича, жиноятчилик кўпчилик одамларнинг “бебахралиги” (ҳамма нарсадан маҳрумлиги)га ҳамда жамиятни “адолатлилик

ва аъзоларнинг тенлиги” асосида қайта кўриш заруратига боғлиқдир.

Ж.П. Марат ва А. Н. Радищев асарларида жиноятчилик сабаби жамиятдати бир одамнинг иккинчисини эзиши, адолатнинг мавжуд эмаслигига боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган.

Ж.П. Марат ўзининг “Жиноят қонунчилиги режаси” асарида жиноятчиликнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан боғлиқлиги ҳақидаги ғоясини ривожлантирди[24].

Рус демократ олими А.Н.Радищев “Петербургда Москвага саёҳат”, “Қонунчилик ҳолатлари тўғрисида” асарида жиноятчиликнинг ижтимоий тузум характери, мустаҳкам тизимдаги ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқлигини белгилаган. Бундан ташқари, у жиноятчилик сабабларини статистик маълумотлар асосида ўрганиш дастурини ишлаб чиқди[25].

Социалист-утопистлар эса жиноятчилик сабабларини хусусий мулкнинг мавжудлиги ва адолатсизлик билан боғлайдилар.

А.Сен-Симон, Шарль Фурье, Роберт Оуэн жиноятчилик сабабларини одамлар ҳаёти шарт-шароитларига боғлаб, чайқовчилик (олиб-сотарлик), судхўрлик жиноятчилигини кўрсатган ҳолда зўравонлик, эксплуатация, ножўя тарбия ва бошқа шарт-шароитлар мавжуд ҳолларда улар билан курашиш натижасиз эканлигини кўрсатиб ўтганлар. (XIX аср демократлари А.Н.Гернец, В.Г.Белинский, Н.А.Добролюбов, Н.Г. Чернышевскийлар ҳам шундай фикрда бўлган).

Белгиялик олим, социолог, статистик Кетле Ламбер Адольф Жак жиноятчиликнинг ижтимоий муносабатлар билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритиб, жамиятнинг ўзи жиноят содир этилишига шарт-шароит яратиб беришни таъкидлаб ўтди, шунингдек, статистикадан фойдаланиб жиноят билан шахс хулқ-атвори, унинг тарбияланиш муҳити ва таълими ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга ҳаракат қилди.

Голланд криминологи Ван Гамель жиноятчилик сабабларини иқтисодий шарт-шароитлар, хусусан, бойишга интилиш каби омилларга боғлайди[26].

Немец криминалисти Лист эса жиноятчиликка нафақат иқтисодий шарт-шароитлар, балки уруш, алкоголизм, айрим урф-одатлар ва анъаналар, тарбиядаги камчиликлар ҳамда фоҳишабозлик таъсир кўрсатишини белгилаб берди[27].

Голланд криминологи Бонгер жиноятчиликни “авваламбор, ижтимоий тузум натижаси” деб ҳисоблаб, жиноятчилик шарт-шароити сифатида болалар меҳнати, узун иш куни, иқтисодий тангликлар. Ҳаётий (маиший) келишмовчиликлар каби ижтимоий омилларни кўрсатди.

Америка криминологи Вэрон Фоксинг “Криминологияга кириш” асарида “Дифференциал боғлиқлик (табақалаштирилган) назарияси”, “Бегоналаштириш назарияси”, “Нейтрализация назарияси”, “Субмаданият назарияси”, “Дрейф (кеманинг курсдан оғиши) назарияси”, “Стигмация назарияси” ҳамда жиноятчилик сабабларини иқтисодий асосланттириш назарияси каби жиноий хулқ-атвор антологияси (вужудга келиши)нинг иқтисодий назариялари кўриб чиқилган[28].

Э.Дюргеймнинг “Аномия назарияси”нинг американча вариантыда Р. Мертон жиноятчиликни ижтимоий ахлоқнинг заифлашуви, ижтимоий институтларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан издан чиқиши сифатида тушунтирди.

Америка криминологи Эдвин Сатерленднинг “Дифференцияланган ассоциациялар ва боғлиқликлар” назарияси жиноятчилик сабабларини жиноий хулқ-атворга ўргатиш натижаси сифатида талқин қилиб, бу назарияга кўра, жиноий хулқ-атвор шахснинг атрофидаги “қонунни бузиш, унга риоя қилишдан кўра қулайроқдир», деган баҳо натижасида вужудга келади.

“Субмаданият назарияси”га кўра, одам (асосан ёшлар ва вояга етмаганлар) ўзи билан тенг одамлар гуруҳида яшаб, ушбу гуруҳ, “шайка” қадриятлари билан боғлиқ ҳолда шаклланади, уларга риоя қилади, ижтимоий маданий қадриятлар тизимига эса эътибор бермайди ва натижада унинг хулқ-атвори ғайриижтимоий қилмишга айланади.

“Стигмация” назариясига кўра, ҳеч бир хулқ-атвор ўз ўзидан жиноят деб ҳисобланмайди, ҳамма гап “ён томондан баҳо бериш”дадир. Яъни қилмиш қонунчилик, судья ва полиция томонидан унга таъсир этилган ёки баҳо берилган тақдирдагина жиноят деб ҳисобланади. Айнан шундай таъсир “стигмация”, яъни «клеймания» (жиноят деб тамға босиш) йўли билан жиноят жиноятчиликни вужудга келтиради. Бошқача айтганда, шахснинг жинойий юстиция билан ўзаро алоқаси жараёни унга акс таъсир этиб, уни жиноятчига айлантиради. Вэрон Фокснинг фикрича, бундай жараён тузалмайдиган жинойий жамоа шаклланадигав тюрмада кульминацион нуқтасига етади.

Жиноятчилик сабаблари тўғрисида Маркс ва Энгельс назариясини ХХ аср бошларида голланд криминологи Биллем Адриан Бонгер ривожлантириб, у ўзининг фикрини “социализм альтруизм (бошқалар манфаатини ўйлаш)ни вужудга келтириш имкони бўлганда, капитализм – эгоизм (худбинлик)нинг манбаи ҳисобланади” деб асослантирди. Унинг фикрича, капитализмда эгоист унинг эҳтиёжини қондирадиган қонуний йўл бўлмаса, у бошқалар ҳисобига бойишига ҳаракат қилади. Социализмда эса шахсларнинг эҳтиёжлари қонуний йўллар билан қондирилиб, бунинг натижасида қашшоқлик вужудга келади ва бу жиноятчиликнинг асосий сабабларини юзага келтиради[29].

Собиқ Иттифоқи олимларининг кўпчилиги жиноятчилик сабаблари концепциясига жиноятчилик омиллари кўплиги нуқтаи назаридан ёндашган.

В.Н.Кудрявцев ёзишича, ҳуқуқбузарликлар манбалари – одамлар ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, аҳолининг бутун ва алоҳида қатламлари социал психологияси ва аҳолининг маданияти давлат ва ҳуқуқий институтларининг нормалар томонидан функционаллаштирилганлиги ҳисобланади[30].

Н.Ф. Кузнецова фикрича, жиноятчилик сабаблари бўлиб жинойийликни келтириб чиқарувчи негатив (зарар етказувчи) характердаги иқтисодий, маънавий, тарбиявий, ташкилий-бошқарувга оид, ижтимоий-психологик омиллар ҳисобланади[31].

Л.И.Спирidonовнинг қарашини бўйича, жиноятчиликнинг махсус сабаблари умуман мавжуд эмас: айнан бир хил ижтимоий ҳодисалар ҳар хил шароитларда позитив (ижобий) ёки негатив (салбий) оқибатларга олиб келиши мумкин. Криминологиянинг асосий вазифаси эса ана шундай ижтимоий ҳодисалардан қайсилари негатив характерда эканлигини аниқлашдир[32].

Юкоридагилардан келиб чиқиб, жиноятчилик сабабларини назарий тушунтиришда уларни “сарқитлар” (кўргиликлар) назариясидан ташқари яна икки турдаги нуқтаи назарларга бўлиш мумкин: антагонистик ва неантагонистик қарама-қаршиликлар.

Кенг тарқалган “қарама-қаршиликлар” назарияси марксизм-ленинизм классиклари томонидан асослантилган антагонистик (мурасиз) қарама-қаршиликлар назариясига кўра, социал “портлашлар”, инқилоблардан қочиш учун формация, давлат ва ижтимоий тузумни, инсон ҳаёти фаолияти ва тамойилларини ўзгартириш керак. Лекин социализм принципи амал қиладиган жамиятда “ноантагонистик қарама-қаршиликлар” назарияси мавжуд бўлиб, у жиноятчиликнинг сабаби ҳисобланади.

А.А.Пионтковский жиноятчилик сабаблари таркибини жамият аъзоларининг доимий ўсиб боровчи эҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг моддий воситалари ўртасидаги ижтимоий характердаги қарама-қаршиликларда деб ҳисоблайди.

В.Н.Кудрявцев ёзишича, “ҳуқуққа хилоф, хатти-ҳаракат субъект хулқ-атвори ва қонун талаблари ўртасидаги очиқ низога айланиб боровчи қарама-қаршиликлар натижасида вужудга келади ва ривожланади. Бундай қарама-қаршиликлар психологик, социал ёки аралаш характерда бўлади.

Кейинчалик В.Н. Кудрявцев жиноят сабабларини объектив ва субъективга бўлади.

Жиноятчиликнинг объектив сабаблари – одамларнинг иқтисодий ва ижтимоий муносабатларидаги қарама-қаршиликлари шунингдек, ғайриижтимоий мотивацияга

олиб келувчи қийинчилик ва етишмовчиликлардир.

Жиноятчиликнинг субъектив сабаблари эса - социал психология элементлари, бузуқ эҳтиёжлар, манфаатлар, мақсад ва мотивлар ҳисобланади[33].

“Қарама-қаршиликлар” назариясига қиёсий жиҳатдан яқинроқ назариялардан бири ҳисобланган “Деформация” назарияси А. Номоконовнинг “Преступное поведение: детерминация и ответственность” асарида ўз ечимини топган. Унинг фикрича, барча ижтимоий қарама-қаршиликлар эмас, балки жамият тараққиётини тўхтатувчи қарама-қаршиликлар жиноятчилик манбаи ҳисобланади ва бундай қарама-қаршиликлар “ижтимоий ҳаёт деформациялари” деб номлаш зарур. Жиноятчилик сабабларини эса шахснинг ҳаёт тарзида, у ёки бу микромуҳитда вужудга келувчи “комплекс деформациялар” сифатида тушуниш керак[34].

Волков Б.С. Номоконов А.Л.нинг позициясини ойдинлаштириб, ғайриижтимоий хулқ-атвор хусусиятларига кўра жиноятчилик сабаблари ва шарт-шароитларини қуйидаги 3 гуруҳга бўлади:

а) жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусияти билан боғлиқ ҳолатлар;

б) шахснинг ижтимоий интеграциялашуви, унинг ижтимоий психологик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолатлар;

в) ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқ-тартиботни ижтимоий-ҳуқуқий тартибга солишдаги ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдаги камчиликлар боғлиқ ҳолатлар[35].

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнидаги жиноятчилик сабабларини ўрганувчи назариялардан бири Гарри С.Беккер ва Исаак Эрлихнинг жиноятчиликнинг иқтисодий назарияси ҳисобланади.

Сиёсий-иқтисодий Гарри С.Беккер биринчи бўлиб криминологиядаги классик мактаб қарашларини қайта тиклади: одам унинг мотивацияси бошқалар мотивациясидан фарқ қилганлиги учун жиноятчига айланмайди, балки ўзининг қилмишидаги харажат ва фойдани кўзлаган ҳолда маълум бир хулосага келиб, ўзидаги ахборот имкониятларини текшириб шундай қилмиш танлайдики, бундай қилмиш учун жазоланиш хавфи камроқ, фойда эса кўпроқ бўлади[36].

Бошқа сиёсий-иқтисодчи Исаак Эрлих одамлар жиноятчиликка қараб қандай турлансалар, жиноятчиликка қизиқиш ва омад ҳам шундай таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди.

Унинг фикрича, жиноий жазоланадиган қилмиш, хусусан, мулкка қарши жиноятлар жиноятчилар томонидан “нормал бозор операциялари” сифатида содир этилади. Жиноий қилмишлар “ёпиқ бозори”ни эса ҳуқуқбузарларнинг хулқ-атвори турли шаклларда тартибга солади ва мувофиқлаштиради.

Агар тасодифий қурбонлар, деб таъкидлайди у. Ўзларининг жабрланмасликлари учун олдини олиш чоралари (сигнализация, сейф)ни кўрган бўлсалар, жиноятчиларга бундай объектларга тажовуз қилиш қимматга тушади[37].

Вестфальк Университетидаги криминология институти раҳбари Ганс Шнайдер жиноятчилик сабабларининг 3 иқтисодий назарияларини белгилаб берди:

а) депрессия (турғунлик)лар - жиноятчилик юқори конъюктура даврида пасаяди, иқтисодий депрессиялар даврида эса ўсиб боради;

б) экспанциялар – жиноятчилик иқтисодиётнинг ривожланиши билан ўсиб боради, кучсизланиши билан эса пасаяди;

в) комбинациялар - депрессиялар – экспанцияларга кўра, жиноятчилик иқтисодиётнинг “уйғониши” ва инқирози даврида ўсиб боради. Бунда иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатдан жиноятчилик даражасини кўтаради[38].

Бу назариялар яширин латент жиноятчилик тадқиқ қилинганидан кейин ўз аҳамиятини йуқотди.

Жиноятчилик сабаблари таснифлаш муаммолари.

Жинойтчилик сабабларининг таснифи деганда, жинойтчилик сабабларини маълум бир мезонларга кўра, гуруҳларга бўлиш, ажратиш тушунилади.

Жинойтчилик сабабларининг дастлабки ва асосий таснифи “функционаллаштириш даражаси”га асосланади ҳамда умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликнинг диалектик ўзаро муносабати билан белгиланади. Бундай таснифнинг мезони булиб, жинойтчилик сабабларининг умумийлиги даражаси ҳисобланади:

а) жинойтчиликнинг умумий сабаблари (барча жинойтлар учун умумий ҳисобланган сабаблар);

б) турли категориядаги жинойтчиликнинг (хусусий) сабаблари;

в) алоҳида турдаги жинойтчилик сабаблари.

Жинойтчилик сабабларининг иккинчи таснифи ижтимоий ҳодисалар таркиби ва хусусиятдан келиб чиқади:

1) ижтимоий-иктисодий;

2) ғоявий (маданий-тарбиявий ҳам киради);

3) ташкилий-бошқарувга оид;

4) ижтимоий психологик.

Жинойтчилик сабабларининг учинчи таснифи мақсадга мувофиқлиги (мақбуллиги) га кўра “тўлиқ” ва “хусусий” каби гуруҳларга бўлишдан келиб чиқади. Бунда жинойтчилик “тўлиқ” сабаблари қуйидагилар билан тавсифланади:

1) барча ижтимоий ҳодисалар ва омиллар мажмуи;

2) уларнинг турли хусусиятга эга эканлиги;

3) жинойтни вужудга келтирувчи ҳодиса ва омилларининг бир хил эмаслиги (яъни асосий, иккинчи даражали, бевосита, билвосита омиллар).

Тўлиқ сабаб жинойтчиликни келтириб чиқарувчи ҳодисалар мажмуидир. Хусусий сабаб тўлиқ сабаб таркибига кириб, унинг бир қисми ҳисобланади ва жинойтчиликнинг бевосита (махсус) сабаби, деб эътироф этилади.

Жинойтчилик сабабларининг тўртинчи таснифи “ижтимоий омилларнинг жинойтчиликка таъсир этиш механизмига” асосланган. Бунда жинойтчилик сабаблари ва уни вужудга келтирувчи шарт-шароитлар эътиборга олинган.

Шарт-шароитлар таркибига кўра жинойтчилик сабаблари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Жамятда ғайриижтимоий қарашлар ва анъаналарнинг вужудга келиши, тикланиши, қайта тикланишига олиб келувчи турли хил ғоявий тарбиявий омиллар;

2. Ғайриижтимоий қарашлар ва одатларнинг вужудга келишига шарт-шароит яратувчи айрим ташкилий бошқарувдаги хатолар ва камчиликлар;

3. Шахснинг ахлоқий (маънавий) шаклланишидаги камчиликлар.

Жинойтчилик сабабларнинг бешинчи таснифи сабабларнинг объектив, объектив-субъектив ва субъективга бўлинишига асосландир.

Объектив сабаблар инсон эрки билан боғлиқ бўлмаган тарзда мавжуд бўлган сабаблардир.

Субъектив сабаблар эса одамларнинг эрки ва фаолияти, уларнинг бирлашуви билан белгиланади.

Жинойтчилик сабабларининг олтинчи таснифи ижтимоий-иктисодий формациялар хусусиятларига асосланади. Бу тасниф марксизм-ленинизм таълимоти билан боғлиқ бўлиб, сабабларнинг “асосий” ва “асосий бўлмаган” турларга бўлинишига олиб келади. Жинойтчиликнинг асосий сабаблари “эксплуататорлик сабаблари” деб номланиб жинойтнинг ўзидан келиб чиқади ва уларни бартараф этиш учун бундай ижтимоий муносабатлар тизимини бутунлай ўзгартириш керак. Социалистик даврида бундай сабаблар “асосий бўлмаган” деб номланади.

Юқоридаги жинойтчилик сабабларининг бешинчи таснифи схемаси шартли равишда бўлиб, бундан ташқари жинойтчилик сабабларини бир қанча мезонларга кўра турларга бўлиш мумкин:

Биринчидан, жинойтчилик сабаблари манбаларнинг сонига кўра “бир омиллик” ва

“кўп омилли”га бўлинади.

Иккинчидан, сабабларни жиноий хулқ-атвор турлари ва характериға кўра, қуйидаги турларға бўлиш мумкин масалан, мулкка қарши, зўравонликка асосланган, давлатға қарши, транспорт, ҳарбий ва шу каби жиноятлар;

Учинчидан, жиноятчилиги сабабларини жиноят оқибатлари характериға кўра ўта оғир, оғир ва унча оғир бўлмаган каби турларға бўлиш мумкин.

Тўртинчидан, жиноятчилик сабабларини уларнинг вужудға келиш соҳалари бўйича турларға бўлиш мумкин: қишлоқ хўжалик, савдо, қурилиш соҳалари, жамоат жойлари ва ҳ.к.

Бешинчидан, жиноятчилик сабабларини жиноят содир этган шахсларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб турларға бўлиш мумкин, масалан, маҳкумлар жиноятчилиги сабаблари, вояға етмаганлар жиноятчилиги сабаблари, рецидивистлар жиноятчилиги сабаблари, мансабдорлик жиноятчилиги сабаблари ва ҳ.к.

Ниҳоят, жиноятчилик сабабларини жиноят содир этган шахсларнинг айби шакллариға кўра ҳам турларға бўлиш мумкин: эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятчилик сабаблари, қасддан содир этилган жиноятчилик сабаблари.

Бундай тасниф нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим бўлиб, жиноятчиликка қарши курашишда олдини олиш чоралари тизимини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Индивидуал жиноий хулқ-атвор даражасидаги жиноятчилик

Алоҳида жиноий хулқ-атворнинг содир этилиш механизмини аниқлаш ва ўрганиш учун диалектиканинг методологик принциплариға мурожаат қилишға тўғри келади: “умумий”, “хусусий” ва “алоҳида” ҳодисалар.

Индивидуал тарзда жиноят содир этиш биринчи навбатда жиноятчи шахсининг “эркин ҳаракатиға” боғлиқ. Бу эркин ҳаракат, авваламбор, икки омил натижасидир:

а) жиноий хатти-ҳаракат содир этишта имкон берувчи жиноятчи шахсини шакллантирган шарт-шароитлар, унинг қарашлари, одатлари, эҳтиёжлари ва ишончлари;

б) жиноят содир этилганлиги бўйича турмуш-тарзининг аниқ шарт-шароитлари.

Бундай омиллар алоҳида эмас, балки бир-бириға боғлиқ тарзда ҳаракатда бўлади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир алоҳида жиноят даражасидаги жиноятчилик “занжири” қуйидаги уч босқичлардан иборат:

а) жиноят содир этган шахсининг эркин ҳаракати (сабабий занжирнинг бошланиш қисми сифатида);

б) маълум бир ҳаётий ҳоллар бўйича зарар етказувчи одатлар, анъналар, қарашлар, ишончлар, манфаатлар ва эҳтиёжларнинг ўзаро боғлиқлиги (сабабий боғлиқнинг марказий қисми сифатида);

в) жиноят содир этган инсон шахси шаклланишининг негатив (салбий) шарт-шароитлари (сабабий боғлиқликнинг энг узун, лекин “чуқур” қисми).

Одамнинг аниқ хулқ-атвори нафақат умумижтимоий шарт-шароитлар (ижтимоий-иқтисодий ҳолат, сиёсий режим, ҳуқуқий мақом, ахлоқий психологик йўналишлар ва ҳ.к.), балки глобал иқлимий, физик, космик омиллар ҳам таъсир қилади.

Айрим тадқиқотларға кўра, инсонлар қуёш нури кучайиши, йил фасллари ва ҳаттоки, рок мусиқа баландлиги таъсирида ҳам жиноят содир этишлари мумкин. Масалан, рок мусиқанинг ўзи инсон психикасига, соғлиғи ва хатти-ҳаракатиға таъсир этиши мумкин. Масалан, қадимги Осиёда шундай жазо тури мавжуд бўлганки, маҳкум пастроқ осилиб турган катта қўнғироқ ичига киргизилгач ва тинмасдан қўнғироқ чалинган, бунинг натижасида маҳкум жуда оғир азоб билан ўлган.

Сабабият бошқа ғайриижтимоий ҳодисалар каби инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг социал доирасида вужудға келиб, бундай муносабатлар доираси кенгдир (иқтисодий, психологик, ахлоқий, ҳуқуқий, ташкилий-бошқарувға оид). Жиноят салбий ижтимоий ҳодиса ҳисобланганлиги учун жиноятчилик сабаблари социал институтлар орқали ўрганилади.

Криминологияда сабабият бир турдаги ва бир аҳамиятли бўлмасдан, комплекс

характерга эгадир. Жиноятчилик сабабларини аниқлаш борасида эса фақат битта аниқ сабабни кўрсатиб бўлмайди, чунки жиноятнинг ўзи кўпқиррали мураккаб ҳодиса ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган ўндан ортиқ назариялар ичидан битта аниқ назарияни тан олиб, қолганларини рад этиш мушкул. Чунки ҳар бир назариялар ўз даври шарт-шароитларидан келиб чиққан ва ўша давр олимлари томонидан тан олинган, шунингдек, ҳар бир назариянинг ўзининг устун томонлари ва камчиликлари мавжуд.

Криминологиянинг асосий вазифаси эса ҳар, бир назариянинг “криминологик сабабият” тизимидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш ҳамда уларнинг ҳаракатига кўра маълум бир шаклдаги “назариялар пирамидаси”ни яратишдир. Бу борада криминология фани “архитекторлик” вазифасини бажаради.

Жиноятчилик сабаблари омилларининг ҳар бир алоҳида жиноят бўйича вақт ва ҳудуд жиҳатдан таъсир этиш (ҳаракатланиш) механизми турлича бўлиб, бунда “алоҳидалик” хусусиятини эътиборга олиш лозим. Бундай вақтда эса “жиноятчилик сабабларининг таснифи” муҳим аҳамият касб этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. John Frederick William Herschel. Preliminary discourse on the study of natural philosophy. –М.2019. p.202 .
2. Криминология. -М.: Бек,1995. —С.76.
3. Криминология / А. И. Долгова. — 4-е изд., перераб. и доп. 2016. (Краткие учебные курсы юридических наук). -С.153
4. Криминология: учебник / под ред. В. Н. Кудрявцева, В. Е. Эминова. - 5-е изд., перераб. и доп. — Москва: норма: ИНФРА-М, 2022. —С.110.
5. Қ.Р.Абдурасулова. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. - Б.35.
6. URL: <http://www.civisbook.ru/files/File/Monteskye.O dukhe.pdf>
7. Избранные произведения Иеремии Бентама. Т. 1. – СПб., 1867. – Б.39.
8. Bentham J. Deontology .Oxford, 1983. P. 251.
9. Кетле, Ламбер Адольф Жак. Социальная физика, или Опыт исследования о развитии человеческих способностей / Кэтлэ; Под ред. [и с предисл.] А. Русова. Т. 1-2. Т. 2 // 2 т.; 23 Пер. с изд. 1869 г. студ. Киев. коммерч. ин-та Е. Калмановской, Э. Пышнова и А. Шендеровича. — Киев : Киев. коммерч. ин-т, 1911-1913, 1913. — [2], 360 с.
10. Gall F. J. Sur les fonctions du cerveau. Т.1. - Paris : J.V. Baillièrè, 1825. -Р. 405.
11. Ломброзо, Чезаре. Человек преступный : [перевод с итальянского] / Чезаре Ломброзо. – Москва: Алгоритм, 2018. — 352 с.
12. Ломброзо Ч. Преступление. Новейшие успехи науки о преступнике. М., 2004. С. 5.
13. Ферри Э., Сост. и предисл.: Овчинский В.С.: Уголовная социология. — Москва: Инфра-М, 2005. —С.21.
14. Иншаков С.М. Зарубежная криминология. — М., 1997. — С. 61.
15. Эрнст Кречмер. Строение тела и характер. – Москва : Академический проект, 2019. — С.52.
16. William H. Sheldon, The varieties of human physique: An introduction to constitutional psychology (New York: Harper & Brothers, 1940); Glueck S. Psychiatric Examination of Persons Accused of Crime//Yeie Law Journal. 1927. V. 36. P. 632-648.
17. Штерн К. Основы генетики человека. – М., 1965. – Б. 529.; Дубинин Н.П., Карпец И.Н., Кудрявцев В.Н. Генетика, поведение, ответственность. – М., 1982. – 129-б.; Эфроимсон В. Родословная альтруизма // Новый мир, 1971, №1. – Б.210.
18. Т.Г.Морган. Избранные работы по генетике. Государственное издательство колхозной и совхозной литературы «Сельхозгиз» Москва-Ленинград—1937.-С. 51-61.

19.Курт Шнейдер. Клиническая психопатология.14-е неизменное издание с комментариями Герда Хубера и Гизеллы Гросс. Издательство “Сфера” (перевод, оформление)– М., 1999. – С. 27.

20.Эрнст Кречмер. Строение тела и характер. – Москва : Академический проект, 2019. — С.52.

21.Зигмунд Фрейд. Толкование сновидений. Издательство “Харвест”. – М., 2005. –480 С.

22.Фромм Эрих, Хорни Карен. Психоанализ и культура. Избранные труды Карен Хорни и Эриха Фромма. . – Москва : Юрист, 1995. — С.423.

23.Тард Г. Законы подражания. — М.: Академический проект, 2011. — С. 70.

24.Марат, Жан Поль (1743-1793). План уголовного законодательства [Текст] / Пер. с фр. Н. С. Лапшиной ; Под ред. и с предисл. А. А. Герцензона. — Москва : Изд-во иностр. лит., 1951. — 152 с.

25.Радищев А. Н. О законоположении // Радищев А. Н. Полное собрание сочинений. М.-Л. :Изд-во Академии наук СССР, 1938—1952. Т. 3 (1952). С. 143—165.

26.Введение в криминологию : лекции / В.А. Ананич ; учреждение образования «Акад. М-ва внутр. дел Респ. Беларусь». – Минск : Акад. МВД, 2014. –с.59.

27.Лист, Ф. Задачи уголовной политики. Преступление как социально-патологическое явление / Ф. Лист ; сост. и предисл. В.С. Овчинского. — Москва : ИНФРА-М, 2023. —С.110.

28.В. Фокс «Введение в криминологию». Пер. с англ. – М.: «Прогресс», 1985. – С. 106-117.

29.Каиржанов Е.И.Криминология (Общая часть). – Алматы: 2003. – С. 29.

30.Кудрявцев, В. Н. Причины правонарушений: (репринт издания М., 1976) Монография / Кудрявцев В.Н. - Москва :Юр.Норма, НИЦ ИНФРА-М, 2016. - С.34.

31.Проблемы криминологической детерминации / Кузнецова Н.Ф.; Под ред.: Кудрявцев В.Н. - М.: Изд-во Моск. ун-та, 1984. - С.48.

32.Спиридонов Л.И. Социальное развитие и право. Л., 1973. С. 167.

33.Владимир Кудрявцев: Причинность в криминологии. О структуре индивидуального преступного поведения. Монография. – М.: НОРМА, 2019. – С.36.

34.Номоконов В.А.:Преступное поведение: детерминация и ответственность.– Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 1989. – С.43.

35.Волков М. Что нам показывает статистика преступности //Вестник статистики. 1991. №3.

36.Becker G.S. The economics of crime // Cross Sections. 1995. Fall. P. 8 - 15.

37.Ehrlich I. The Deterrent Effect of Capital Punishment: A Question of Life or Death // American Economic Review. - 1975. - № 65.

38.Шнайдер, Г.Й. Криминология/ Ганс Йоахим Шнайдер; Пер. с нем. Ю. А. Неподаева; Под ред. Л. О. Иванова.- М.: Университетское, 1994.- С. 253.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
2 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА
НОМЕР 2, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD
VOLUME 2, ISSUE 4

TOSHKENT-2024